# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК*

**БУТАНОВА ДИЛНОЗА**

**Минтақа рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни**

**5А 340105 – “Бизнесни бошқариш”**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор Рузметов Б.**

**Урганч-2013**

**Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.**

**________________ -сонли баённома “___”________ 2013 йил**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор Рузметов Б.____________ ____________**

**(имзо) (сана)**

**Магистр: Бутанова Д. _____________ ____________**
**(имзо) (сана)**

**МУНДАРИЖА**


| | |
|---|---|
| **КИРИШ** | |
| **I-БОБ. МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ-НИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ** | |
| 1.1. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақалар рақобатбардошлигининг моҳияти ва тушунчалари | |
| 1.2. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида рақобатбардошлик омиллари | |
| 1.3. Минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш услублари | |
| **II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ** | |
| 2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни миллий иқтисодиётдаги ўрни | |
| 2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш шакллари | |
| 2.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар | |
| **III-БОБ. МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ** | |
| 3.1. Минтақа рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестициялаш хусусиятлари | |
| 3.2. Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш ва минтақавий кластерлар | |
| 3.3. Минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари | |
| **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР** | |
| **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** | |

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзуининг долзарблиги**. Жаҳон иқтисодиётида жиддий муаммолар сақланиб қолаётган бир вақтда Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётини барқарор юқори суратлар билан ривожланмоқда, аҳоли турмуш даражаси барқарор ўсмоқда ва юртимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатда амалга оширилаётган ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажриба нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтларнинг, жаҳондаги етакчи илмий марказларнинг юқори баҳоларини олмоқда.

Республика Президенти И.Каримов 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқида ҳар бир ҳудуд учун устувор тармоқларни аниқлаш, табиий-хом ашё ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини тезкор ва мувозанатли ривожлантиришни ҳудудларни тармоқлар билан узвий боғлаган ҳолда комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини қўйдилар. "Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, 2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиш даркор" деб таъкидладилар.[1]

Минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбарошлиги фундаментал категория сифатида намоён бўлиб, такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий шарт-шароитлари ва омиллари мажмуини ҳам, минтақа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ҳамда табиий-ресурс потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ҳам ўз ичига олади.

[1] Республика Президенти И.Каримов. Халқ сўзи. 19 январ 2013 йил.

Рақобатдардошликни оширишда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланиб иш кўриш талаб қилинади: табиий-ресурс (табиий-ресурс потенциалининг иқтисодий парметрлари); тузилмавий-технологик (устунлик қилувчи технологик уклад, иқтисодиётнинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, қўлланаётган технологияларнинг инновацион параметрлари ва ҳ.к.); институционал (бозор муҳити ва базавий бозор институтларининг шаклланганлиги, табиатдан фойдаланишнинг ҳуқуқий базаси ва ҳ.к.); демографик (аҳоли зичлиги, аҳолини жойлаштириш шаклларининг мавжудлиги ва ҳ.к.); глобал (минтақанинг жаҳон хўжалик тизимига нтеграллашиш даражаси, унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва вазифалари ва ҳ.к.).

Рақобатдардошликни оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни ҳамда минтақаларнинг барқарор ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилиниши ҳудудларнинг табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўланишларини асослаб бериш заруратини тақозо этади ва мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Минтақаларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Г.Брундтланд, И.Валерстайн, В.Ойкен, А.Гранберг, Ж.Вальтер, У.Изард, М.Портер, П.Кругман, С.Розенфельд, Россиялик олимлар Г.Азоев, В.Гончарев, И.Семенова, А.Юданов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ушбу йўналишдаги бошқа муаммолар мамлакатимиз олимлари С.Гуломов, Т.Ахмедов, А.Вахобов, А.Қодиров, Б.Рўзметов, А.Солиев, А.Содиқов, С.Салаев, Р.Нуримбетов ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган.

Бироқ, шулар билан бир қаторда иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрнини аниқлашга бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмас.

Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотда қўйилган муаммонинг долзарблиги, шунингдек, унинг етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу магистрлик диссертация ишининг предмети, мақсади ва асосий вазифаларини белгилаб берди.

**Дисаертация иши мавзуининг илмий-тадқиқот ишлар режаси билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқот мақсади.** Тақиқотнинг асосий мақсадини минтақанинг рақобатбардошлигини оширишдкичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнини аниқлашга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ташкил этади.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни либераллаштириш шароитида минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларини аниқлаш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни субъектларини Давлат томонидан қўллаб-кувватлаш шаклларини ўрганиш;

- миллий иқтисодиётни модернизациялаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнини баҳолаш;

- Хоразм вилояти иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омилларни таҳлил этиш;

- Хоразм вилоятининг иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устувор йўналишларини асослаб бериш.

**Тадқиқот предмети ва объекти.** Рақобатбардошликнинг ўсиб бориши шароитида фаолият кўрсатаётган ва ривожланаётган Хоразм вилояти иқтисодиёти тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа барқарор ўсишини шакллантириш, рақобатбардошлигини ошириш усуллари ва механизмлари тадқиқот предметини ташкил этади

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот жараёнида асосан қиёсий ва статистик таҳлил, тизимли ва мантиқий ёндошув, иқтисодий-статистик ва эксперт-баҳолаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:**

- минтақа иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни таъсири ўрганилди;

- минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш индикаторлари таҳлил қилинди ва аниқланди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шаклларига баҳо берилди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кластер ривожланишининг истиқболли шакллари аниқланди, ҳамда унинг ташкилий тузилмаси ва шаклланиш босқичлари асослаб берилди;

- Хоразм вилояти иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Асосий илмий мулоҳазалар минтақа рақобатбардошлигининг ошириш шароитида амал қиладиган умумий қонуниятлар ва ўзига хос минтақавий хусусиятларни очиб беришда услубий ёндошувларни кенгайтиради.

Минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнига қаратилган амалий тавсиялар маҳаллий хокимият органлари томонидан ҳудудларнинг табиий-ресурс салоҳиятидан оқилона ва мақбул фойдаланилган ҳолда ҳудудий, тармоқ ва маҳаллий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилади.

**Натижаларнинг нашри.** Диссертациянинг асосий жиҳатлари иккита илмий мақола ва маърузалар тезисларида ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган дадабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, уларнинг мазмуни ......саҳифада баён этилди, шунингдек иш ...жадвал ва ...расмларни ҳам ўз ичига олади.

## I-БОБ. МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

### 1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақалар рақобатбардошлигининг моҳияти ва тушунчалари

Минтақавий тараққиётни тартибга солишнинг ёки минтақавий сиёсатнинг асосий маъноси давлат томонидан алоҳида ҳудудларнинг, биринчи навбатда маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг барқарор ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар тизимини амалга оширишдан иборат.

Мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини ривожланишини тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш лозим»[2]. Ушбу устувор йўналиш маълум даражада минтақаларга ҳам тааллуқлидир.

Рақобатбардошлик тушунчаси XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида хорижий давлатларда минтақавий сиёсатни белгилаб берувчи асосий тамойилга айланмоқда. Иқтисодчи олимлар томонидан минтақавий рақобатбардошликка бағишланган бир қатор монографиялар, мақолалар чоп этилмоқда ва махсус илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Минтақалар рақобатбардошлиги назарияси эндигина шаклланаётганлиги сабабли унинг мазмуни, тушунчаси бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар ва таърифлар мавжуд. Фикримизча минтақа рақобатбардошлиги - унинг рақобатбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишдан

---

[2] Каримов И А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва ҳалқнинг фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т. Ўзбекистон, 2010, 59 б.

иборат. Минтақалар ўртасидаги рақобатбардошлик жараёни мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги аниқ бир кўринишга эга бўлмайди. Ушбу жараён етарлича узоқ ва мураккаб бўлиб, минтақаларнинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда инвестицияларни жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишга қаратилгандир. Минтақавий рақобатбардошликни ошириш уларнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясининг асосини ташкил қилади.

Халқаро тажриба ва олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича минтақанинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан унинг табиий-иқтисодий салоҳиятининг мавжудлиги ва даражаси билан аниқланади. Салоҳиятни баҳолашга асосланган ёндашув минтақанинг рақобат афзалликларини аниқ кўрсатиб беради. Бунда минтақанинг рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий салоҳият турларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Минтақа рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатувчи асосий салоҳиятлар қуйидагилар ҳисобланади: табиий ресурслар салоҳияти, инсон омили, молиявий, экологик ва институционал ўзгаришлар.

Рақобатбардошлик даражасини оширишнинг дастлабки босқичида транспорт-географик жойлашув, агроиқлим шароитлари, ер-сув, минерал-ҳом ашё ва маҳаллий ресурсларни ўзида жамловчи табиий ресурслар салоҳияти асосий ўрин эгаллайди.

Минтақа рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан нисбий афзалликларга, биринчидан табиий бойликларга, иккинчидан минтақани ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлигига, учинчидан инновацион лойиҳалардан унумли фойдаланишга боғлиқдир.

Умуман олганда, ҳудудий омилнинг роли нафақат муҳим, балки универсал ҳамдир. Шу муносабат билан М.Портернинг нуқтаи назари ғоят муҳим бўлиб, унинг қатъий таъкидлашига кўра, минтақанинг географик ўрни рақобатчилик учун фундаментал аҳамият касб этади, “...жаҳон иқтисодиёти шароитида рақобатдаги барқарор устунликлар кўпроқ ҳолларда ва кўпроқ даражада маҳаллий кўринишга эга бўлиб, юқори даражада ихтисослашган

касбий малакалар ва билимлар, институтлар, рақиблар, ўзаро боғланган иқтисодий фаолият турлари, шунингдек муайян мамлакат ёки минтақадаги кўпни кўрган ва тажрибали истеъмолчиларнинг бир ерда тўпланишидан юзага келади. Географик, маданий ва ташкилий жиҳатдан яқинлик ахборотдан махсус фойдаланиш имконияти, алоҳида муносабатлар, ахборотга тўлиқ эга бўлиш, қудратли рағбатлантирувчи омилларнинг юзага келиши, шунингдек масофадан туриб эга бўлиш қийинчилик туғдирадиган ишлаб чиқаришдаги бошқа афзалликларни таъминлаб беради... . Географик ҳолат, аввалги ўн йилликлардагидан бошқачароқ маънода бўлса-да, XXI аср чегарасида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда”[3].

Бунда муайян ҳудудга аниқ “боғланган” “ҳаёт сифати” деб аталувчи синтетик тушунча рақобатбардошликнинг энг муҳим жиҳати бўлиб қоладики, бу тушунча ҳар хил кўламдаги турли-туман ҳодисаларни ўз ичига олади: бандлик масштаблари ва характери ҳамда меҳнат шароити, таълим ва саводхонлик даражаси, уй-жой билан таъминланганлик ва унинг қулайлиги, ижтимоий таъминот тизими, экологик яшаш шароитлари ва ҳ.к.

Буларнинг ҳаммаси эса ҳудудий жиҳатдан локал (турғун) жойлашган бозор потенциалини, инновацион ва инвестицион иқлимни, ўз ихтиёридаги барқарор иқтисодий такрор ишлаб чиқаришнинг ҳам, истеъмолчилик стандартлари, технологиялар, товарлар, хизматлар ва капиталларни бошқа минртақаларга “олға силжитиш”нинг ҳам имкониятларини аввалдан белгилаб беради. Бунда, А.Низомовнинг фикрига кўра, иқтисодиётни минтақавий бошқаришнинг асосини минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёни ташкил этадики, у, бир томондан, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимлари сифатида белгиланса, бошқа томондан, якка-якка такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг корхона даражасидаги интеграцияси сифатида белгиланади, бу эса, ўз навбатида, минтақа

[3] Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 2005. – 859 с.

иқтисодиётининг комплекс ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантиради[4].

Мезоиқтисодиётнинг муайян ҳудудга “боғланган”лиги мамлакатлар масштабида ҳам, геоиқтисодий масштабда ҳам унинг етакчи (доминанта) функциялари ўртасидаги ўзаро муносабатларни сақлаб қолади.

Минтақанинг функционал йўналганлиги, бир томондан, умумий ижтимоий-иқтисодий потенциалини белгилаб берса, иккинчи томондан, у ёки бу функция доирасида рақобатчиликдаги устунликларни реализация қилиш учун шарт-шароитларни шакллантиради. Функционал типологиянинг классик моделида (ҳар қандай анча соддалаштирилган назарий моделда бўлганидек) у ёки бу минтақа ҳар хил турларга мансуб бўлади, масалан, аграр, аграр-индустриал, индустриал, рекреацион ва б. Бундай соддалаштирилган тасниф минтақавий иқтисодиётнинг айрим етакчи функцияларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Бу тасниф асосини аввалам бор функционал-соҳавий ёндошув ташкил қилиши мумкинки, бунда иқтисодий фаолиятнинг нафақат устунлик қилувчи йўналишлари, балки минтақа учун ихтисослашган (унинг ихтисослигини белгилайдиган) йўналишлари ҳам минтақа таснифининг асоси бўлади.

Минтақалар бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро муносабатда, ягона иқтисодий фазода ривожланар экан, уларни таснифлашда (айниқса рақобатбардошликни параметризациялаш маъносида) айрим ғарб олимларининг (А. Фишера, Д. Белла ва б.) тадқиқотларида ўз ривожини топаётган иқтисодиётни бир қатор секторларга ажратишга қаратилган йўналиш алоҳида аҳамият касб этмоқда деса ҳам бўлади. Булар: бирламчи сектор (қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон иши, балиқчилик), иккиламчи сектор (ишлаб чиқарадиган саноат), учламчи сектор (транспорт, коммунал хўжалик), тўртламчи сектор (савдо, молия хизматлари, суғурта, кўчмас мулк устида ўтказиладиган операциялар), бешламчи сектор (соғлиқни сақлаш, таълим,

---

[4] Низамов А. Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого роста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: НУУз им.М Улугбека.2008, с.39.

илмий тадқиқотлар, давлат бошқаруви соҳаси, дам олиш ва кўнгил очиш индустрияси).

Бунда шуниси ҳам муҳимки, бир (моно)функционаллик (айниқса бирламчи ва иккиламчи секторларнинг устунлик қилишида) минтақаларнинг фаолият кўрсатишида анча-мунча нобарқарорликни келтириб чиқаради, ва, аксинча, кўп (поли)функционаллик ҳамда индустриал жамиятдан кейинги жамиятнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларининг (учламчи – бешламчи секторларнинг) ривожланиши ҳududнинг мувозанатлашган ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Бу ҳолда ҳудуд (минтақа, шаҳар ва ҳ.к.)нинг рақобатбардошлиги минтақавий шарт-шароитлар ва ижтимоий ишлаб чиқариш омилларининг (шу жумладан, ҳудудий-локализацион омилнинг, яъни глобал иқтисодиётга минтақа эгаллаган жой) йиғиндисини ҳам, бошқа мезоиқтисодиётлар билан солиштирганда, улардан самарали фойдаланишни ҳам ўз ичига сиғдирадиган синтетик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бунда ушбу омиллардан фойдаланиш деганда, фақат хусусий ва корпоратив мақсадларда эмас, балки кўпроқ бутун ҳудудий умумлашманинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш кўзда тутилади.

Бу билан боғлиқ ҳолда минтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлигини тадқиқ этишда тегишли кўрсаткичлар (индикаторлар)нинг бир бутун йиғиндиси билан иш кўришга тўғри келади. Рақобатбардошлик муаммосининг ушбу жиҳатига диққатни қаратар эканмиз, унга баҳо беришда ҳозирги замон иқтисодиётида анчайин диверсификацион ёндошув юзага келганини таъкидлаб ўтмай бўлмайди.

Аввалам бор, минтақа (ҳудуд) рақобатбарбошлилигининг назарий ва амалий таҳлилига бағишланган сўнгги адабиётларга мурожаат этар эканмиз, уларда минтақалараро қиёсларга. рақобатбардошликни бутун ругионал иқтисодиёт учун анчайин муҳим бўлган қандайдир ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича идентификациялашга бўлган интилиш кўзга ташланаётганининг гувоҳи бўламиз.

Масалан, Ж.Вальтернинг фикрига кўра, рақобатбардошликка тавсиф берганда, секторал тузилма (хизматларнинг аҳамиятини саноатга қараганда кўтариш), инновациялар, ҳududнинг қарор қабул қилишда иштироки, юқори технологик ишлаб чиқариш ва юқори малакали ишчи кучининг концентрацияси (ишчи кучининг яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ва хизматларга нисбатан ўзига хос талаб бўлган ҳолда), аҳоли даромадлари ва бандлик даражаси ва б. каби параметрлар билан иш кўриш лозим бўлади[5]. Кресл ва Б. Сингх рақобатбардошликнинг саноат ва чакана савдода ялпи қўшимча қиймат ҳамда бизнес-хизматларнинг ялпи қиймати каби жиҳатларига эътибор қаратадилар[6]. В.Ф. Леверинг ҳисоблашича, рақобатчилик натижалари даромадларнинг ўсиши ва иш ўринларининг яратилишида ифодаланиши мумкин[7]. И. Бегг ўз эътиборини аҳолининг яшаш даражаси (сифати) индикаторлари билан тўлдирилган ишлаб чиқариш унумдорлиги ва бандликка қаратади[8].

М.Портер ҳам минтақа рақобатдардошлилигини баҳолашда (бу масала унда мамлакат рақобатбардошлиги концепциясининг ўзига хос проекциясини ташкил этади) умуман олганда худди шунга ўхшаш ёндошувдан келиб чиқади[9]. Ушбу муаллифга кўра, минтақа рақобатдардошлилиги – бу минтақавий ресурслардан, биринчи навбатда, ишчи кучи ва капиталдан фойдаланишнинг бошқа минтақаларга нисбатан унумдорлиги (маҳсулдорлиги). Унумдорлик эса ялпи минтақавий маҳсулот (ЯРМ)нинг аҳоли жон бошига миқдори билан, шунингдек унинг динамикасида белгиланади.

Рақобатбардошликнинг ривожланиши қуйидаги тўртта босқичда амалга оширилади:

-ишлаб чиқариш омиллари асосидаги рақобатчилик;

-инвестициялар асаосидаги рақобатчилик;

---

[5] Walter G. Competitiveness: a General Approach// RECEP's Reports. 2004.
[6] 104.Begg I., van der, Braun E. Urvan Competitiveness, Marketing and the Need for Organising Capacity // Urban Studies. 1999. Vol. 36. № 5 - 6.
[7] Lever W.F. Competitive Cities in Europe // Urban Studies. 1999. Vol. 36.
[8] Kresl P.K., Singh B. Competitiveness and the Urban Economy // Urban Studies. 1999. Vol. 36. № 5 - 6.
[9] Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 2005. – 859 с.

-ноу-хаулар асосидаги рақобатчилик ва;

-бойлик асосидаги рақобатчилик.

Дастлабки учта босқич иқтисодий ўсишни таъминлайди, охиргиси эса турғунлик ва инқирозни келтириб чиқаради.

М.Портернинг рақобатбардошлик масаласига нисбатан қарашлари яна шуниси билан эътиборлики, муаллиф уларда мезо- ва микродаражадаги рақобатбардошлик ўртасида, ҳудуднинг геоиқтисодий жойлашганлиги ва минтақавий иқтисодиётга интеграция қилинган корпорациялар, корхоналар, фирмаларнинг бозордаги ўрни ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини англаб етган. Ушбу тадқиқотчининг фикрига кўра фирмалар учун рақобатчилик усутунликларини яратишда минтақанинг роли муҳим бўлибгина қолмай, балки у "минтақавий ромб" ҳосил қиладиган тўртта ўзаро боғланган йўналишлар (детерминанталар) бўйича тадқиқ этилиши лозим. Булар: омиллар параметрлари (табиий ресурслар, малакали кадрлар, капитал, инфратузилма ва б.); талаб шартлари (даромад даражаси, талабнинг мослашувчанлиги, товарлар ва хизматлар сифатига нисбатан харидорларнинг талабчанлиги ва б.); турдош ва қўллаб-қувватлайдиган (ёрдамчи) соҳалар (фирмани зарур ресурслар, бутловчилар, ахборот ҳамда банк, суғурта ва бошқа хизматлар билан таъминлайди); фирмалар стратегиялари, уларнинг тузилиши ва рақобатчилиги (рақобатчилик муҳитини яратади ва рақобатчиликда устунликни ривожлантиради). Ўз навбатида детерминанталарнинг ҳар биттаси ўзларининг таркибий қисмлари, минтақанинг рақобатдаги устунлигига таъсир кўрсатиш даражаси, шунингдек уларнинг ривожланиш заруратига кўра таҳлил этилади.

Демакки, минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини баҳолашдаги интеграцион ёндошувлар унинг турли жиҳатларини алоҳида функционал-соҳавий "кесим"лар, корпорациялар, фирмалар бўйича баҳолаш билан бирга олиб борилиши керак. Шундай бўлганда ҳам, модомики минтақанинг рақобатбардошлиги шу минтақада жойлашган фирмаларнинг рақобатбардошлигига боғлиқ экан, рақобатбардошликнинг таъминланиши

зарур локализацион шарт-шароитларнинг тақдим этилишига, ушбу ҳудудда амал қилаётган микроиқтисодий субъектлар рақобатбардошлигининг қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Бироқ ушбу фирмаларни минтақага жалб қилиш ва кейинчалик унинг ҳудудида ушлаб туриш учун, фирмаларга уларнинг рақобатбардошлигига ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиб бериш зарур.

Глобаллашув ва индустриал тизимдан кейинги тизимга (постиндустриал тизимга) ўтиш шароитида минтақа нафақат корхоналар учун, балки аҳоли учун ҳам жозибали бўлиши ва уни ўзига тортиши лозим (истеъмолчилар сифатида ҳам, “инсон капитали” деб аталмиш омил сифатида ҳам). Бу гап иқтисодиёт учун алоҳида ўринда турган ва ғоят мақбул бўлган аҳоли қисми – сайёҳларга ҳам тегишли. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, минтақа алоҳида ҳудудий-хўжалик тизим сифатида барча бозорлар ва ҳозирги замон иқтисодиётининг барча соҳаларида бир хил даражада рақобатбардошли бўла олмайди. Бу минтақа рақобатда устунликларнинг қандайдир бир “тўплами”га (ресурслар, жойлашган ери ва б.) эга бўлганлиги, шунингдек муайян ҳудуднинг қарор топган ихтисослашуви, унинг “марказ - периферия” тизимида жойлашиш ўрнига кўра ушбу устунликларни амалга ошириш шарт-шароитларининг мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги) билан боғлиқ.

“Рақобатбардошлик” тушунчаси минтақавий иқтисодиёт соҳасига нисбатан қўлланганда пировард натижада ушбу тушунчанинг интеграл ва хусусий (жиҳатий) кўринишларининг диалектик бирлигини ҳам, геоиқтисодий рақобатчилик муҳитининг мавжудлигини ҳам, муайян мезоиқтисодиётнинг жаҳон хўжалик жараёнларига интеграцияси даражаси (мезони)ни (бу даража минтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлигида потенциал ва реал жиҳатлар нисбатини белгилаб беради) ҳам акс эттиради. Рақобатбардошлик, яъни турли-туман манфаатлар ва қарама-қаршиликлар билан “тўйинган” бозор муҳитида бошқа субъектлар билан амалда рақобатлашиш имконияти, бевосита рақобатнинг ўзи билан, унинг шарт-

шароитлари, механизмлари, ўзини намоён қилиши билан кўп жиҳатдан детерминацияланган сабабий ўзаро боғланган (1.1.1-расм).

Бунинг билан боғлиқ ҳолда “рақобатбардошлик” тушунчасининг маъносини иқтисодий мезодаражага нисбатан қўллаб шарҳлайдиган бўлсак, фан тилига худди шундай фаол жорий этилаётган ва турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинаётган “ҳудудий рақобатчилик” тушунчасига мос келади. Бир қатор ҳолларда минтақалар рақобатбардошлиги одатда мамлакат рақобатбардошлиги билан қўшиб юборилади. Масалан:

- мамлакат рақобатбардошлиги шундай даражаки, унда мамлакат эркин ва адолатли бозор шарт-шароитлари доирасида халқаро бозор талабларига жавоб бера оладиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ва бир пайтнинг ўзида ўз фуқароларининг реал даромадларини ошириб боришга қодир бўлади (Европа Комиссияси Раиси қошидаги Рақобатбардошлик комиссиясининг ҳисоботи, 1984 й.);

- қачонки мамлакат аҳолиси етарли даражада юқори ва тобора ўсиб бораётган яшаш даражасига ҳамда барқарор асосли юқори бандлик даражасига эга бўлса, унинг иқтисодиёти рақобатбардош бўлади (Рақобатбардошлик комиссиясининг ҳисоботи, 2000 й.);

- рақобатбардошлик, бир пайтнинг ўзида минтақа аҳолиси даромадларини барқарор юқори даражада ушлаб турган ҳолда, халқаро бозор талабларига мос келадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга қодирлик сифатида белгиланади (Европа Комиссияси. минтақалар ишлари бўйича олтинчи даврий ҳисобот, 2001й.);

- рақобатбардошлик мамлакатда аҳоли яшаш даражасининг барқарор ўсиши ҳамда мажбурий ишсизликнинг иложи борича паст даражасини билдиради (Рақобатбардошлик комиссиясининг ҳисоботи. 2001 й.).




**1.1.1-расм. Минтақавий иқтисодиётнинг иқтисодий муҳитда рақобатбардошлиги**

Бу билан боғлиқ ҳолда "ҳудудий рақобатчилик" қандайдир бир кенгроқ тушунча сифатида олиб қаралиши мумкинки, унинг мазмуни ҳудудлар ўртасида мезодаражада юзага келадиган ҳамда ҳар бири ўз иқтисодий табиатига эга бўлган турли хилдаги рақобатчилик муносабатларини ўз ичига сиғдиради.

Ушбу рақобатчилик муносабатларини "ҳудудлар рақобтчилиги"нинг ўзгинаси сифатида идентификациялаш мумкин (яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ўринда гап рақобатчиликнинг айнан иқтисодий жиҳатлари устида бормоқда).

Бунда, агар ҳудудий рақобатчилик доирасида унинг субъектлари ё ҳудуд ресурслари (табиий-экологик, ресурс-хом ашё, моддий-техник, ижтимоий-демографик ва б.)нинг етишмаслиги сабабли, ёки янада қулайроқ ҳудудий-локализацион (геоиқтисодий) жойлашиш учун (асосий бозорлар, инфратузилма тизимига нисбатан жойлишиш, умуман жаҳон хўжалиги тизимининг "ядро"сига яқинлик), ёки бўлмаса у ёки бу ҳудудий бозорлар

учун рақобатчилик қилса, ҳудудлар рақобатчилигида (у ўз навбатида ресурс-технологик, ташкилий-иқтисодий, бозор-маркетинг ва бошқа соҳаларда кечади) иккита асосий ўзаро боғланган жиҳатни идентификация қилиш мумкин – соҳавий (иқтисодий фаолиятнинг алоҳида соҳаларида кечадиган рақобат) ва интеграл (мезоиқтисодий шарт-шароитларнинг, яъни энг самарали ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ташкил этиш нуқтаи назаридан энг мақбул муҳитнинг ўзига хос рақобати; бу рақобат инвестициялар, юқори технологиялар, “инсон капитали” ва бошқаларда яққол намоён бўлади) (1.1.2-расм).




**1.1.2-расм. Ҳудудий рақобатбардошлилик: тушунчалар ва категориялар модели.**

Ҳудудий рақобатчилик воситасида ўзаро боғланган (детерминацияланган) ҳудуд (минтақа) рақобатбардошлиги ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, уни таснифлаш ва баҳолашда кўплаб турли ёндошувларни кўзда тутади.

Аввалам бор рақобатбардошликни намоён бўлиш соҳаси (соҳалари) бўйича фарқлаб, унинг жиҳатий (одатда булар минтақавий иқтисодиётнинг у ёки бу таркибий қисмлари – соҳалар, алоҳида ишлаб чиқаришлар, уларнинг

кластерлари ва ҳ.к.ларнинг минтақалараро бозорлардаги позицияларидир) ва интегратив (минтақанинг бир бутун такрор ишлаб чиқариш комплекси сифатидаги рақобатбардошлиги, бунда минтақа аҳолисининг яшаш даражаси ва сифатига алоҳида урғу берилади.) турларини фарқлаш мумкин. Назаримизда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, интегратив (комплекс, умумий) рақобатбардошликни келтириб чиқарадиган шарт-шароит бу минтақанинг (унинг алоҳида тадбиркорлик тузилмалари, корпорациялари, иқтисодий комплекснинг бутун-бутун сектор ва сегментарининг) ички бозорда ҳам, муайян мезоиқтисодий тизимга нисбатан ташқи бозорларда ҳам муваффақиятга эришишга қодирлигидир, яъни рақобатбардошлик жиҳатларининг ўзини қандай намоён қилишидир. Бир пайтнинг ўзида алоҳида корхоналар ва уларнинг кластерларининг рақобатбардошлиги у ёки бу минтақада турмуш сифати устуворликларига зид бўлиб қоладики (шу жумладан ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра), бу минтақа рақобатбардошлигининг умумий пасайишганлигида намоён бўлади.

Ҳудудий рақобатчилик ўз табиатига кўра универсал ҳодиса бўлиб, у иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор шаклларига ҳам, нобозор шаклларига ҳам бирдек хосдир, шуни ҳам айтиш керакки, нобозор шакллар ҳудудий рақобатчиликни анча кучайтиради (унга қўшимча импульс бахш этади). Бу вазият рақобатбардошликнинг бозор ва нобозор (хусусан административ модель доирасида реализация қилинади) вариантларини, уларни тегишли тарзда конкретлаштирган ҳолда (бунда, жумладан, бозор шароитларида нобозор рақобатбардошлик жиҳатлари (аспектлари)нинг “ҳозир бўлиши”ни, транзитив иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини, бозор моделларининг эса уларда давлат бошқаруви вазифасининг аҳамияти қай даражада эканига кўра дифференциаллашувини ва ҳ.к. ҳисобга олиш лозим бўлади), ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Рақобатбардошлик - ўзаро боғланишли бўлган муносабатдор ҳодиса. У қандайдир алоҳида тизимда шаклланади ва амалга оширилади, рақобатчилик муносабатлари мана шу тизим доирасида ўзини намоён қилади. Бу билан

боғлиқ ҳолда минтақавий иқтисодиётда рақобатбардошликнинг турди даражалари тўғрисида гап юритиш мумкин бўлади. Булар: глобал, минтақавий, локал (маҳаллий) даражалар (1.1.3-расм).

Минтақалараро рақобат тизимида (алоҳида соҳаларда, алоҳида бозорларда ва ҳ.к.) қатор жиҳатлар бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатишга қодирлик амалга ошмай қолиши (реализация қилинмай қолиши) ҳам мумкин, бу эса рақобатбардошликнинг потенциал ва реализация қилинадиган хилларга ажратиш имконини беради.

Модомики рақобатбардошликни макро- ва мезоиқтисодий шарт-шароитларнинг жами йиғиндиси, ҳудудий локаллашган тегишли хўжалик тизимларининг ривожланиши ва трансформацияси аввалдан белгилаб берар экан, унинг параметрик тавсифлари вақтда ўзгарувчан бўлади. Бу билан боғлиқ ҳолда рақобатбардошликнинг ўзи ҳам вақтда лимитланган бўлади, шунинг учун унинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.




**1.1.3-расм. Минтақа рақобатбардошлигининг таснифи**

## 1.2. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида рақобатбардошлик омиллари

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "ўз-ўзидан аёнки, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатбардош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик islоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас".[10]

Тарихан мамлакатларнинг рақобатбардошлиги концепцияси миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаб берувчи қиёсий афзалликлари (арзон ишчи кучи, бой табиий ресурслар, қулай географик жойлашув, иқлим, инфратузилма омиллари ва ҳ.к.) назариясига асосланган.

Қиёсий афзалликлар мамлакатга табиатдан берилган бўлиб, улар абадий эмас ва такрор ишлаб чиқарилмайди. Ушбу рақобат афзалликлари фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ишлаб чиқариш даражасида глобаллашуви ва товарни ишлаб чиқаришдан тортиб то уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичларда инновацияларга асосланади.

Ўзбекистон қуйидаги қиёсий афзалликларга эга:

• қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулай табиий-иқлим

[10] Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Тошкент.: "Ўзбекистон", 2012. 20-б.

шароитларининг мавжудлиги;

- бой табиий ресурслар ва рекреация ресурсларига эгалиги;
- бой маданий-тарихий меросга эгалиги туризмни ривожлантириш имконини беради;
- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;
- Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг рақобат жиҳатдан афзалликларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги;
- инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар;
- аҳоли ўртача яшаш ёшининг узунлиги;
- меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги;
- мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қиёсий афзалликларга эга бўлиш билан бирга республика миллий иқтисодиётининг рақобат афзалликларини ҳам ривожлантириш зарур. Мазкур ҳолатда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим, хусусан: мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги ва мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги[11].

Шундай қилиб, рақобат нуқтаи назаридан афзалликлар ўзгарувчан бўлиб, инсон капиталининг ривожланиши, инновацион юқори технологиялар, интеллект билан боғлиқ ва ўз табиатига кўра чексиздир. Мамлакатнинг қиёсий ва рақобат афзалликларини аниқ фарқлаш лозим. Бир мамлакатда қиёсий ва рақобат афзалликларининг интеграциялашуви унинг глобал иқтисодиётдаги рақобатбардошлигини кучайтиради.

[11] Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Ғуломов таҳрири остида. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. 26б.

АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портер фикрича, мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражасини унинг миллий компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар рақобатбардошлиги таъминлаб беради. Шунинг учун дастлаб мамлакат рақобатбардошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатбардошлигини таҳлил этиш лозим. У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай муҳитни яратиш қуйидаги тўртта муҳим кўрсаткичга боғлиқлигини таъкидлайди[12]:

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ушбу муҳит доирасидаги миллий компанияларнинг самарали фаолияти мамлакатнинг рақобатбардошлик рейтингини белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида мутахассислар миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўрсаткичлар ва 100 дан ортиқ усуллардан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини аниқлашда қуйидагилар асосий омиллар сифатида хизмат қилади: иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари; саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари; халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш; ички бозор ҳажми ва динамикаси; иқтисодиётда давлатнинг роли; молия тизимининг эгилувчанлиги; меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси; ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат; иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюнктураси талабига мослашиш даражаси ва қобилияти.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти ҳар йили дунёнинг етакчи 47 мамлакатига рақобатбардошлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади: миллий

[12]Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002. С. 176.

иқтисодиёт тавсифи – ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлиги даражаси; иқтисодиётнинг байналмилаллашув даражаси; сиёсий тизимнинг барқарорлиги; молия тизими; инфратузилма; бошқарувнинг самарадорлиги; фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси; меҳнат ресурсларининг тавсифи.




**1.2.1-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши**[13]

Мамлакатлар рақобатбардошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатбардошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий

[13]The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. p. 8.

форумининг Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини баҳолаш кўп сонли маълумотларни йиғиш, гуруҳлаш, умумлаштириш асосида рақобатбардошлик кўрсаткичларини асосий омиллар бўйича ҳисоблашни кўзда тутади. Кейин барча омилларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи агрегат индекс ва субиндекслар ҳисобланади. Замонавий миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш методикасида 12 та асосий омил ажратилади (1.2.1-расм).

Қайд этиб ўтилган омиллар уч гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ базавий талабларни ўз ичига олади, иккинчи гуруҳ бизнес муҳит самарадорлигини оширувчи омилларни қамраб олади, учинчи гуруҳ эса бизнесни такомиллаштириш омилларини бирлаштиради. Ҳар бир гуруҳ муайян субиндекслар билан тавсифланади. Субиндексларни ҳисоблаётган вақтда ҳар бир гуруҳнинг вазни қуйидагича белгиланади биринчи гуруҳ – 25%, иккинчи гуруҳ – 17%, учинчи гуруҳ – 50% (1.2.1-жадвал).

**1.2.1-жадвал**

**Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида**[14]

| **Субиндекслар** | Ресурсларга йўналтирилган босқич | Самарадорликка йўналтирилган босқич | Инновацияга йўналтирилган босқич |
|---|---|---|---|
| Базавий талаблар | 60 | 40 | 20 |
| Самарадорлик кўрсаткичлари | 35 | 50 | 50 |
| Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари | 5 | 10 | 30 |

Бунда ҳар бир субиндекснинг аниқ мамлакат учун ҳисобланган натижавий Глобал рақобатбардошлик индексига қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатдан турли даражадаги мамлакатларнинг рақобатбардошлигини таққослаш имконини беради.

[14]The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 8.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири мамлакатларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичларига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Жумладан, глобал рақоатбардошлик индексида биринчи ўнликка кирувчи мамлакатлардан АҚШ, Дания, Канада ва Нидерландия кабилар 2008–2009 йилдаги рўйҳатдан пастга тушишган (1.2.2-жадвал).

**1.2.2-жадвал**

**2009-2010 йиллар учун глобал рақобатбардошлик индекси бўйича биринчи ва охирги ўнликка кирувчи мамлакатлар[15]**

| Мамлакатлар | 2009-2010 й. | | 2008-2009 й. |
|---|---|---|---|
| | Ўрни | Балл | Ўрни |
| Швейцария | 1 | 5,60 | 2 |
| АҚШ | 2 | 5,59 | 1 |
| Сингапур | 3 | 5,55 | 5 |
| Швеция | 4 | 5,51 | 4 |
| Дания | 5 | 5,46 | 3 |
| Финландия | 6 | 5,43 | 6 |
| Германия | 7 | 5,37 | 7 |
| Япония | 8 | 5,37 | 9 |
| Канада | 9 | 5,33 | 10 |
| Нидерландия | 10 | 5,32 | 8 |

Глобализация жараёнининг чуқурлашуви шароитида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигини кучайиши, жаҳон бозорларида рақобат ва молиявий-иқтисодий беқарорликнинг ортиши, мамлакатларнинг рақобатбардошликиги ўстириш ҳисобига барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлларини топишга ундайди.

Рақобатбардошликнинг юқори даражаси мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширади, аҳолининг турмуш даражаси ўсади ва сифатининг яхшиланишини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг таркиби, инфратузилмаси, бошқаруви, геоиқтисодий ҳолати, миллий қийматликлари ҳамда тарихидаги тафовутлар барчаси у ёки бу даражада мамлакат ва унинг корхоналар рақобатбардошлигига таъсир қилади.

[15]The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 13.

Глобализация жараёнида миллий товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ташқи омиллар миқёси ва таркибида салмоқли ўзгаришлар юз беради. Рақобатбардошликнинг ташқи омилларига макроиқтисодий муҳит, ривожланишнинг инновацион йўлини танлаш, миллий институтлар ва инфратузилмаларнинг ҳолати, инсон капиталининг сифати, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ жиҳатдан баланслашганлик даражаси киритилиб, улар ички омилларга ўзгарувчан таъсир ўтказади.

Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг барча босқичларида ички ва ташқи рақобатбардошликни ошириш таркибий ўзгартиришларнинг устувор вазифаси эди. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ушбу масалани ҳал этишнинг долзарблиги янада ортди ва у иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизациялашнинг давомий стратегик йўналиши сифатида қаралмоқда.

Мамлакат рақобатбардошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий баланслашувнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувининг асосий омиллари қаторига 2005 йилдан бошлаб кузатилаётган бюджет профицитининг таъминланиши, олтин-валюта расмий захираларининг юқорилиги ва давлатнинг ташқи қарзларининг паст даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидаги эҳтиёткорона алоқалар кабиларни киритишимиз мумкин.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли тадбирлар белгиланган бўлиб, унда дастлаб реал сектордаги товар ва маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш, қатъий тежамкорликни қўллаш, маҳсулот тоннархи ва харажатларини пасайтиришни рағбатлантириш, шу жумладан, энергия тежамкорлигини самарали тизимини қўллаш ва энергия сиғимини

қисқартириш бўйича чоралар, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш ва бошқалар белгиланган эди.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришни бўйича чораларнинг амалга оширилиши, хом ашёни қатъий тежаш тизимининг қўлланиши маҳсулот таннархининг 15-20 фоизга пасайишини таъминлади. 2012 йилда маҳсулотнинг энергия сиғимкорлиги ва моддий харажатларнинг 10-15 фоизга қисқартирилишига эришилди.

Реал секторда юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш мақсадида хом ашёни чуқур қайта ишловчи тармоқлар улушини оширишга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар Ўзбекистон корхоналарининг ташқи бозордаги барқарор ҳолатини таъминлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли ривожланишининг мақсади ва устувор йўналишлари жахоннинг ўртача ривожланган мамлакатлари қаторига кириш масаласи билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан белгиланган иқтисодий сиёсат стратегиясига мос келади. Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга кучларни ва ресурсларни қаратиш лозим:

- иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8%);

- модернизациялашнинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юқори технологияларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанатехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётни жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш, уни ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобига экспорт таркибини диверсификациялаш;

- мамлакатнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётни энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори кўрсаткичга эга бўлгани учун истиқболли энергия тежовчи технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур[16].

Мамлакат миқёсида рақобатбардошликни аниқлашда асосий эътибор яратилган макроиқтисодий муҳитга (инфляциянинг белгиланган меъёри, солиқ оғирлиги, кредит ресурсларини олиш имконияти, миллий валюта курсининг динамикасини билиш ва унинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар манфаатларига мос келиши), давлат институтларининг сифати, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, инсон капитали ва таълим тизимининг сифати, тадбиркорлик муҳити, товар, молия ва мехнат бозорларининг ривожланишига қаратилади.

Қулай макроиқтисодий муҳит билан маҳсулотни рақобатбардошлиги ўртасида барқарор ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назарияни асосий қоидаларига мос келади ва кўп сонли амалий тадқиқотлар томонидан исботланган. Масалан, инфляциянинг юқори даражаси

[16] Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 8.

иқтисодиётни инвестициялашнинг мавжуд манбаларини сўндиради, ишлаб чиқаришни модернизациялаш суръатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатига салбий таъсир кўрсатган ҳолда чеклайди, ишлаб чиқарувчилар харажатларини кўпайтиради ва баҳо рақобатбардошлигини пасайтиради. Товарларнинг рақобатбардошлигига юқори бюджет дефицити ва солиқ юки, валюта курсининг беқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг юқори материал сиғимкорлиги ва иқтисодий ўсишнинг капитал сиғимкорлиги даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигининг устунлиги инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда темир йўл тизимининг ривожланганлиги асосий ўрин тутса (минг квадрат километрга 9,5 километр бўлиб, эталон-давлатларда ўртача минг квадрат километрга 9,3 километр кўрсаткич тўғри келади), яна бир устун жиҳати аҳолини бошланғич ва ўрта таълим билан қамраб олиш даражаси жаҳонда юқори кўрсаткичлардан бири хисобланади. “Global Innovation Index and Report 2008-2009” маълумоти бўйича аҳолини таълим билан қамраб олиш бўйича Ўзбекистон 26 ўринда бўлиб, Хитой, Чехия, Испания, Украина, ва Туркиядан олдинги ўринни эгаллайди[17].

Иқтисодиёт рақобатбардошлиги барча бўғинлари (макродаражада) бир-бири билан боғлиқ. Улардан бирининг ривожланмаганлиги бошқаларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ва ҳамда ишланма ва тадқиқотларни молиялаштирувчи самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Адолатли рақобат шарт-шароитларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талабни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга рағбатларни таъминламайди ҳамда миллий инновацион тизимлар ва инфратузилмаларини, илмий-техник

[17] Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 17.

ишланмаларнинг коммерциациялашувининг ривожланмаганлиги уларни пировард истемолчига етиб боришига имкон бермайди.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиш хусусияти саноат тармоқларининг қайта ишлаш соҳаларида фонд қайтими ва меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиш тенденциясига эришганлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиши саноат бўйича 2005-2011 йилларда 9 фоизни ташкил қилди. Машина қурилиши, енгил, озиқ-овқат тармоқларида ўсиш даражаси анча юқори бўлган (ўртача 15,4 фоиз), ёқилғи-мойлаш тармоқларида 3,4 фоизни ташкил қилди. Қайта ишланиш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларда фонд қайтими жадал ўсиш даражасида ижобий тенденция кузатилган. Бу тармоқларда фонд қайтими ўртача 1,8 марта, шу жумладан, машина қурилишида 2,0 марта, енгил саноатда 1,5 марта, озиқ-овқатда 1,7 марта ортган[18].

| **Гуруҳлар** | **Иқтисодиёт секторлари** | **Иқтисодиёт тармоқлари** | **Рақобат афзалликлари** |
|---|---|---|---|
| Кучли рақобат мавқеига эга бўлган тармоқлар | Хом ашё ва қазиб чиқариш | Рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш, нефть-газ, оғир саноат | Юқори рақобатбардошлик афзалликларига эга |
| Нисбий рақобатбардошлик мавқеига эга бўлган тармоқлар | Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | Машинасозлик, автомобилсозлик, енгил, кимё, озиқ-овқат | Нисбий паст рақобатбардошлик афзалликларига эга |
| Потенциал рақобатбардошлик мавқеига эга тармоқлар | Юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш | Микроэлектроника-ахборот комплекси, фармацевтика, микробиология | Потенциал ривожланган рақобатбардошлик афзалликларига эга |

**3.1.1-расм. Ўзбекистонда рақобат афзаллигига эга бўлган саноат тармоқлари**

Қайта ишлаш тармоқларида биринчи категорияли кучли рақобатбардош гуруҳга саноатнинг қуйидаги хом-ашё ва қазиб чиқариш секторлари киради (3.1.1-расм): нефть-газ, рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш саноати.

[18] Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 28.

Ушбу тармоқлар ҳиссасига мамлакат саноат экспортининг 70 фоиздан ортиғи тўғри келади. Ташқи бозорда тармоқни рақобатбардошлигини акс эттирувчи кўрсаткич ҳисобланган умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотлари улуши ўсиш тенденциясига эга: рангли металлургияда 72 дан 85 фоизга, қора металлургияда 28,2 дан 55 фоизга, нефтегазда 20,1 дан 47 фоизга, пахта тозалашда 87 дан 90 фоизга ўсган. Ушбу тармоқларнинг рақобатбардошлик индикатори бошқа ишлаб чиқариш турларига нисбатан анча юқори ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ рақобатбардошлик салоҳиятига эга бўлган истемол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларга қуйидагилар киради: енгил саноатнинг қайта ишлаш тармоқчалари, озиқ-овқат саноати, автомобилсозлик. Маҳаллий истемол товарлари рақобатбардошлиги индекси хом ашё ишлаб чиқаришдаги шаклланган рақобатбардошлик кўрсаткичига нисбатан бирмунча паст. Умумий ишлаб чиқариш хажмида экспорт маҳсулотларини енгил саноатдаги улуши 35 фоиз, машинасозликда 25,5 фоиз, озиқ-овқат саноатида 5 фоиз. Ушбу тармоқларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги саноатнинг ўртача даражасидан тахминан 20-25 фоиз паст ҳисобланади[19].

Умуман олганда саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини пастлиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Қайта ишлаш сектори тармоқларидаги асосий маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ички харажатлари жахондаги ўртача нарх даражасига яқинлашиб қолган ҳолда, баъзи маҳсулотлар турлари бўйича ўртача жахон бахосига нисбатан юқори. Ушбу тенденция моддий техника ва энергетика харажатлари улушини юқори даражада сақланиб қолаётганлиги билан белгиланади.

Саноатда инновацияларни ривожлантиришда фойдаланилмаган қуйидаги имкониятлар мавжуд: сотилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулот улуши 2,8 фоизни ташкил этади.

---

[19] Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 29.

Саноат ишлаб чиқаришини умумий ҳажмида юқори технологик махсулот ишлаб чиқариш улуши 2011 йилда 10,8 фоизни ташкил этди. Бу эса саноат жиҳатдан тараққий этган мамлактларга нисбатан паст хисобланади (30-35 фоиздан кам эмас)[20].

Юқори технологик секторнинг ривожланишида радиосаноат, ҳисоблаш техникаси саноати, тиббий, физиология ва биология асбоблари, оптик ва оптик-механик асбоблар ва аппаратуралар, технологик жараёнларни назорат қилиш ва тартибга солиш асбоблари, физикавий, микробиология саноати, кимёвий тола ва иплар тадқиқоти учун асбоблар ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу ҳолат саноатнинг умумий рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда мамлакат саноати етакчи ўрин тутади. Шунинг учун мамлакат саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда ҳом ашё, материал ва энергия ресурслари сарф меъёрини 10-15% га тушириш ҳисобига таннархни пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, 2015 йилга бориб саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30% камайтириш[21];

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ва саноат бўйича йилига мехнат унумдорлигини 6-7% га ошириш, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларни қисқартириш, ходимлар сонини оптималлаштириш;

- саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизациялаш ҳамда корхоналарда жаҳон андозаси талаблари даражасида

[20]Ўша манба: С. 30.

[21] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: "Ўзбекистон", 2011. 126-б.

муваффақиятли синовдан ўтган замонавий технологияларни жадал жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини (нефть-газ саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, шу жумладан пахтани) таъминловчи хом-ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш йўналишларига инновацияни қўллаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида фан сиғимкорлиги юқори бўлган, юқори технологик лойиҳалар доирасида инновацияларни молиялаштириш Фондини яратиш;

- йирик корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро инновацион хамкорликка жалб қилиш механизмларини яратиш;

- маҳаллий маҳсулотлар сотиш бозорларини ўрганиш ва уларнинг мос бозор сегментларидаги ўрнини аниқлаш йўналишида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

- бозор “сигналлари”ни доимий мавжуд масштаби ва турли хил товар ва хизматларга истиқболдаги талаби, уларнинг техник, иқтисодий ва эксплуатацион даражасига талаблар мониторингини (ички ва ташқи) ташкил этиш;

- технологиялар трансферти соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш;

- юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун божхона қонунчилигини ва маъмурчилигини такомиллаштириш;

- корхоналар молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш: саноат тармоқлари корхоналари таркибининг молиявий менеджер ва бошқарувчилари тайёрлаш даражаларини ошириш[22].

---

[22] Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 30-31.

## 1.3. Минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш услублари

Минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлиги миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига етарли таъсир кўрсатади ҳамда тармоқлар, корхоналар ва товарлар рақобатбардошлиги билан ўзаро боғланган ҳолда амал қилади, бу минтақанинг комплекс ривожланишини таъминлашда унинг рақобатбардошлигига берилган баҳони белгилайди.

Минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш, бир томондан, минтақанинг рақобатбардошлик афзалликларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва ўстириш йўналишида фаол ҳаракатланиш имконини берса, иккинчи томондан, минтақанинг заиф томонларини бартараф этиш ёки уларни кучли томонларга айлантириш имконини беради.

Амалий жиҳатдан минтақанинг рақобатбардошлиги мавжуд ишлаб чиқариш омилларидан (иқтисодий потенциалдан) самарали фойдаланиш шароитида рақобатбардош товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини таъминлашга қодирлигида, рақобатдаги устунликларнинг мавжудларини ишга солиш ва янгиларини яратишда, рақобатлашаётган минтақалар ўртасида халқаро экологик стандартларга риоя қилган ҳолда яшаш тарзини оширишда намоён бўлади.

Алоҳида минтақаларнинг рақобатдаги устунликлари қуйидагича таснифланади:

- *абсолют устунликлар* (нодир ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларининг мавжудлиги билан боғлиқ) ва *нисбий устунликлар* (маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ёки хизматлар тақдим этишда бошқа минтақаларга қараганда яхшироқ имкониятлар ёки шарт-шароитларнинг мавжудлигига боғлиқ);
- ишлаб чиқариш ва инновацион-инвестицион устунликлар (барча ресурслардан фойдаланиш ҳажми, тузилиши, инновацион фаоллиги, инвестицион жозибадорлиги ва самарадорлиги бўйича);

- минтақа функциялари, товарлар ва хизматларнинг миқдор (бозордаги улуш) ва сифат характеристикалари;
- тарихий-маданий: фактик (амалга оширилган) ва потенциал *(*ҳозирги пайтда ишлатилмаётган*).*

Рақобатбардошлик баҳо бериш кўрсаткичларига мансубдир, ва ушбу тушунча ҳал қилинаётган вазифаларга боғлиқ ҳолда ўзининг турли жиҳатлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин.

Рақобатбардошликни баҳолаш методлари статистика кўрасткичлари, эксперт баҳолар, ранглар бўйича тузилиши мумкин.

Бунда республика минтақаларини қиёсий баҳола амалга ошириладиган характеристикалар мажмуини ажратиб олиш ишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Минтақа рақобатбардошлигини баҳолашдаги характеристикалар ва ёндошувларни аниқлашда бир нарсани тушуниш муҳимдир, яъни минтақавий иқтисодиёт бу минтақавий ресурслар (ишлаб чиқариш омиллари), минтақавий ишлаб чиқариш (таклифни шакллантирадиган), минтақавий истеъмол (талаб), минтақавий инфратузилмадан самарали фойдаланиш ва ушбу жараёнларни бошқариш мажмуидир

Бундан келиб чиққан ҳолда, ушбу мажмуага минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини белгилайдиган барча омиллар киритилади. Бу омиллар рақобатчилик устунликларининг турини характерлайдиган алоҳида кўрсаткичлар блокига бирлаштирилган. Улар учта гуруҳдан иборат:

- 1-гуруҳ ресурс кўрсаткичлари – рақибларга нисбатан сифати яхшироқ ва нархи пастроқ товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш имконини беради;
- 2-гуруҳ операцион кўрсаткичлар – рақобатбардошлик субъектига ўз ихтиёрида бўлган ресурслардан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш ва шу асосда чиқим ва нархларни камайтириб, ўз товарларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини берадиган ташкилий, иқтисодий, илмий-технологик омиллар мажмуи;

• 3-гуруҳ стратегик кўрсаткичлар – ўзига хос ривожланиш йўлини шакллантиришда ресурслар базаси, тарихий-маданий ва иқтисодий-ташкилий хусусиятларни оптимал бирлаштириш имконини берадиган ва шу асосда рақобатдардошлик субъектини глобал рақиблар учун етиб бўлмас даражага олиб чиқадиган стратегик қарорлар ва уларнинг асосида қабул қилинган ривожланиш дастурларининг мажмуи.[23]

Қуйидаги қоидалар муҳим методик жиҳатларни ташкил этади:

• рақобатбардошлик минтақа ўрнини миллий фазода ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи бўйича аниқлаш йўли билан белгиланади;

• минтақаларни рақобатбардошлик бўйича рангларга ажратишда қўлланадиган кўрсаткичлар минтақаларнинг катта-кичиклиги ва уларда истиқомат қилган аҳоли сонига боғлиқ бўлмаслиги керак. Шунинг учун улар нисбий катталиклар бўлиши лозим: жон бошига нисбатан, улушга нисбатан;

• моҳиятан ижобий кўрсаткичларнинг салбий тусга эга бўлган кўрсаткичлар билан ўзаро қиёсланишини таъминлаш лозим.

Ҳудудларни минтақавий рақобатбардошлик кўрсаткичлари бўйича қиёсий баҳолаш учун уларнинг энг муҳим характеристикалари ажратиб олинган бўлиб, минтақаларни бутун мамлакат доирасида қиёсий баҳолаш мана шулар асосида амалга оширилади.

Ушбу кўрсаткичлар тўпламига базавий омиллар, самарадорлик омиллари ва инновацион омилларнинг тавсифини берадиган кўрсаткичлар гуруҳи киритилган.

Базавий омиллар ресурс, экологик омиллар ва инсон потенциалидан ҳосил бўлади. Самарадорлик омиллари ушбу потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади ва инновациономиллар “билимлар иқтисодиёти”нинг ривожланиш даражаси, замонавий технологияларнинг жорий этилиш даражаси ва инновацион қарорлар сифатини акс эттиради.

Минтақавий рақобатбардошлик моделининг тузилиши қуйидаги кўринишга эга (1.3.1-расм):

---

[23] Бутунжаҳон иқтисодий форум (ВЭФ) модели бўйича ҳам рақобатбардошлик учта гуруҳ омиллардан шаклланади..




**1.3.1-расм. Минтақавий рақобатбардошлик модели**

Минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини таҳлил қилишдан мақсад қуйидагиларни аниқлашни кўзда тутади:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашга, маҳаллий хокимиятларнинг бош вазифаси – аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда рақобатчилик кучайиб бораётган шароитда жаҳон миқёсида ҳам, мамлакат ичида ҳам минтақага инвестицияларни жалб қилишга минтақаларнинг қай даражада қодирлиги;
- мавжуд бўлган ва янги яратиладиган рақобатчилик устунликларини ривожлантириш учун зарур минтақавий омиллар билан таъминланганлиги, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлайдиган ҳамда минтақаларни халқаро иқтисодий алоқаларга жалб қилишга ёрдам берадиган шарт-шароитларнинг мавжудлиги;
- минтақада юқори самарали рақобатбардош соҳалар ва ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги ва янгиларини яратиш имкониятлари.

Минтақалар рақобатдардошлигини оширишнинг асосий омилларини таҳлил этиш минтақаларнинг рақобатчиликдаги устунликларини белгилаб берадиган хўжалик комплесларининг ўзига хос фаолият кўрсатиш шарт-

шароитларини баҳолашни кўзда тутадики, бу таҳлил ва баҳолаш минтақа фаолиятининг қуйидаги йўналишлари бўйича олиб борилади:

- демографик вазият ва меҳнат;
- маҳаллий табиий ресурслар ва атроф муҳит муҳофазаси;
- ташқи иқтисодий фаолият (иқтисодиётнинг очиқлиги);
- инновацион-инвестицион фаолият (давлат бошқаруви);
- инфратузилмавий таъминот (ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма);
- институционал ўзгартишлар (институтлар) ва маҳаллий бюджет;
- ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда минтақа стратегиясини ишлаб чиқиш учун дастлабки шарт-шароитларнинг ўсиш ва ривожланиш потенциалининг SWOT таҳлили;
- ўсишнинг бош нуқталарининг ҳамда кластерларнинг шаклланишида эҳтимолий марказларнинг таҳлили;
- минтақанинг рақобатчилик потенциалини баҳолаш.

Минтақавий иқтисодиёт соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этишда асосий диққат-эътибор қуйидагиларга қаратилмоғи лозим:

- минтақавий иқтисодиёт соҳаларининг ишлаб чиқариш динамикаси, тузилиши ва самарадорлиги;
- илмий-техник ва ишлаб чиқариш потенциалининг ривожланиши ва унинг илғор фан ва техника ютуқларига мослиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, уни жаҳон даражалари билан қиёслаганда, истеъмолчилик сифатлари ва нарх-наво характеристикаларини баҳолаш;
- тайёр маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда сотилишини, шунингдек маркетинг фаолиятининг умумий ҳолатини баҳолаш;
- минтақавий иқтисодиёт соҳаларининг асосий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги;

- менеджмент ва маркетинг ҳолати, ташқи рақобатчилик шароитида инновацион стратегияни мавжудлиги.

Минтақада инновацион-инвестицион фаолиятнинг таҳлили фойдаланилаётган инвестицион ресурсларнинг асосий молиялаш манбалари бўйича баҳоланишини талаб қилади. Бунда ўз, бюджет ва жалб қилинган маблағлар, нодавлат инвестициялар, банк кредит инвесторлари (инвестиция ва суғурта компаниялари, нодавлат пенсия фондлари ва ҳ.к.) ва аҳолининг маблағларидан фойдаланиш динамикаси ва самарадорлиги таҳлил қилинади.

Инфратузилмавий таъминланганлик таҳлили минтақанинг инфратузилмавий устунликларини аниқлашга ва, биринчи навбатда, транспорт ва алоқа каби минтақавий объектларнинг ривожланишига, шунингдек минтақада такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг зарурий динамикасини таъминлаш учун бозор механизмларидан янада кенгроқ фойдаланиш имконини берадиган бозор инфратузилмаларининг юзага келишини баҳолашга қаратилган бўлиши лозим.

Институционал ўзгартишлар тўғрисида фикр юритиш имконини берадиган таҳлилий кўрсаткичларнинг энг муҳимлари булар мулкка эгалик қилиш тузилмасининг ўзгариши, бозор институтларининг шаклланиш тенденцияси, товарлар ва хизматлар бозорлари, молия ресурслари ва ишчи кучининг рақобатчилик муҳитининг юзага келишини акс эттирадиган кўрсаткичлардир. Таҳлил жараёнида давлат ва нодавлат иқтисодиёт секторининг ривожланиш кўрсаткичлари ажратилади, улар иқтисодиёт тузилмаси, хўжалик юритаётган субъектлар сони ва асосий фондлар қиймати, ишловчилар сони, олинаётган даромадлар хажми, маҳаллий бюджетларнинг шаклланишига кўрсатган таъсири бўйича қиёсланади.

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг молиявий таъминланганлиги маҳаллий бюджетлар маблағларининг таҳлили асосида уларнинг келиб тушиш манбалари ва асосий сарфлаш моддалари ҳамда уларнинг нисбати бўйича аниқланади. Бунда даромадлар ва сарф-харажатлар моддаларининг динамикаси, уларнинг ўзаро нисбати, асосий харажатлар

манбалари ва моддалари бўйича тузилиши, умумий харажатлар ҳажмида ижтимоий эҳтиёжлар учун минтақа аҳолисининг жон бошига бюджет томонидан таъминланганлик, ижтимоий сарф-харажатларнинг энг муҳим моддалари бўйича (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) минтақа аҳолисининг жон бошига кетадиган сарфлар таҳлил этилади.

Минтақаннинг рақобатдаги потенциалини унинг қуйидаги таркибий қисмлари бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқдир: табиий-ресурс, ишлаб чиқариш-технологик, инфратузилмавий, ижтимоий-демографик, молиявий-иқтисодий, ташқи иқтисодий, ташкилий, инновацион-инвестицион, аҳолининг турмуш даражаси ва даромадлари ва экологик.

Маъмурий район иқтисодиётининг рақобатбаршолшигини баҳолаш қуйидагиларни аниқлашга қаратилган бўлади:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, маҳаллий ҳокимият органларининг бош вазифаси – жаҳон миқёсида ва мамлакат ичида рақобатнинг кучайиб бориши шароитида аҳолининг фаровонлик даражасини ошириш ва минтақага инвестицияларни жалб қилиш йўлидаги минтақаларнинг қодирлиги;

- район миқёсида рақобатдаги устунликларнинг мавжудларини ривожлантириш ва янгиларини яратиш учун зарур омиллар билан таъминланганлик, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлайдиган ҳамда районларни халқаро иқтисодий алоқаларга жалб қилишга ёрдам берадиган шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

- районда самарадорлиги юқори бўлган рақобатбардош соҳалар ва ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги ва янгиларини яратиш имкониятлари.

Ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзига хос жиҳатлари, ўсиш ва ривожланиш потенциали, минтақа стратегиясини ишлаб чиқиш учун дастлабки шарт-шароитларнинг SWOT-таҳлили соҳа, шаҳар, район, минтақада муаммовий ва бошқариш вазиятларини баҳолашнинг самарали ва нисбатан осон усулидир. У дастлабки ҳолат, ишга туширилмаган ресурслар ва фаолиятга таҳдидларни баҳолашнинг муҳим бизнес-технологияси, бўлиб,

ахборотдаги бўш жойларни тўлдириш ва “анъанавий” таҳлилни мукаммалаштиришга қаратилади.

Минтақалар рақобатбардошлигининг таҳлили ва баҳоси асосий иқтисодиёт соҳалари ва турларининг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий-иқтисодий фаолиятида кечаётган тенденциялар, шунингдек камчиликлар ва “тор” ерлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши ва рақобатчиликдаги устунликларни ажратиб кўрсатиши лозим.

Модомики ресурслар самарадорлиги (маълумки, бу рақобатбардошликнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади) рентабеллик кўрсаткичи билан ўлчанар экан, бу ҳолда минтақаларнинг ички миллий рақобатбардошлигини дастлаб реализация қилинган маҳсулот рентабеллиги ва минтақалар бўйича корхоналар ва ташкилотлар активларининг рентабеллиги бўйича аниқлаш мумкин.

Минтақанинг ривожланишидан кўзланадиган асосий мақсад аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш ва бунга иқтисодиёт реал секторининг самарадорлигини ошириш асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳисобига эришилар экан, бу йўлдаги ривожланиш устуворликлари қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш лозим:

- ишлаб чиқаришларни технологик қайта қуроллантириш, фан ютуқларига асосланган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш асосида минтақавий иқтисодиёт соҳаларининг рақобатбардошлик даражасини ошириш;
- кластерларни яратиш ва ривожлантириш;
- экспорт ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришлар ривожини рағбатлантириш;
- иқтисодиёт соҳаларига самарали инвестициялаш механизмларини жорий этиш ҳисобига инновацион-инвестицион фаолиятни активлаштириш.

Минтақалар ривожланишидаги ушбу устуворликларнинг амалга оширилиши минтақавий саноат сиёсатида ўз аксини топмоғи лозим. Бу сиёсат саноат комплексининг соҳа тузилишини қуйидагилар асосида

такомиллаштиришни кўзда тутади: илмий-техник потенциали юқори бўлган минтақаларда фан ютуқларига асосланган, юқори технологик йўналишга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий хом ашёда ишлайдиган соҳалар ва ишлаб чиқаришларни устувор ривожлантириш, минтақаларда энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш.

Кластерларни ривожлантириш масаласи ҳам ғоят муҳимдир. Кластер сиёсатининг мақсади – иқтисодий кластерларнинг минтақа рақобатбардошлигини ошириш механизми сифатида шаклланишига ёрдам бериш. Минтақавий рақобатбардошликни оширишда кластер йўналишининг асосчиси М Портер уларнинг рақобатбардошликка таъсирини изоҳлаб берган учта таърифни келтиради[24]:

-махсус маълумотлар ва ахборот, институтлар ва ижтимоий масалаларни имкониятини кенгайтириш, ва қўшимча хўжалик фаолиятини рағбатлантириш орқали рақобатбардошликни ошириш;

-фирманинг инновацион потенциалини технологик билимлар ва инновацияларни тез тарқалишини таъминлаш йўли билан ошириш. Ҳар битта кластер доирасида содир бўладиган рақобатчилик босими компанияларнинг инновацион фаолиятга бўлган интилишини кучайтиради;

-фирма ходимлари томонидан ажралиб чиқиш йўли билан ўз корхоналарини яратишга интилиши туфайли янги корхоналарнинг юзага келиш суръатларини рағбатлантириш.

Бу борада Финляндиянинг кластерлашга асосланган иқтисодий сиёсати ёрқин мисол бўла олади. Сўнгги ўн йил мобайнида мамлакат истиқболли рақобатбардошлик рейтингида 102та мамлакат орасида биринчи ўринни эгаллади ва бу йўлда хатто АҚШ, Германия ва Япония каби етакчи мамлакатлардан ўзиб кетди. Инновацион тузилмалар томонидан қўллаб-қувватланадиган ва унумдорлиги юқори бўлган кластерлар ҳисобига Финляндия жаҳон ўрмон ресурсларининг фақат 0,5%игагина эга бўла туриб, ёғочни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари бўйича жаҳон экспортининг

[24] Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 2005. – 859 с.

10%ни ва қоғоз экспортининг 25%ини таъминлайди. Телекоммуникация бозорида эса бу мамлакат мобил алоқа ускуналари жаҳон экспортининг 30%ини ва мобил телефонлар экспортининг 40%ини таъминлайди.

Хитойда юқори технологик соҳалар ривожининг алоҳида зоналари яратилган эди. Фан ва технологиялар вазирлиги ва минтақавий хокимиятлар ҳамкорликда бу зоналарда кластерларни яратиш ва ривожлантириш билан шуғулланадилар. 2002 йилга келиб Хитойда 53та мана шундай зоналар бўлиб, уларда 3.49 млн. ходимни жамлаган 28388 фирмалар фаолият кўрсатиб, уларнинг авдо-сотиқ даражаси 1 трлн. юанни ташкил этди. Марказий хокимиятнинг қўллаб-қувватлаши ва розилиги билан маҳаллий (муниципал) хокимият ўз ҳудудида юқори технологик соҳаларнинг ривожланиш зонасини ташкил қилиши мумкин. Марказий хокимият шунингдек алоҳида имтиёзли чораларга лойиқ фирмаларни танлаб олади. 1985 йилда Хитойнинг Шентжень шаҳрида юқори технологияларнинг биринчи алоҳида зонаси – юқори технологик индустриал парк ташкил этилган эди. 1988 йили Пекин индустриал зонаси яратилди. 1991 йилга келиб, инкубаторларни ривожлантириш Torch Program дастури доирасида 26та шундай зоналар яратилди. 2002 йилда Хитой Сингапур билан шартнома тузди. Унинг мақсади ишлаб чиқаришнинг тўртта соҳаси – ахборот технологиялари, микроэлектроника, янги материаллар ва биологик фанлар (биология, биохимия, иммунология, генетика, физиология, экология ва ҳ.к.) соҳаларида кооперацияни кучайтиришдан иборат бўлди.

Иқтисодиётнинг кластерли тузилмаси давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатига катта таъсир кўрсатади. Бу аввалам бор илм-фан, хатарли инновациялар, экспорт фаолияти, зарур инфратузилманинг яратилиши ва таълим билан боғлиқ. Кластерларнинг ривожига таянадиган иқтисодий сиёсат давлатлар рақобатдардошлигининг ўсишига олиб келади. Иқтисодиётни ривожлантиришда клатерли ёндошувдан АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Швеция, Жанубий Корея, Япония, Қозоғистон каби давлатлар ҳукуматлари фойдаланиб келаяптилар. Амалда кластер ишлаб

чиқаришни комбинациялашда географик, фазовий жиҳатни ташкил этади. Унинг самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг барча олмиллари (хом ашё, энергия, ишчи кучи, капитал харажатлар, транспорт ва бошқа муомала чиқимлари)га нисбатан харажатлар (чиқимлар)нинг камайиши билан боғлиқ бўлиб, бу бир-бирларига ўз маҳсулотлари ва хизматларини етказиб берадиган ва шунингдек ишчи кучининг ягона бозорига эга бўлган фирмаларнинг географик яқинлашуви ва ўзаро иқтисодий ҳамкорлигидан келиб чиқадиган минтақанинг соҳалар ичидаги ва соҳалараро тежамкорлиги натижасидир. Бу ўринда энг катта тежамкорлик қуйидагилар ҳисобига содир бўлади:

- транспорт харажатларининг пасайиши ҳисобига;

- ихтисослашган хизматлар, масалан, ремонт, реклама, кадрларни ўқитиш сифатининг яхшиланиши ва уларга бўлган сарф-харажатларнинг камайиши, ихтисослашган илмий марказлар очишнинг имкониятлари ҳисобига, чунки кластерлар шаклланадиган бўлса, бундай хизматларга бўлган талаб ҳам ортади;

- ягона ишчи кучи бозорининг мавжудлиги.

Ушбу жараённинг амалга оширилишида минтақавий хокимият органлари алоҳида ўрин эгаллайди. Улар аввалам бор қайси соҳада кластер яратиш кўпроқ фойда келтириши ҳақида бир қарорга келиб олишлари, яъни соҳаларни кластерлаш потенциалини баҳолашлари, кейин кластер яратишнинг дастлабки босқичини ўз зиммаларига олишлари лозим.

Кластерлаш потенциали деганда минтақа ҳудудида жойлашган соҳалар, корхоналар ва инфратузилмавий ташкилотларда рақобатчилик устунликларининг мавжудлиги, ушбу устунликларни бирлаштириш ва минтақа рақобатбардошлигини оширишда улардан фойдаланиш имкониятлари тушунилади.

Соҳаларни кластерлаш потенциалининг даражасини аниқлашга қаратилган иш қуйидаги босқичлардан иборат:

- кластерлаш потенциали даражаларини аниқлаш (юқори, ўрта, паст) ва уларнинг тавсифини бериш;

- таҳлил олиб бориш учун омилларни танлаб олиш;

- экспертиза ўтказиш йўли билан, кластерлаш потенциалининг тегишли даражаларини ҳисобга олган ҳолда, танлаб олинган омилларнинг чегаравий қийматларини аниқлаш;

- ҳар бир омилга баллар тизими бўйича тавсиф бериш;

- қўлланаётган кўрсаткичлар гуруҳи чегарасида баллар шкаласининг максимал ва минимал қийматларини аниқлаш;

- кластерлаш потенциали даражасини баҳолаш.

Минтақа рақобатбардошлигини таҳлил этишда бошқарув қарорлари қабул қилинаётганда муҳим инструмент вазифсини ўтайдиган экологик-иқтисодий вазиятнинг миқдорий баҳоси муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолиятда экологик индикаторлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш 2005 йилдан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетининг БМТ Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ҳамда табиий муҳит ҳолатининг назоратини амалга оширадиган асосий вазирликларни жалб қилган ҳолда “Ўзбекистонда атроф муҳит ҳолатининг мониторингини ўтказиш учун экологик индикаторлар” лойиҳаси ишга тушгандан кейин бошланди.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолият амалиётига миллий экологик индикаторларни жорий этиш ишлари “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (28-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111-сон “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2003 йил 13 январдаги 16-сон “Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳитнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2006 йил 16 мартдаги 48-сон “Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳитнинг 2006-2010 йилларга мўлжалланган мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Атроф муҳит Европа учун” БМТ Европа иқтисодий комиссияси Дастурининг аъзосидир. Шунинг учун индикаторларни танлашда асосан БМТ Европа иқтисодий комиссияси ва Атроф муҳит бўйича Европа агентлигининг экспертлари томонидан қўлланадиган мезонлардан фойдаланилди.

Назорат қилинаётган 300дан ортиқ кўрсаткичлардан 91та индикатор ва бир қатор тармоқ индикаторлар фойдаланиш учун тавсия этилди. Улар атмосфера, сув ва ер ресурсларининг ҳолати, чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш муаммолари, био ҳар хиллик, аҳоли саломатлиги ва Орол бўйидаги экологик вазият ҳолатига баҳо беради. Фойдаланиш учун тавсия этилган экологик индикаторлар умумқабул қилинган халқаро нормаларга мос келади ва, бир пайтнинг ўзида. Ўзбекистоннинг энг муҳим экологик устуворликларини акс эттиради.

Мана шу ёндошувларни ҳисобга олган ҳолда минтақа рақобатбардошлигини интеграл баҳолаш учун индикаторларнинг комплекс тизими таклиф этилмоқда (1.3.1-жадвал).

Шундай қилиб, тақдим этилган характеристикалар (тавсифлар) асосида қуйидаги саволларга жавоб бериш керак бўлади:

- минтақа иқтисодиётининг қарор топган тузилмаси аҳоли турмуш сифатининг айрим таркибий қисмларига қандай таъсир кўрсатади, бу соҳада қандай тенденциялар кузатилади?

- минтақа иқтисодиётининг қарор топган тузилмаси экологик ҳолатга қандай таъсир кўрсатади, бу соҳада қандай тенденциялар кузатилади?

- иқтисодиётнинг қарор топган тузилмаси минтақавий ривожланишнинг асосий муаммоларини қай даражада ҳал қилиш имкониятини беради?

1.3.1-жадвал

**Минтақа рақобатбардошлигининг интеграл даражасини баҳолаш индикаторлари тизими**

| № | Кўрсаткичлар | Даражалар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | паст | ўрта | баланд |
| **I** | **Иқтисодий кўрсаткичлар** | | | |
| | - ялпи минтақавий маҳсулот | | | |
| | -саноат ишлаб чиқариши улуши | | | |
| | -қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши улуши | | | |
| | -зарарга ишлайдиган корхоналар улуши | | | |
| | - КБ ва ХТ субъектларининг аҳоли жон бошига миқдори | | | |
| | -чакана товар алмашинувининг ўсиши | | | |
| | -маҳсулот экспорти | | | |
| **II** | **Ижтимоий кўрсаткичлар** | | | |
| | -яшаш даражаси | | | |
| | -турар жой билан таъминланганлик | | | |
| | -пулли хизматлар ҳажми | | | |
| | -таълим даражаси | | | |
| | -касалланиш | | | |
| | -ишсизлик даражаси | | | |
| **III** | **Инновацион кўрсаткичлар:** | | | |
| | - илмий тадқиқот ишларини олиб борадиган ташкилотлар сони | | | |
| | -бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми | | | |
| | -тадқиқотчи-мутахассислар сони | | | |
| | -инновацияга сарфланган маблағлар | | | |
| | -яратилаётган янги технологиялар сони | | | |
| **IV** | **Табиий-географик кўрсаткичлар:** | | | |
| | - демографике | | | |
| | - шаҳар аҳолисининг ҳиссаси | | | |
| | - географик ҳолат (эксперт баҳо) | | | |
| | - суғориладиган ерларнинг аҳоли жон бошига таъминланганлиги | | | |
| | -сув ресурслари билан таъминланганлик | | | |
| | - минерал-хом ашё ресурслари | | | |
| **V** | **Маданий-тарихий** | | | |
| | - маданий-тарихий ёдгорликларнинг мавжудлиги (эксперт баҳо) | | | |
| | - сайёҳлар сони | | | |
| | - рекреацион (ёпиқ) зоналар | | | |
| **VI** | **Экологик** | | | |
| | - иссиқхоналар газларининг отилиб чиқиши | | | |
| | - чиқиндиларнинг отилиб чиқиши | | | |
| | - ичиладиган сувнинг шўрланганлиги | | | |
| | - ер ресурсларининг шўрланганлиги | | | |
| Жами | Баллар | | | |

## II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ

### 2.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни минтақа рақобатбардошлигини оширишдаги асосий жиҳатлари

Республикамиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш масаласига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Кичик бизнес миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасидир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини, албатта, чуқур англаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини хеч нарса билан киёслаб булмайди"[25].

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг хозирги боскичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлиги кафолати, мамлакатимиз тараккиётининг фаол харакатлантирувчи кучи сифатида намоён булмокда. Яъни, 1991-2011 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,5 фоиздан 54,0 фоизга усди[26]. Кичик бизнес янгидан-янги иш ўринлари яратиш, мехнатга лаёкатли

[25] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади. -Т.: Узбекистон, 2011.-Б. 39.
[26] Узбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси маълумотлари.

аҳолининг иш билан бандлиги ҳамда аҳоли даромадларини оширищца ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти И.Каримов «...Ўзбекистонда ҳали бу йуналишда кдлиниши лозим бўлган ишлар жуда куп»[27], деб таъкидлаган. Шу боисдан, кичик бизнесни янада ривожлантириш, кенг камровли қўллаб-қувватлаш, илмий-назарий жиҳатдан тадкик этиш долзарб масала хисобланади. Бундан ташкари, кичик бизнесни бозор иқтисодиётидаги аҳамияти ва салохиятини эътиборга олиб, хозирги даврда давлат олдида ракрбатбардош ва жахон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чикарадиган кичик корхоналар учун шарт-шароитлар яратиш вазифаси турибди[28]. Ушбу вазифани кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш амалиётини такомиллаштирмасдан ҳал этиб булмайди.

Тадкикот ишида кичик бизнес тушунчасига турлича карашлар тадкик килинган ва умумлаштирилган таъриф берилган. Масалан, А.Цыганов фикрига кура, «кичик корхона бу йирик корхонанинг кучсиз ухшашлиги эмас, балки, иқтисодий хаётнинг мустакил ва энг типик бўлган ҳамда узига хос хусусиятларига, конуниятларига, устунликларига ва камчиликларига эга бўлган субъектидир»[29]. Американлик иқтисодчилар Д.Речмен, М.Мескон «кичик корхона» тушунчасини мустакил бошқариладиган уз сохасида устун мавкега эга булмаган, банд бўлганлар ҳамда маҳсулот сотиш мезонларига жавоб берадиган фирма сифатида талкин этадилар[30]. В.М.Яковлевнинг илмий карашларига кура, «кичик бизнес иқтисодий фаолликнинг асоси булиб, бозор иқтисодиёти ривожланиш жараёнининг шакллантирувчи элементидир»[31], деб хисоблайди. Таникли американлик тадбиркор П.Хоукеннинг фикрича, «кичик бизнес иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигини таъминловчи асосий элементи ва ташки мухитга

[27] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади. -Т.: Узбекистон, 2011 .-Б. 27.
[28] Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги боскичга кутарадиган йил булади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Узбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йуналишларига багишланган Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруза. 2012 йил 9 январь. -Т. :Узбекистон, 2012 . - Б.20.
[29] Развитие малых и средних предпринимательских структур и проблема занятости. / Под общ. ред. А.Ю. Чепуренко. - М. 1995. - С. 50.
[30] Современный бизнес: учеб. В 2 т. Т. 1: Пер. с англ. /Д. Дж. Речмен, М. Х. Мескон, К. Л. Боуви, Дж. В. Тилл. - М. : Республика, 1995. - С. 100.
"Яковлев В. М Малое предпринимательство в России: проблемы переходного периода. - М.,1994. -С. 15-16.

мослашишда ҳамда кризис холатларини енгишда эгилувчанликнинг синоними сифатида таърифлайди»[32].

А.Н.Алисов ва С.Е.Грищенко қуйидагича таърифни таклиф қилишади: «кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий категория сифатида бу асосан мулкдор-тадбиркорнинг товар ва хизматнинг талабини кондириш буйича ҳамда фойда олиш мақсадида инновация, хавф-хатар ва тулик иқтисодий маъсулият асосида ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳамда ресурсларни энг макбул йул билан фойдаланишга каратилган ўзига хос бўлган фаолиятидир»[33].

Э.Эгамбердиев ва Х.Хужакуловлар фикрича, «кичик бизнес - хужалик юритишнинг шундай шаклики, бунда корхоналар давлатга боглик булмаган Холда мустакил амал киладилар, улар ишлаб чикарадиган маҳсулот турларини, хажмини узлари белгилайдилар; уз хохишига кура маҳсулотни хохлаган бахода, хохлаган шароитда сотадилар ёки хизмат ишларини бажарадилар; корхонани ривожлантириш фондига, ижтимоий ишларга, резерв фондига фойдадан ажратмалар меъёрини, мехнатга хак тулаш шакли ва микдорини ҳам ихтиёрий равишда аниклайдилар; маҳаллий шароитга тез мослашадилар, тезда бир карорга келадилар ва хоказо».[34]

Тадкикот ишида кичик бизнес - бу, мураккаб тадкикот объекта сифатида кабул килиниб, унинг фаолияти ҳамма вакт ҳам фойда олиш билан боглик булмай, балки, психологик, ижтимоий ва этник омилларга богликлиги асосланади. Шу билан бирга, кичик бизнеснинг позитив ва негатив омиллари ўзаро муносабатлари натижасида юзага келадиган ўзига хос бўлган хусусиятига эътибор каратиш лозим. Кичик бизнес иқтисодий, ижтимоий ва инновацион масалаларни ечишда, иккинчи томондан, ижтимоий, сиёсий ва ҳамда этник муаммоларни бартараф этилишига хизмат қилиши мумкин. Кичик бизнесни ўзаро муносабатлари ва ўзини-ўзи ривожланиш жараёнларини урганиш, тизим элементларини янада яхширок тушунишга имкон беради.

[32] Тайна успеха. Monfiction (Деловой Бестселлер). - Минск. : Парадокс, 1995. - С. 191-199
[33] Алисов А.Н., Грищенко СЕ. Управление развитием малого предпринимательства в регионах России - М МАКС Пресс, 2003. - с.15.
[34] E.Egamberdiev, X.Xo'jaqulov. «Kichik biznes va tadbtrkorliks O'quv qo'llanmasi. Toshkent Moliya instituti Toshkent 2003,- B. 60.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес бу муайян давлат ва тармокка хос мезонлар оркали аникланадиган, мураккаб, динамик холатда бўлган иқтисодий тизим булиб, товар ва хизматлар ишлаб чикариш, алмашиниш, таксимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини уз ичига камраб олади. Ушбу жараёнлар шахсий, ташкилий ёки тизимли янгиланиш ва янги ишлаб чикаришни ташкил қилиш ҳамда амалдаги корхоналарни ривожлантиришга каратилган гояларни яратиш оркали ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнларидан иборат. Кичик бизнес очик тизим бўлганлиги сабабли, унинг амал қилиш жараёни индивидумлар ва ташкилотларни микро- ва макро мухит билан ўзаро муносабатда булиши оркали амалга оширилади.

Шу билан бирга, республикамизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, хужалик юритувчи субъектларни кичик бизнесга киритиш учун уларнинг микдор ва сифат мезонларини ишлаб чикиш зарур, бунда ишчилар сони эмас, балки, айланма капитали ва даромадлилик даражасига эътибор берилиши лозим, иккинчидан, кичик бизнес субъектининг устав капиталида йирик ва давлат ташкилотлари улуши 25 фоиздан ошмаслиги лозим, учинчидан, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш тарихи, анъаналарини эътиборга олган холда ва мазкур анъаналарни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектлари таснифига якка тартибдаги тадбиркор, кичик фирма ва кичик корхона турлари билан бир каторда «хунармандчилик» тушунчасини киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу тушунчага ишчилар сони беш кишидан ошмайдиган хунармандларни ва хунармандлар гурухларини кушиш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун давлат бюджети, ҳалқаро молия институтлари, маҳаллий бюджет, тижорат банклари, микромолиялаш ташкилотлари, хусусий инвесторлар ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағларидан самарали фойдаланиш муҳим хисобланади.

Бундай тарзда қўллаб-қувватланиш уларнинг рақобатбардошлиги оширилишига, техник ва технологик базаси янгиланишига, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини камайтириш ва диверсификация қилинишига, меҳнат унумдорлиги, фойда ва рентабеллик даражаси ошишига эришилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида қуйидаги чора - тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– иқтисодий барқарор ўсишнинг узоқ муддатли суръатлари ва иқтисодий мувозанатни таъминлашга хизмат қилувчи маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш;

– иқтисодиётни диверсификациялаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига йўналтирилган соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлашни амалга ошириш;

– қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

– аҳолининг иш билан бандлигини тизимли таъминлаш, тадбиркорлар манфаатидан келиб чиқиб, банклар тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бўш маблағларини тижорат банклардаги депозитларга жалб қилинишини рағбатлантириш;

– рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

– қишлоқларда вужудга келаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари - мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармон субъектлар манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш ва бошқалар.




**Расм-1.2.1. КБХТ субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг кўп даражали молиялаштириш механизми модели**

Бу борада тараққий этган мамлакатлар илғор тажрибаларидан фойдаланиб, аутсорсинг корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Айнан шундай инновацион характерга эга бўлган корхоналарни шакллантириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, самарадорлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ аутсорсинг хизматлари **биринчидан,** рақобат бозорига чиқиш ва янги информацион технологиялар ривожланиш жараёнида маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг янги турларини яратишга, **иккинчидан,** ишлаб чиқариш жараёни эгилувчанлигини кучайтириб, маҳсулотлар диверсификациясини амалга оширишга, **учинчидан,** нисбатан кам ҳаражатлар сарфлаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритишга хизмат қилади. Ана шу мақсадда минтақаларнинг

ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, IT-аутсорсинг бозорини шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса, вилоятларнинг иқтисодий технологик қуролланиш даражасини юксалтиришга, молиявий жиҳатдан ресурслари чекланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини IT-технологая ресурсларидан самарали фойдаланишга бўлган этиёжларини тўликроқ ҳамда нисбатан арзонроқ қондиришга хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига истеъмол эҳтиёжлари ўсиб бориши етиштирилаётган маҳсулотлар сифатига бўлган талабни ошишига олиб келмоқда. Маълумки, хеч бир давлат аҳолисини ўзида етиштираётган маҳсулот турлари билан тўлиқ таъминлай олмайди.

Шунинг учун, давлатлараро маҳсулот алмашувларига табиий ҳолат деб қаралиши, бу эса ўз-ўзидан ташқи бозорнинг роли ошишига хизмат қилади. Мамлакат ички бозорида маҳсулот сифатига бўлган талабнинг ортиши маҳсулот етиштирувчилар ва маҳсулот сотувчилар ўртасида рақобат муҳити шаклланиши ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқдир.

Рақобат муҳити ва рақобатбардошлик тушунчалари бир-бирига яқин бўлиб, ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш жараёнларида бир-бирини тўлдириб боради. Маҳсулот рақобатбардош бўлиши учун уни етиштиришда яратилган рақобатчилик муҳити муҳим аҳамиятга эга ва рақобатбардош маҳсулот рақобат муҳитининг маҳсулоти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини яратиш иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги жараёнлардан тубдан фарқ қилади, яъни об-ҳаво шароити, биологик жараён, маҳсулот етиштириш даврининг узоқлиги, ресурслар сифати каби объектив омиллар билан ажралиб туради.

Шунингдек, маҳсулотни узоқ вақт сақлаш ва узоқ масофага ташиш имкониятларининг чегараланганлиги ҳам албатта рақобат муҳитига таъсир кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки қишлоқ хўжалигидаги рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат муҳити тушунчаларига

тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир этиш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарур.

**1.2.1.- жадвал**

**Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити, рақобат ва рақобатбардошлик тушунчалари**

| | |
|---|---|
| «Рақобат муҳити» | Маълум вақт мобайнида эхтиёжларни қондириш учун ҳамкорликда вужудга келадиган маҳсулот етиштирувчи сотувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ва уларнинг муносабатларинн шаклланган шароити мажмуидан иборат |
| «Рақобат» | Маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш тизимида биологик, техникавий ва иқтисодий жараёнларни режалаштириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва истеъмол қилиш босқичларида намоён бўлиши ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг устуворликни эгаллаш учун бўладиган кураши |
| «Рақобат-бардошлик» | Маҳсулотни нарх, сифат ва экологик кўрсаткичлар орқали харидорлар талаб, истак-хохишларини қондира олиши ҳамда маълум вақт мобайнида рақобатчилар маҳсулотидан ушбу кўрсаткичлар бўйича устунлиги |

Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишида ер муносабатлари, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, инфратузилмалар ҳам бир вақтнинг ўзида рақобат, рақобат муҳити ва рақобатбардошлик ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишида бошқариш тизимини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада бошқарувни номарказлаштиришга катга эътибор бериш лозим.

Фермер уз фаолиятини бошқаришда қанча эркинликка эга бўлса, у шу қадар билим ва тажрибасини ишга солишга, яъни ишни ташкил қилиш, технологик жараён, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва қимматроқ сотиш йўлларини топишга харакат қилади ва ташаббускорлик билан иш ташкил қилади. Ушбу ҳолат ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Маҳсулотни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ҳам рақобат муҳитинииг муҳим босқичларидан ҳисобланади.

1.Тармоқда рақобат муҳити шаклланишида фермерлар ва бошқа хўжалик субъектларини сифатли ва мукаммал ахборот билан таъминлаш, шу

жумладан, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш ва ишлаб чиқаришни талаб асосида олиб боришга ёрдам беради. Иккинчидан, маҳсулотни мақбул нархларда сотиш бозорини аниқлаш даромад кўпайишига асос бўлади. Учинчидан, ресурслар ва хизматлар бозорини ўрганиш эса рақобат ривожланишига таъсир кўрсатади.

2.Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишида сервис корхоналари фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда сервис корхоналари асосан хукумат қарорлари билан ташкил қилиниши ва уларнинг маълум ҳудудлардаги фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиши катъиян белгилаб қўйилмоқда. Ушбу ҳолат тармоқда рақобат муҳити шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг фикримизча, лизинг хизматлари турини кўпайтириш ва лизинг корхоналарини маҳсулот етиштиришдаги иштирок этиш механизми ишлаб чиқилиши зарур.

3.Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи агрофирмаларда маҳсулотларни қайта ишлаш улуши 20-25 фоиздан ошаётгани йўқ, ушбу кўрсаткич агрофирма миқёсида 50-60 фоизга етказилиши керак; агрофирма доирасида етиштирилаётган маҳсулотларни янги узилган ва қайта ишланган ҳолатда 35-40 фоизини экспорт қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди, амалда ушбу кўрсаткич 15-20 фоиздан ошмаяпти; агрофирмаларда фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни кенг миқёсда жорий қилиш ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашиши ва рақобатбардошлиги ошиши кўзда тутилган эди, ушбу ҳолат бўйича кутилган натижаларга эришилмаяпти.

Ушбу ҳолатлар таъсисчиларни ихтиёрий кириши ва тенг ҳуқуқлилигига риоя қилмаслиги ҳамда улар ўртасидаги ички иқтисодий механизм ишламаётганлиги, ички нархларни ва даромад тақсимотини юқоридан белгилаш ҳолатлари сақланиб қолаётганлиги туфайли содир бўлмоқда.

4.Қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўймасдан туриб эришиш мумкин эмас. Чунки, кадрлар биринчи навбатда, бозор муносабатлари шароитида тўғри қарорлар қабул қилиш, мавжуд ҳолатни таҳлил қила олиш

ва мамлакатдаги ҳамда хориждаги аграр ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалардан фойдалана оладиган бўлиши лозим.

Фермер хужаликлари рақобатбардошлигини бахолаш мезонларидан бири-тадбиркорлик даражаси хисобланади. Тадбиркорлик даражаси, бевосита кишлок хужалиги товарлари бозорида шаклланган талаб ва таклифлар ҳамда бахо асосидаги тадбиркорликнинг даромад даражасига богликлигидир. Бу эса, фермер хужаликларининг кишлок хужалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашувидан келиб чиққан холда, турли товарлилик даражасига эга булиши оркали уларнинг рақобатга чидамлилигини белгилаб беради.

Фермер хужаликларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш муҳим аҳамиятга эга булиб, уни ишлаб чикишда кишлок хужалигининг ўзига хос хусусиятлари, муайян ҳудуднинг табиий-иқтисодий шарт-шароити, ихтисослашуви, хужалик субъектларининг фаолият йуналишлари ва натижаларига мое табакаланиши, моддий-техника ва молия ресурелари билан

Фермер хужаликлари бозор иқтисодиётига хос соғлом рақобат мухитини шакллантиришда уларнинг қуйидаги хусусиятлари, яъни истеъмол қилишининг юкорилиги; барқарор юкори товарлилик даражасини таъминловчи ишлаб чикариш хажми; ишлаб чикаришнинг йириклашуви хисобига кушимча даромад яратишта асослашан йирик хужаликларнинг шаклланиши ва ривожланиши алохида роль ўйнайди.

Юкорида кайд этилган хусусиятлар фермер хужаликларини ривожлантириш стратегиясини белгилашда мезон сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадкикот натижалари курсатишича, фермер хужаликларининг ривожланиш даражасига ер-сув, ишлаб чикариш воситалари, мехнат, пул маблағлари, тадбиркорлик, инновация ва инвестиция салохиятининг сифат ва микдор жиҳатдан пастлиги улар ўртасида реал рақобат мухитини яратишта тусик буластган сабаблар бевосита таъсир курсатади.

## 2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш шакллари

Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб барча жабҳаларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган кенг кўламлиислоҳотлар амалга оширмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётимизнинг беш тамойили ва мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича изчил ислоҳотлар стратегиясига асосланган "Ўзбек модели" бераётган юксак самара бутун дунёда эътироф этилмоқда.

2012 йилнинг 14 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференцияда Юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланганлиги бугун эришилаётган ютуқларга яна бир муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократок ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тадбиркорлик фаолияти учун янада кенг имконият ва эркинликлар яратиш мақсадида қатор муҳим қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган эди.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Йирик маблағлар талаб қилмайдиган, моддий ресурсларнинг нисбатан қисқа муддат мобайнида ўсиш суръатини кафолатловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётдаги бандлик муаммосини нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатларсиз таъминлашда, ички бозорни молиявий ресурслар чегараланган шароитда истеъмол моллари билан тўлдиришда етакчи роль ўйнайди. Шунингдек, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг бош кафолати бўлган -ўрта синф, мулкдорлар қатламини шакллантиришда, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушини ўстиришда, инновацион технологияларни амалиётга жорий этишда, соғлом рақобат мухитини шакллантиришда, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустахкамлашда, муҳими, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишини таъминлашнинг муҳим ва асосий омилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ута муҳим ва салмокли хиссаси, роли ва таъсири, содда килиб айтганда, бошқа хеч бир соха ва йуналиш урнини боса олмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз

ривожида алохида ўрин эгаллайди»[35]. «Кичик бизнес янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳолини 70 фоизидан ортигини ташкил этиб, аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда»', « бир с^з билан айтганда, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нима халакит бераетганини яна бир бор батафсил, чуқур тахдил қилиш ва ушбу таҳлил асосида аник Карорлар кабул қилиш даркор»[36]. Дархакикат, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири, бу республикамизнинг турли вилоятлари ҳудудий хусусиятларини хисобга олган холда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни аниклаш, уларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чикиш муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурларини ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган холда ишлаб чикиш ва амалиётга жорий этиш механизми тула-тукис шакллантирилмаган. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда «...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини хеч нарса билан киёслаб булмайди»[4].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг микёсдаги иқтисодий ислохртларни чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектларининг миллий иқтисодиётдаги урни муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, КБХТ субъектлари ишлаб чикаришни

---

[35] Каримов И. А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий ва сиёсий баркарорлих кафолати -Т Адолат,2011.-

4[4] Каримов И.А Барча режа ва дпстур [прими. вшанпмиі lap.iKKik'miin ми м ппрнш, х.шкпмш фнровинишиин ошнршша хизмат кпяади. -Т.: Узбекистон, -2011 -ЗУ б.

'Hedeho К. Link A The Entieppeneiu H/V 1982 -51 р Ж 11 TpiU4itn.i цшлпичс! hWi .коuі-мііі М ' чачммта 1985 55 с , <'мнı Л 1 Кч-чгд.'limine о природе и причина*, ищ.т нı і n.i| >■ >.ч' '»* 1 I M ' Vi, I''7' - 18" , Шумистср

Й Теория экономнческо! о piriBmiw M llpoipea I'JS'v 1 v i. лтрич Г Пнп-piM llpiyuipl мшечииво иШ1 кик

завоет I'liUnHMiiiNi' ,u*'iu и дк'ипыч\i ni'vi M ilpiipi'ii, ■ пнигргппч Г'[1];| .' \ c f 'ojiii.14 II l[i*4il>e|> Ж 'I Ремесло предпршшмшеля М Меж иш l[l)]°4 50 с , МякконвШ! К 1' lEpmt'-ll Экономикс Т-l *Ы ,* 1992 - ЗУ9 с, Аксенев В.. АлЬТШуЛер И Ayiinpuiili 111 шпивпдеИ и .'I inn ipvMeni 'III' Ипшр .'1Н)9 - k.li

Гуломов <'Г Гпдиирюр'шк ни кичик iinmei I llaph, .'ı"[1];', W.oi. Л1>дулчиев li, Киримов Ф. Кичик бизнес ва гадОпркорша. ,ч ■" при I Мн-.ɪɪ.ɪɪ ,'ıııн 49 б , ЛОду-п.ич-. I- l[(] Чч.нпеп 111 Малый бизнес и предпринимательство.

'Г Икии-ид Минни .'пп;; Hi імıı-щ.л III. ipn |ı\ʏ/к. кч1 М Икшсодпе! ннзарияси ~-Т: Мехнат, 1995 - 512 б., ^лмнсов А, Иахибин Л Икни vuu'i пиирпнш I llapk. 2(H)f>. -179 6; Шодмонов Ш., Алимов Р. Жураев Т. Hiv.-iiiiAvun'i пп i ipiiin и 1 M'liiii ii'i' I I I K,-'ім:ıнıв А А Узбекистонда кичик тадбиркорлик фаолия'гани

I поя i-iniiipi ................ пи и мим.-mi in и щи i. i l l - i ipn I I ф н Автореф. —Т., 2004. - 22 б; Вахзбов А.В. Бозор

мMi". .V Ем ' ipn нı ими. in *ШКПОИнА* фондтар С ГИврК, 2003. ■- 320 б., Муфтайдинов К, Иктисодиётни эршшлаиинриш

ШШМК1ИД1 пибцЖОрЛКШМ pun. .iiiiiijiinii мı iiMMiiimpii -Т., 2004. И.ф.д. автореф, - 40 б ; Тожибоева Д. Иктисодиёт

ипщрпнсп Гшишчи VigiiMi-ui 'К'.[1] :\ и Хиджаев Г. Эгамоердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Т.: Иктисод-мо!1ия, 200К 105 0, I vxuiKin П. .\1кГ>срдиев К, Эрмаматов Ш., Холматов Н. Узбекистон интисодиёти лспслари - Т. Даичн] iriMnii ii.iiiipmnи. 2006, 279 б., Umuizaqov O'P., Trahboev A.G., Toshboev A.A Fermer xogaligi iqttaodiyoti i !'|lin"liynl nioliya, 2007. - 226 b., Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларщшнг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йуншштиари 11 ф и автореф - 1 , 200S. - 26 б

5.

36Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Узбекистон, 2010.-80 6.

ривожлантиришга, бандлик муаммосини ҳал этишга, соғлом рақобат мухитини шакштантиришга, бозор муносабатлари тизимида ишбилармонлик ва ташаббускорликка асосланган фаолият олиб боришга, шахеий ва ижтимоий манфаатларни уйгунлаштиришга, узлуксиз ижтимоий-иқтисодий куч сифатида рақобат бозорига таъсир этишга, эркин нарх-наво тизимини тартибга солишга хизмат килади. КдщшД[3] КБХТ фаолияти рақобатбардошлигини оширишга каратилган харакатлар Хитой, Хиндистон, якин шарк, Ўрта Осиё мамлакатларида, иқтисодий фикр ва гояларни амалиётга татбик этишда салмокли ўрин эгаллаган. Мазкур субъектлар фаолияти тугрисидаги мумтоз гоялар кадимги Грецияда ҳам кенг таргиб этилган. Яъни, Аристотельнинг «Экономика» асарида, бу энг аввало, дехкончилик, хунармандчилик, майда савдода банд бўлганларнинг асосий ва шарафли фаолияти, деб эътироф этилган. Уларнинг мақсади - тадбиркорлик билан инсонларнинг энг муҳим эхтиёжларини кондиришга эришиш мумкинлиги ва уларга давлат гамхурлик қилиши кераклиги таъкидланган[37].

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кичик корхоншгар фаолиятини рагбатлантириш мақсадида уларни меъёрий -хукукий асослари мунтазам такомиллашиб бормоқда.

**1-жадвал**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миллий иқтисодиётдаги хрипни белгиловчикурсаткичлартавсифи[10]**

| Ъ'урсаткичлар | Ул. бир. | 2005 йил. | 2006 йил. | 2007 йил. | 2008 йил. | 2009 йил. | 2010 йил. | 2011 йил. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ЯИМда КБХТ улуши | % | 38,2 | 42,1 | 45,7 | 48,2 | 50,0 | 52,5 | 54,0 |
| Кичик корхона ва микрофирмалар улуши | % | 21,5 | 23,5 | 27,4 | 29,5 | 31,2 | 32,7 | 33,7 |
| КБХТ да банд бўлган ларнинг умумий икти-содиётда банд бўлган аҳолига нисбатан улуши | % | 65,5 | 69,3 | 72,3 | 72,7 | 74,2 | 74,3 | 74,8 |
| Ташки савдо айланма-оидаги улуши, жамига нисбатан | % | 20,7 | 21,7 | 22,3 | 21,6 | 21,8 | 23,5 | 26,5 |
| Жами товар айланмасидаги улуши | % | 43,7 | 45,3 | 47,2 | 47,2 | 46,5 | 50,3 | 47,0 |

---

[37] **Алаев ДБ., Ацамба А.А., Вигасин А.А.. Воробей НВ. и другие. Экономические взгляды Аристотеля. Всемирная история экономической мысли. В 6 т. М: Мысль,1987. Т-1. С. 127-135.**

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий капиталга инвестицняларда кичик бизнеснинг улуши | % | 22,1 | 25,2 | 26,6 | 27,8 | 29,2 | 29,8 | 31,6 |

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда КБХТнинг ЖГМдаги улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 2011 йилда 54,0 фоизга ортган (1-жадвалга хавола). Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республика буйича кичик корхона ва микрофирмалар улуши ўсиш генденциясига эта булиб, бу холат мамлакат маҳсулот экспорти ва жами ташки савдо айланмасида ҳам кузатилмоқда. Яъни республиками; буйича янги иш ўринлари яратшнда кичик бизнеснинг улуши салмокли булиб, охирги йилларда карийб 50 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда.




**1 -раем. Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан куллаб-кувватлаш шакллари[11]**

Мустакиллик йилларида КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш уларнинг моддий - техника асосини барпо этишга кумаклашиш, ташки иқтисодий фаолиятини юксалтириш, ижтимоий-рухий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, су гурта тизими, зарурий ахборотлар билан таьминлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш каби омиллар оркали амалга оширилмоқда (1-расм).

КБХТ субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими хукукий асосларининг яратилиши[38] уларнинг йилдан-йилга фаоллашишига, купайишига ва фаолият жабхаларининг кенгайтирилишига замин яратди. Юкоридаги фикр-мулохазаларга таянган холда, КБХТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ривожлантириш жараёнини қуйидаги бешта боекдчга булиб тадкик этишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

---

[38] **Республикада 1991 йил 15 февралда «Тадбиркорлик т>трисида»ги конуни кабул кнлиниб, амалиётга жорий этилди**

I боскич ( 1990-1995 йй): бозор муносабатлари тадбиркорлик негизини ташкил этувчи конунларнинг кабул килиниши, одамлар онгида бозор муносабатларини шакллантириш ва хусусий мулкка бўлган эгалик муносабатини шакллантириш мақсадида биринчи марта ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шахеий ер участкаларининг ажратилиши, хусусий мулк негизида тадбиркорликнинг шакллана бошлаши, Комусимизда хусусий мулкнинг эътироф килиниши, барча йуналишларда институциснал у^гаришларнинг амалга оширилиши, ишлаб чикариш воситаларига, ерга, кучмас мулкка, тармокларни бошқаришда давлат монополиясининг бартараф этилиши, КБХТни қўллаб-қувватлаш инфратузилмалари махсус механизмининг ишлаб чиқилиши, хусусийлаштиришдан тушган барча маблағларни миллий иқтисодиётнинг нодавлат секторини шакллантириш ва ривожлантиришга йуналтирилиши, уларнинг шаютланиши учун шарт-шароитларни яратилиши билан тавсифланади.

II боскин (1996-2000 йй): бу боскичда КБХТнинг хукук ва мажбуриятлари, уларга нисбатан белгиланган имтиёзлар таркиби янада кеигайтирилди, давлат тасарруфидан чикарилган ва хусусийлаштирилган мулкни, объектларни сотиб олишда юридик, жисмоний ва хорижии шахсларнинг маблағлари буйта декларациялаш талаб этилмади ҳамда танлов асостща, хусусий мулкни сотиб олиш имконияти юзага келди. Оилавий асосда ташкил этилган микрофирмаларни ташкил этиш учун уларга миллий, хорижии валютада кредитлар бериш механизми жорий этилди Республика худ}'дида, халқ истеъмол товарларини ишлаб чикаришга ихтисослаштирилган кушма корхоналар устав фондида хорижии сармоя улуши 50% дан ортиқ булса, хорижии валютадаги тушумга солиқ солишдан ҳамда мазкур корхона Ўзбекистон Марказий банкида руйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш йил муддатга мажбурий солиқдан озод килинди. Ушбу боскичда тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини химоя килувчи ва ,\гувофиклаштириб турувчи марказ «Товар ишлаб чикарувчилар ва тадбиркорлар палата»си ташкил этилиши тадбиркорликни ривожлантириш лсараёнига бевосита ижобий таъсир курсатди.

IIIбоскич (2001-2003йй.): КБХТ фаолияти ривожланишига тускинлик килувчи барча омиллар, улар фаолиятига асоссиз равишда аралашаётган, назорат килаётган, турли бахоналар билан тускинликни вужудга келтираётган бошқарув идоралари, маҳаллий ташкилотларнинг ноконуний хатти-харакатларини бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тугрисида»ги конуни кабул килинди. КБХТ фаолиятининг ишлаб чикариш йуналишлари кенгайтирилиб, турлари купайтирилди, ҳудудларда фаолият юритаётган хизмат курсатиш инфратузилмаси фаолиятларига катта эътибор каратилди[13]. Шунингдек, КБХТ фаолиятини такомиллаштиришга хизмат килувчи катор хукукий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар комплекси ишлаб чикдлди[14] Мазкур боскичда уз фаолиятини амалга оширган КБХТнинг асосланмаган харажатлари ва таваккалчиликларини камайтириш, улар фаолиятини,

жумладан, худудлардаги ишлаб чикариш сохасидаги фаолиятини кенгайтиришга, кушимча инвестицияларни йуналтиришга. фойда микдорини оширишга катта эътибор каратилди.

IV боскич (2004-2008 йй): бу боскичда КБХТ фаолиятининг ривожланишига давлат эътибори янада кучайтирилди, жумладан, ишлаб чикариш сохаларида самарали фаолият юритаётганларга молиявий, иқтисодий, хухукий-ташкилий комплекс шарт-шароитлар яратилиши, маҳаллий хокимлар ва тадбиркорлар ўртасида у'заро ҳамкорлик мухитининг вужудга келиши, жахон мамлакатлари ва халқаро молия институтлари тажрибасида донорларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик мухитини яхшилаш учун қўллаб-қувватлашга каратилган халқаро ёрдами, иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлашга кумаклашувининг ошириб борилиши, 2005 йилдан КБХТ фаолиятини солиқка тортиш тизимида тупланган тажрибаларга таянган холда, туб ўзгаришлар амалга оширилиши, солиқ идораларига такдим этиладиган хисоботлар сони қисқартирилиши, КБХТ субъектларининг солиқ идораларига ташриф буюришлари, молиявий хисоботларга ортиқча вакт ва маблағ сарфлашнинг олди олиниши, КБХТларни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг устувор вазифаси сифатида белгиланиши, тадбиркорлик субъектлари хисоботларини электрон алоқа воситалари оркали кабул қилиш тизимининг йулга қуйилиши, ЯИМдаги КБХТ улушининг янада ортиши, иқтисодиёт тармоқдари субъектлари оптимал нисбатининг шаклланиши билан касаначилик асосидаги кооперация, хизмат курсатиш ва сервис сохасининг ривожланиши тавсифланади.

V боскич (2009 йилдан - хозирги давргача): КБХТ субъектлари фаолиятини ташкил этишдаги жараёнларни такомиллаштириш юзасидан катор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, жахон молиявий - иқтисодий инкирози давом этаётган шароитда 2009-2012 йилларга мулжаллаб «Инкирозга карши чоралар» дастурининг кабул килиниши, солиқ юкининг енгиллаштирилиши, солиқка тортиш тизимининг соддалаштирилиши ва унификация килиниши, 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили, деб эълон килиниши ва ривожлантириш Давлат дастури кабул килиниши, ушбу дастур йуналишларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг имтиёзли кредит жамгармалари хисобидан асосан, олис ҳудудларда ва етиб бориш кийин бўлган кишлоклардаги, шунингдек, мехнат ресурелари ортиқча бўлган жойлардаги КБХТ корхоналарида, фермер хужаликларида инновацион, юкори технологияларни куллаш мақсадида уларни молиялаштириш учун ажратилган кредитлар хажмининг оширилиши, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмининг янада такомиллаштирилиши ва соддалаштирилиши, тадбиркорлик субъектларига хизмат курсатиш сифатининг яхшиланиши. уларга ажратилаётган кредитларнинг, биринчи навбатда, янги ишлаб чикариш қувватларини ташкил этилиши, модернизация килиниши ва технологик янгилашга йуналтириладиган узок муддатли кредитлар хажмининг оширилиши ҳамда

кредитлаш жараёнига хорижии банклар ва халқаро молия институтлари кредит линияларининг йилдаи-йилга самарали жало этилаётганлиги билан тавсифланади. КБХТ фаолияти ривожланишида содир булаёттан ижобий ўзгаришлар билан бирга молиявий ресурсларнинг такчиллиги каби муаммолар ҳам мавжуд. Иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш учун КБХТни молиялаштиришнинг янги самарали манбаларини гопиш, назарий ва амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга молик масала хисобланади. 2005-2011 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг у мумий микдори ўсиш тенденциясига эга булиб, ушбу ўсиш асосан хужалик субъектларининг уз маблағлари хисобидан берилган кредитлар микдори ортиши билан изохланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида КБХТ субъектлари фаолиягини молиявий қўллаб-кувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар микдори жадал суръатларда ортиб бормоқда (3-жадвал). 2011 йидда тижорат банклари томонидан КБХТ субъектларига барча молиялаш манбалари хисобидан ажраталган кредитлар хажми 2009 йилга нисбатан 2189,3 млрд. сумга еки 2,1 баробарга ошиб, 4041,0 млрд. сумни ташкил этган[39].

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар хажми динамикаси[40]

| Кредит турлари | Ииллар | | | | | | | 2011 iiti.na 2005 йилга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2005 йил. | 2006 йил. | 2007 йил. | 2008 йил. | 2009 йил. | 2010 йил. | 2011 йил. | |




**2-расм. Тижорат банклари ва нобанк муассасалари томонидан КБХТга ажратилган кредитларнинг у** t.*mun* **при. шиш натижасида яратилган янги иш уринлари ( иши бирлнк)[18]**

" www.cbu.uz /monet_pohcy/monet_2011 Itfm

[40] Узбекистон Республикаси Марказий банкишшг сташсгик маълумотлари асосида тадкикотчи томонидан хисобланди.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Барча молиялаш манбалари хисобидан (млрд. сум) | 41 9.9 | 54 7,4 | 74 3.7 | 125 0,7 | 185 1,7 | 269 0,2 | 404 1,0 | 9,6 марта |
| Хорижии кредит йуналиши(' млн. АКД1 $). жумладан | 76, 0 | 37, 3 | 55, 2 | 73,9 | 121. 8 | 103, 1 | 119 ,7 | 1,5 марта |
| микрокреди тлар | 45, 4 | 64, 9 | 11 0,0 | 202, 5 | 322, 1 | 485. 2 | 752 ,0 | 16,6 марта |

2012 йилнинг 1 январь холатига, республикамиз тижорат банклари томонидан КБХТ субъектларига берилган кредитларнинг 70 фоиздан ортиги банкларнинг уз маблағлари хисобидан берилган кредитлар хиссасига тугри келди.

- КБХТ фаолияти рақобатбардопшигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қуйидаги омиллар бевосита таъсир курсатади: КБХТ субъектлари самарали фаолият юритшпида маҳаллий, табиий хом - ашё ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, молиявий, ташиший-хукл'кш! кафолатлаш тизимиш! такомшшаштириш, фаолиятни оптимал бошқариш, харажатларини минималлаштириш ва даромадларини максималлаштиришга эришиш; иқтисодий фаолиятни молиялаштиришда лизингдан фойдаланиш имкониятларини янада кешайтириш; фаолият самарадорлигини оппгриш мақсадида ҳудудлар салохиятини инобатга олган холда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва фаол инвестицион сиёсат юритишдир. Давлатнинг КБХТ фаолиятшш қўллаб-қувватлашга каратилган фаолияти мазкур салбий окибатларни бартараф этишга й^налтирилиши зарур.

-Тктисодий ривожлашшшинг хозирги боскичида КБХТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг маъмурий ва иқтисодий дастакларини уйгунлаштириш ҳамда мавжуд механизмтгни такомиллаштиришда қуйи ҳудудий бошқарув бупгнларига устуворлик бершп мақсадга мувофикдир.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги бажарадиган иқтисодий ва ижтимоий вазифалари урганиб чикилди. Тахдилларимиз курсатишича, Ўзбекистонда 2000-2010 йилларда кичик бизнес жадал ривожланиш тенденциясига эга булди. Шу даврда руйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 238,3 фоизга, жумладан, амалда фаолият юритаётганлари сони 149,3 мингтадан 454,1 мингтагача, яъни 3,1 баробарга, уларда иш билан бандлар сони эса 1,9 баробарга усди (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес субьектларининг ривожланиш курсаткичлари[41]

| Курса ткичлар | Ииллар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
| Руйхатга олинган КБХТ субъектлари, мингта | 182,9 | 308,7 | 384,1 | 422,3 | 435,9 | 452,9 | 459,5 | 461,2 |
| Амалда фаолият юритаётган КБХТ субъектлари, мингта | 149,3 | 268,6 | 346,1 | 391,9 | 398,6 | 422,9 | 425,0 | 427,3 |
| КБнинг руйхатга олинганлар сонидаги улуши, % | 81,6 | 87,0 | 90,1 | 92,8 | 91,4 | 93,4 | 93,6 | 93,9 |
| КБ субъектларида иш билан банд бўлганлар, минг киши | 4467,1 | 6679,0 | 7258,6 | 7682,5 | 8024,1 | 8402,3 | 8639,3 | 8914 |
| КБнинг ицтисодиетда банд бўлганлар сонидаги улуши, % | 49,7 | 64,5 | 69,3 | 71,9 | 73,1 | 73,9 | 74,3 | 74,8 |
| КБ субъектларининг ЯИМдаги улуши, % | 31,0 | 38,2 | 42,1 | 45,3 | 48,2 | 50,1 | 52,4 | 54,0 |
| Экспортдаги улуши, % | 10,2 | 6,0 | 10,7 | 14,7 | 12,3 | 14,6 | 13,6 | 18,8 |
| Импортдаги улуши | 27,4 | 32,4 | 34,5 | 34,5 | 38,5 | 42,5 | 36,6 | 37,4 |
| 1000 кишига фаолият курсатаеттан кичик бизнес субъектлари | 5,7 | 10,3 | 13,2 | 14,7 | 14,7 | 15,0 | 15,1 | 15,2 |
| Ажратилган | 102, | 419, | 547, | 743, | 1250 | 1851 | 2690 | 3536 |

[41] Узбекистон Республикаси Давлат статистика кумигаси ва Савдо-саноат палатаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

| кредитлар хажми, млрд. сум | 90 | 9 | 4 | 7 | ,8 | ,7 | ,2 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

2000-2010 йиллар мобайнида республикамизда фаолият юритаётган бизнес субъектларининг руйхатдан уттанлар сонидаги улуши 81,6 фоиздан 93,6 фоизга усди. 2000-2011 йилларда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар умумий сонидаги улуши 47,9 фоиздан 74,8 фоизгача ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миллий иқтисодиёт тармоклари ялпи маҳсулотидаги улуши ҳам усиб бормоқда. Масалан, уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чикариш хажмидаги улуши 1999-2011 йилларда 10,5 фоиздан 21,0 фоизгача, кишлок хужалиги маҳсулотидаги улуши эса 68 фоиздан 97,9 фоизгача, курилишда 37 фоиздан 70,4 фоизгача, савдода эса 45,3 фоиздан 47,0 фоизгача усди (2-жадвал).

2-жадвал

Миллий иқтисодиёт ишлаб чикариш хажмида кичик бизнеснинг улуши, %

| *Тармоклар* | *2000* | *2004* | *2005* | *2006* | *2007* | *2008* | *2009* | *2010* | *2011* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Саноат | 11,3 | 10,7 | 9,8 | 10 | 12,9 | 13,9 | 16,9 | 19,6 | 21,0 |
| К^урилиш | 37 | 48,5 | 49,4 | 51 | 53,7 | 58,5 | 41,6 | 52,3 | 70,4 |
| Чакана савдо | 45,3 | 42,2 | 43,7 | 45,3 | 47,2 | 47,2 | 46,5 | 50,5 | 47,0 |
| Ахрлига пулли хизмат | 37,9 | 47,9 | 52,5 | 50,9 | 50,5 | 49,1 | 48,7 | 47,7 | 46,4 |

Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш тизими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кафолатлари хукукий асосини, уларни руйхатга олиш ва тугатиш, солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзли кредитлаш, сугурталаш, моддий-техника таъминоти, давлат харидлари тизими ва бошқаларни уз ичига олиши керак (1-расм). Бундай хатти-харакатларнинг мажмуи ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий идоралар, шахарлар, туманлар ва вилоят хокимиятлари ва республика даражасидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.




1-расм. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими[26]

Тадкикот ишида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими очик тизим сифатида кабул килинган булиб, ташки ва ички мухити таркиби ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликлар таҳлил килинган.

Хозирги замоннинг юкори даражадаги глобаллашуви, информацион технологиялар ривожланиши иқтисодий тизимлар очиклиги ошишига, яъни уларнинг ташки мухит билан ахборот алмашинув жараёнлари кескин равишда ўсишига олиб келди. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими уни ривожлантиришга самарали таъсир курсатадиган хизматлар мажмуини юзага келтирди. Шу туфайли, унинг ташки мухити таҳлил килинганда, албатта, мижозлар ва рақобатчиларга эга бўлган тизим сифатида тадкик килиниши лозим (2-расм).

2 -раем. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими ташки мухитининг асосий элементлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги[27]

Утган йиллар мобайнида Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришга каратилган давлат даражасидаги бир нечта дастурлар Кабул килинди. Шу билан бирга, 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон килинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти карори билан 2011 йил 7 февралда Давлат дастури тасдикданди ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий устувор йуналишлари белгиланди (3-расм).




**4-расм. Нодавлат тузилмалар томонидан кичик бизнесни куллаб-кувватлаш механизм!![29]**

Мазкур давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида соха ривожланишига каратилган бир нечта конун ва фармойишлар кабул килинишига олиб келди. Давлат дастуридан кузланган асосий мақсад сохани янада ривожлантириш оркали ички бозорни ракрбатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан туддириш, янги иш ўринлари яратилган холда аҳоли даромадларини купайтиришдир.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини структуралашда ва уни янада ривожлантириш мақсадида, биринчидан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимининг интерактивлигини таъминлайдиган тескари таъсир этиш функциясига иккинчи даражали таъсир этувчи сифатида эътибор берилмаслиги лозим, иккинчидан, бажарилиши лозим бўлган чораларнинг мултипликациясига эътибор берилиши керак.



3-расм. Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий устувор йуналишлари[42]

Корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида вилоят, туман ва шахар хокимликлари рахбарлари мавжуд ресурслар ва ҳудуд салохиятидан келиб чикиб, кайси сохада кластерларни ташкил қилиш имконияти мавжудлигини аниклашлари лозим.

Кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш тизимида ўзини-ўзи ташкил қилиш механизмларидан бири кичик ва йирик бизнес интеграцияси катта аҳамиятга эга. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида унинг инновацион ривожланиш йулига ўтиши илмий-техник ҳамда ишлаб чикариш сохалари субъектларининг барқарор ўзаро алоқалари аҳамиятини орттириб боради. Кичик ва йирик бизнеснинг инновацион интеграциялашув даражаси иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг асосий таъсир этувчи воситаларидан бири булиши лозим. Шу сабабли, кичик ва йирик бизнес интеграциясига кумаклашувчи инфратузилмани яратиш оркали тадбиркорлик фаолиятининг хукукий химояланишни, янгиликлар ва маҳаллий ҳамда хорижий тажрибалардан хабардор булиши, информацион базалардан кенг куламда фойдаланишни ташкил қилиш, ўзаро ҳамкорлик жараёнида содир буладиган хавф-хатарни камайтириш каби холатлар кафолатланишини таъминлаш лозим.

[42] 2011 йил 7 февралдаги Узбекистон Республикаси Президенти карори асосида муаллиф томонидан

## 2.3.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқич

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилганлиги сабабли ушбу соҳа мамлакат иқтисодиётининг мустахкам таянчига айланиб бормоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биз ҳаммамиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим рол ўйнашини албатта чуқур англаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини хеч нарса билан қиёслаб бўлмайди». Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки давридан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кўп укладли бозор иқтисодиётини ташкил этишнинг асосини ташкил этди.

Натижада Ўзбекистон МФХ давлатлари орасида хар мингта аҳолига тўғри келадиган руйхатдан ўтган кичик корхоналар сони бўйича олдинги - ўринларга чиқиб олди. Бу кўрсаткич Россияда 23,1, Украинада 16,9, Қозоғистонда 14,1, Озарбайжонда 3,4 бирликни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда 39,5 бирликни ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида умумий солиқ юки 3 мартадан ошиқ камайтирилди, шу билан бирга давлат томонидан ўз маҳсулотларини экспортга йўналтирувчи корхоналарга ҳамда инвестицияларни жалб этувчи ва янги саҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига бир қатор имтиёзлар яратилди.

Натижада 2000 йил билан таққослаганда, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқишдаги улуши 21 фоизга кўтарилди. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча махсулоти нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда.

Республика Президента И.А.Каримов ташаббуси билан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди, бу юзадан Давлат дастури қабул қилиниб, қуйидаги натижаларга эришилди:

- қонун билан тадбиркорлар хуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни, меъёрий-хуқуқий хужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талкин этилиши белгилаб қўйилди;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш, уларни ташкил этиш механизмларини соддалаштириш ва арзонлаштириш хдмда тадбиркорлик фаолияти учун кулай шароит яратишга қаратилган 4 Ўзбекистон Республикаси қонуни, 20 дан ошиқ Президент ва Хукумат карорлари қабул қилинди;
- экспорт учун божхона расмийлаштириш йигимлари 2 мартага камайтирилди, экпорт шартномаларини «ягона ойна» принципи бўйича расмийлаштиш тизими йулга қўйилди, маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертификациядан утказиш тартиби жорий қилинди;
- «Узстандарт» агентлигида Саҳсулотни экпорт қилишга кумаклашиш Бюроси ҳамда кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган «Узтадбиркорэкспорт» ташки савдо компанияси ташкил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар хджми 2010 йига нисбатан 1,5 баробар кўпайди ва 4,1 триллион сумни ташкил этди, шу жумладан, микрокредитлар хджми 752 миллиард сумдан ошди ва бу кўрсаткич 1,5 баробар кўпайди. Ушбу соҳага ажратилган кредитлар ва микрокредитлар мамлакат минтакаларида 291 мингдан ортик иш урни ташкил этилишига ёрдам берди.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқич бошланди. Республика Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 16 июль ПФ-4453-сонли «Статистиқ, солиқ, молиявий дисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан кискартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги хдмда 2012 йил 18 июль ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди.

Бу фармонлар қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга хдмда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш хдмда Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мамлакатимизнинг барча минтакаларида бизнесни ривожлантириш учун янада кулай ишчан мухит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тусик ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш»га хизмат қилади.

Ушбу фармонлар Хоразм вилоятида вилоят, шахдр ва туман хокимликлари, иқтисодиёт, солиқ, молия, банк ва статистиқа органлари, савдо-саноат палатаси, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан урганилиб, уларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Шу йил 23 августда соҳа вакиллари иштирокида бир кунлик укув-семинари ташкил қилинди. Укув-семинарида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоят хокимлиги масъул

ходимлари, статистиқа, солиқ, адлия бошқармалари бошликлари маъруза килдилар, фармонларнинг мазмун ва мохияти, улардан келиб чикадиган вазифаларга ҳамда амалга ошириш зарур бўлган чора ва тадбирларга тухталдилар.

Фармонларни мазмун ва мохиятига назар ташласак, ПФ-4455-сонли фармонга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бошлаш ва руйхатдан утказиш билан боглик жараёнларни тезлаштириш борасида бир кагор тадбирларни амалга ошириш кузда тутилган. Булар:

1. Электрон ракамли имзо куллаган хрлда интернет тармоги оркали тадбиркорлик субъектларини (кредит муассасалари бундан мустасно) давлат руйхатидан утказиш механизмини жорий этиш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

- таъсис хужжатларини интерактив (масофадан туриб) расмийлаштириш оркали намунавий таъсис хужжатлари асосида руйхатдан утиш имкониятини яратиш;
- реал вақт ичида фирмани номланишини руйхатдан утказиш, СТИР ва КТУТни олиш;
- руйхатдан утказилган таъсис хужжатларни ва руйхатдан утказилганлик тўғрисидаги гувохномани электрон тарзда такдим этиш;

2. Курилишга рухсатномаларни олиш жараёнлари микдори, муддати ва кийматини қуйидагилар х,исобидан тубдан кискартириш:

- атроф мух,итга таъсир этувчи лойихд, топографик харита ва геологик хулосани ишлаб чиқиш, курилиш лойихдсини архитектура-шахарсозлик кенгаши билан келишиш, шунингдек, курилиш лойихдсини давлат экспертизасидан утказиш бўйича функцияларни лойихд ташкилотлари зиммасига утказиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан курилиш учун рухсатномаларни олиш муддатини ўртача 2 мартага кискартириш;

- курилиш учун рухсатномаларни бериш муддатини ўртача 5 мартага кичкдртириш.

3. Ер участкаларини ажратиш жараёнлари шаффофлигини ошириш, такрорланувчи, ортикча ва эскирган механизмларни чиқариб ташлаш макеадида ер майдонларини ажратиш тартибини келгусида мукаммал ишлаб чиқиш, бу борада илгор хорижий тажрибаларни атрофлича урганиш ва шу асосда «бир ойна» тамойили бўйича курилиш учун рухсатнома бериш механизмини жорий этиш

4. «Бир ойна» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларидан электртаъминот тизимига богланиш учун аризаларни қабул қилиш механизмини туман ва шахдр электр тармоклари тизимига тадбик қилиш, жумладан:

- электр тармокларига богланиш учун техник шартларни берилиши ва тайёрланиши;
- «Уздавэлектрназорат» ДИ ва ҳудудий электр тармоклари корхоналари электр таъминот лойихдсини лойихдлаш ташкилоти билан хдмкорликда келишиш;
- тугалланган объект қабул қилиниши ва электр тармоқдарининг бажарилган курилиши учун шартнома хулосаси.

5. Курилиш лойихаларини куриб чиқилишига манзилли ёндашувни таъминлаш билан курилаётган объектларни улчами ва хусусиятлари бўйича табакалаштириш хисобига курилиш учун рухсат бериш жараёнларини амалга оширилишида дифференциал ёндашувни тадбик қилиш (хавф-хатар тахдили).

Ваколатли орган томонидан объект курилиши учун такдим этилган аризага қонунчиликда белгиланган муддатда жавоб кайтарилмаслиги такдим этилган аризанинг макулланиши юзасидан тартиб урнатиш (бунда максимал хавф-хатарга эга объектлар мустасно)

6. Қуйидагиларни хисобга олган хрлда курилиш сохдси қонунчилигини модернизация қилиш ва тубдан янгилашни амалга ошириш:

- курилиш сохдсидаги амалдаги қонунчилик ва норматив йурикномаларни, шу жумладан, техник талабларни олишни инвентаризациядан утказиш;

- амалдаги барча қонунчилик ва норматив хужжатлар урнига ваколатли органларнинг у[за]ро муносабатларини, курилиш объектларига бўлган мажбурий норматив ва техник талабларни, жараёнларни амалга ошириш муддати ва кийматини тартибга солувчи ягона курилиш регламентини ишлаб чиқиш.

7. Истеъмол қуввати ва бошқа хусусиятларига кура тоифаланган объектларнинг Электртаъминот тизимига уланиш жараёнида курилиш (реконструкция) лойихдларини куриб чиқилишида манзилли ёндашувни таъминловчи табакаланган ёндашувни жорий этиш.

8. Кучмас мулкка эгалик қилиш хуқуқини руйхатга олишда зарур бўлган умумий жараёнларни кискартириш, «ягона ойна» тамойилига кура мулкка эгалик хуқуқини руйхатга олиш жараёнини комплекс информацион тизимдан фойдаланган х,олда 12 дан 1 га тушириш.

9. Қуйидагиларни хисобига мулкка эгалик хуқуқини руйхатга олиш муддатларини 7 кунгача кискартириш:

- кучмас мулк хисобини юритишни комплекс информацион тизимини кенг жорий қилиш;

- давлат кадастри органларининг эскирган ва бузилишга мулжалланган мулк бўйича ахборот алмашинувини йулга қуйишда давлат солиқ хизмати, архитектура, шунингдек нотариал идоралар билан узаро муносабатларини янада яхшилаш.

Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга қаратилган чора-тадбирлар:

1. Хўжалик субъектлари томонидан такдим этиладиган солиқ хисоботи шаклларини (йирик корхоналарга) 2,3 марта ва (кичик корхоналарга) 1,7

марта кискартириш, 2014 йилнинг охирига кадар барча тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий хцсоботларни электрон топшириш тизимига тула хажмли босқичма-босқич утказиш

2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни электрон шаклда тулаш тизимига босқичма-босқич утказиш, шунингдек, тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган масофавий электрон хизматларни молиявий химатларга тенглаштириш.

3. Умумбелгиланган солиқдарни туловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарни (акцизости товарлар ишлаб чиқарувчи ва фойдали казилмалар казиб олувчи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқлар туловчилардан ташкари) Давлат мақсадли жамгармаларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Таълим ва согликни сакдаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш жамгармасига мажбурий ажратмалар туловчилар тоифасидан чиқариб ташлаш.

Шунингдек, Фармонда ишбилармонлик мухцтини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида бир қатор муҳим вазифалар ва меъёрлар белгиланган. Бунга асосан:

- 2012 йил 1 августдан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ 22 та меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилиниши назарда тутилган;

- крнунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик мухцтини янада тубдан яхшилашга хдмда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдикданган.

Жумладан:

2012 йил 1 августдан бошлаб Давлат солиқ кумитаси хузуридаги руйхатга олиш Маркази томонидан электрон-ракамли имзони берганлик учун тулов энг кам иш хдкининг 20 фоизидан 10 фоизга туширилган;

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хдсоб ракамларидан солиқ ва бопща мажбурий туловларни ундирилишида, суд карорларига асосан суд ижрочилари томонидан худди шу карздорликни ундириш бўйича талаблар қўйилган бўлса, солиқ органлари томонидан қўйилган инкассани ижро этишни бекор қилиниши кузда тутилган.

Фармонларнинг ахдмиятли томони шундаки, уларда халқаро амалиётда қабул қилинган, давлат ва назорат килувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги узаро муносабатларнинг бевосита мулокотсиз электрон шаклларини хдмма жойда кенг татбик этиш белгилаб берилган.

Шу мақсадда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни уз х,ох,ишларига кура электрон шаклда амалга ошириш хуқуқига эга булиши кузда тутилган:

- банк хисобваракдарига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан "Интернет-банкинг" тизими оркали солиқларни ва бошқа мажбурий туловларни тулаш;
- юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш;
- "бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кучмас мулкка бўлган эгалик хуқуқдарини руйхатга олиш;
- тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш.

Тижорат банкларига, туловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг хисоб варакларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тулов микдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилган.

Янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат руйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан утказилмаслиги .

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқдарни ва бопща мажбурий туловларни уз вақтида тулаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг баркарор усиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ сохдсида текшириш такикланади.

Фармонларга мувофиқ, 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган 22 аниқ меъёр ва чора-тадбирлар амалга оширилади.

Булар:

- сув таъминоти ва канализация тармокларига уланиш учун рухсат бериш муддати 2 кунга кискартирилади;
- тадбиркорлик субъектларини телефон тармогига улаш умумий муддати 10 кунга камайтирилади;
- кредит ташкилотлари томонидан фукаролик ишлари судларига кредитлар, заёмлар ва бошқа карздорликларни ундириш бўйича даъво аризаси киритишда давлат божи ставкаси даъво суммасининг 20 фоизидан 2 фоизга туширилади;
- юкларни божхона расмийлаштируви муддати ва маҳсулотни келиб чиқиш сертификатини бериш муддати 3 кунга туширилади;
- юкори малакага эга бўлган хорижий фукароларга мехдат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш муддати 15 кунга кискартирилади;
- хўжалик ишлари судларига банкротлик тўғрисида иш кузгатиш бўйича ариза беришда давлат божи ставкаси энг кам иш хдки микдорининг 20 бараваридан 3 бараваригача туширилади;
- хўжалик юритувчи субъектлар учун давлат руйхатидан утгунга кадар устав жамгармасининг бир кисмини тулаш, бунда устав

жамгармасини бир йил давомида шакллантириш мажбурияти сакланиб колинади;

- банкларда х,исоб варагини очиш учун имзо намуналарини нотариусдан ^с^иклатиш, шунингдек микрофирмалар учун имзо намуналари карточкаларида иккинчи имзо (бухгалтер имзоси)нинг булиши шартлиги тўғрисидаги талаб бекор қилинади;
- импорт махрулотлари ишлаб чиқарилган давлатни тасдиклаш тартиботи бекор қилинади.

Крнунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик мухдтини янада тубдан яхшилашга хдмда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013 — 2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастурига 35 чора-тадбирларни амалга ошириш киритилган.

Булар:

1. Тадбиркорлик фаолиятини руйхатга олиш ва уни бошлаш билан боглик тартиботларни жадаллаштириш;
2. Кредитлаш тартиботларини ва кредит бюролари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар;
3. Инвесторларнинг хуқуқ ва манфаатлари хдмоясини кучайтириш;
4. Тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш;
5. Ташки савдо операцияларини амалга ошириш билан боглик тартиботларни либераллаштириш;

_6. Корхоналарнинг тулов кобилиятини тиклаш, шунингдек корхонани тугатиш тартиботларини янада соддалаштириш;

7. Ишга ёллаш ва мехдат муносабатлари билан боглик шарт-шароитларни такомиллаштириш;

8. Тадбиркорлик субъектларини хуку кий химоя қилиш чораларини кучайтириш.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида:

- мулкни руйхатга олиш тартиботлари сони 12 тадан 1 тагача;
- мулкни руйхатга олиш учун сарфланадиган муддат 78 кундан 7 кунгача;
- солиқ туловлари сони 41 тадан 7 тагача;
- экспортни амалга ошириш учун такдим этиладиган хужжатлар сони 6 тадан 4 тагача;
- импортни амалга ошириш учун такдим этиладиган хужжатлар сони 11 тадан 5 тагача кискартирилади.
- шартномалар ижросини таъминлаш бўйича суд хдражатлари даъво кийматининг 22,2 фоизидан 9 фоизигача камайтирилади;
- янги корхоналарни руйхатдан утказиш тартиботлари сони 6 тадан 3 тагача;
- янги корхоналарни руйхатдан утказиш учун сарфланадиган муддат 14 кундан 4 кунгача;
- курилиш учун рухсатнома олиш тартиботлари сони 25 тадан 12 тагача;
- электр таъминоти тизимига уланиш тартиботлари сони 9 тадан 5 тагача кискартирилади;
- янги корхоналарни ташкил этиш учун талаб этиладиган дастлабки хдражатлар микдори ахоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 27,2 фоизидан 0 фоизига туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистиқ, солиқ, молиявий хдсоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан кискартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли Фармонига мувофиқ 2012 йил 1 августдан бошлаб davom ноширлик фаолияти, курилиш лойихдларининг экспертизасини утказиш, архитектура-шахдрсозлик хужжатларини яратиш, магистрал газ кувурлари, нефть кувурлари ва нефть саҳсулотлари кувурларини лойидалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларни

таъмирлаш каби фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган холда берилади.

Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмаган деб хисобланади. Фармонга асосан:

Жорий йилнинг 3-чорагидан бошлаб, йирик корхоналар учун асосий воситалар хдракати тўғрисидаги х,исобот(3-сонли шакл) хдмда барча корхоналар учун дебиторлик ва кредиторлик карзлари тўғрисидаги маълумотнома(2а-сонли шакл);

2012 йил 1 августдан, 80 турдаги рухсат берувчи тартиблар ва 11 та фаолият тури учун лицензиялар;

2012 йил июль ойидан бошлаб, давлат органлари ва хўжалик бошқарув идоралари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган 50 турдаги бошқа хдсоботлар;

2013 йил 1 январдан бошлаб, 65 турдаги статистиқ хисоботлар бекор қилиниши белгилаб қўйилган.

2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ хисоботлари, 23 турдаги статистиқ ва 20 турдаги бошқа хцсоботларни такдим этиш даврийлиги кискартирилиши назарда тутилди.

Бундан ташкари, 2013 йил 1 январдан бошлаб, давлат солиқ хизмати органларига такдим этиладиган 11 турдаги солиқ хдсоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб, 5 тага туширилган.

Жумладан, фойда солиги билан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, ягона ижтимоий тулов билан фукароларнинг бюджетдан ташкари пенсия жамармасига сугурта бадали, бюджетдан ташкари пенсия, йул хдмда таълим ва согликци сакдаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихрзлаш жамгармасига мажбурий ажратмалар бўйича хисобот шакллари бирлаштирилган.

Яна бир муҳим масала, 2013 йил 1 январдан бошлаб:

- қўшимча фойда солигидан ташкари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий туловлар бўйича ойма-ой солиқ хисоботини такдим этиш бекор қилинади;
- микрофирмалар йиллик статистиқ хисобот такдим этадилар, бунда статистиқа органлари хар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва сохдлари бўйича танланма урганишлар утказади.

Фармонга асосан 23 та давлат статистиқа хдсоботларининг такдим этиш даврийлигини кискартириш белгиланган.

Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари учун хдсоботлар тизими сезиларли даражада кискартирилмоқда. Бунда, микрофирмалар томонидан бир йилда 4 марта урнига факат 1 марта, фермер хўжаликлари томонидан 5 марта урнига йилда 3 марта хисоботлар такдим этилади.

Шунингдек, мазкур Фармон билан, 2013 йилдан бошлаб микрофирмаларнинг факат йиллик хдсобот такдим этишлари, унинг урнига микрофирмаларда танлама кузатувларни утказиш тартиби белгилаб қўйилди.

Микрофирмаларда танлама кузатувлар - бу статистиқ кузатув булиб, статистиқа органлари микрофирмаларнинг бир кисмида хар чораклик суровлар утказиш натижалари асосида, барча микрофирмалар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида хулосалар тайёрлайдилар.

Микрофирмаларда утказиладиган кузатувлар асосида:

- йилда бир марта микрофирмалар фаолияти тўғрисида давлат статистиқа хисоботлари йигилади ва тахдил этилади;
- тахдиллар натижасига кура, математик эхтимоллик усулларини куллаган х,олда, х,ар бир ҳудуд бўйича х,ар чоракда микрофирмаларнинг бир кисми танлаб олинади;
- танлаб олинган микрофирмаларга ҳудудий статистиқа органлари томонидан кузатув бланкалари юборилади;
- тулдирилган бланк ҳудудий статистиқа органига кдйтарилади;

- статистиқа органлари томонидан тулдирилган бланклар асосида, махсус методика бўйича, хдр бир ҳудуддаги микрофирмалар фаолиятини бахрлаш амалга оширилади.

Танлама кузатувларнинг афзалликлари шундаки, улар натижасида:

- кузатувлар нисбатан киска муддатларда ва тадбиркорлик субъектларига минимал огирлик билан утказилади;
- жамланма статистиқ ахборотларни олиш тезкорлиги ошади;
- кузатувларнинг кичик доирада утказилиши, маълумотларда утказиб юбориладиган хатолар сонини камайтиради ва бирламчи маълумотлар янада ишончли булади.

Шу билан бирга, мазкур фармонда хисоботларни топширишнинг электрон тизимига утиш масалаларига алохида эътибор берилган булиб, унга асосан 2014 йилга бориб барча хисоботларни электрон шаклда такдим этиш мумкин булади. Хрзирги кунда, Интернет тармогидаги Давлат статистиқа кумитасининг расмий сайта оркали 34 та давлат статистиқа хисоботини электрон шаклда такдим этиш имконияти яратилган.

Умумий кискартиришларни иқтисодиёт тармоклари бўйича тахдил килсак, статистиқа хисоботлари шакллари сони 1,4 марта, йил давомида такдим этиш сони 2 марта, солиқ хисоботлари бўйича мое равишда 1,4 марта ва 2,2 марта, молия хисоботлари бўйича 1,5 марта ва 1,5 марта, бошқа хисоботлар бўйича 1,7 марта ва 3 марта рухсат бериш тартиб таомиллари бўйича 1,3 марта, лицензиялаш бўйича 1,25 мартани ташкил қилади.

Ушбу Фармонлар» Хоразм вилояти иқтисодиётини баркарор ривожлантириш, минтакада тадбиркорликни кенг қўллаб қувватлаш, _^ уларнинг янада экин фаолият юритиши учун кулай ишбилармонлик мухдггини яратиш ва шу асосда ахрлини турмуш даражасини оширишда мухдм омил булиб хдзмат қилади.

Мамлакатимизда кичик тадбиркорликнинг янада кенг ривожланиши учун яратилаётган имкониятлар натижасида, вилоятда юридик шахе

макомига эга бўлган кичик бизнес субъектлари сони 2000 йилдаги 6,3 мингтадан 2011 йилда 9,5 мингтага етган.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2000 j йилдаги 34,2 фоиздан 2011 йилда 74,1 фоизга, бандлар сонидаги улуши эса 43,4 фоиздан 78,8 фоизгача ошиб, республика кўрсаткичидан баланддир.

Вилоятда 2003 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 4,8 млн. АКД1 доллари микдорида экспорт амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 14,6 млн. АКД1 долларини ташкил этди.

Вилоятда Ушбу фармонларни мазмун ва мохиятини тадбиркорлик субъектларига, ахрлининг барча кдтламларига етказиш мақсадида щтисодиёт, банк, молия, солиқ тизими вакиллари, олий укув юртлари профессор-укитувчилари, вилоят, шахар, туман депутатларини жалб қилган хрлда таргибот-ташвикот гурухдари тузияташ, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, фукаролик жамияти институтлари томонидан Фармонларни ижросини таъминлаш юзасидан жамоатчилик назоратини ўртатиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Фармон билан тасдикданган қонунчиликни такомиллаштириш ва тадбиркорлик мухдтини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастурини уз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ижро хокимияти органлари рах,барларини масъулиятларини ошириш, халқ депутатлари вилоят, шахдр, туман Кенгашлари сессияларида, доимий комиссиялар йиғилишларида, фукаролар йигинлари мажлисларида мунтазам равишда хдсоботларини эшитиб бориш, бу жараёнга оммавий ахборот воситаларини кенг жалб қилиш йулга қўйилмоқда.

Бу тадбирларни амалга оширилиши вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янги поғонага кўтарилишга, ахолини моддий фаравонлигини янада ошишига олиб келади.

## III-БОБ. МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

### 3.1. Минтақа рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестициялаш хусусиятлари

Республика Президенти И.Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди. Эътиборлиси, у тобора такомиллаштирилиб, юртимизда чет эллик ишбилармонларнинг бизнес фаолиятини юритиши учун кенг кўламдаги имтиёзлар ва афзалликлар жорий қилинаяптики, бу ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилингани бунинг ёрқин исботидир.

Таҳлилларга қараганда, ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми йил сайин кўпайиб, унда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ошиб бораётгани, айниқса, 2012 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар 9,6 фоизга кўпайди.

Жалб этилаётган инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши чет эллик инвесторларнинг республика иқтисодиётининг барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бу дунёнинг аксарият давлатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш йўлларини излаш билан банд бўлиб турган, мавжуд иш ўринлари ёпилиб, ишсизлик даражаси ортаётган, инвестициялар оқими сусайиб бораётган бир пайтда юртимизда узоқни кўзлаб, босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳаётийлиги, Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги билан ҳам изоҳланади. Натижада 2012 йил сентябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларига киритилган инвестициялар ҳажми 15,3 триллион сўмни ташкил этади. Унинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар эканлиги эътиборга моликдир.

Республикамизда хорижий инвесторлар, шу жумладан, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар сарфлаётганлар учун мақбул даражада қулай шароит яратиб бериш йўлидаги ислоҳотлар изчил равишда давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу жараёнда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Бу ҳужжатга асосан, тақдим этилаётган имтиёзлар янги-янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармояси иштирокида ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш, мавжудларини замон талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келмоқда. Бу тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламларини кенгайтиришга қўшимча чора тадбирларнинг амалий самарасидир.

Янги лойиҳалар иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари – енгил, озиқ-овқат, кимё, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, машинасозлик саноати ва бошқа йўналишларда амалга оширилган бўлса, Тошкент шаҳрида иш бошлаган "Rieter Uzbekistan" хорижий корхонаси – шулардан биридир. Тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур йирик лойиҳа "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Швейцариянинг дунёга машҳур "Rieter AG" компанияси ҳамкорлигида рўёбга чиқарилди. Бунинг учун 3,85 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиниб, корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилди.

1795 йилда ташкил этилган "Rieter AG" бугунги кунда жаҳон бозорида тўқимачилик машиналари ва асбоб-ускуналари етказиб берувчи етакчи компания ҳисобланади. Унинг дунё бўйича 6 та асосий ишлаб чиқариш заводи мавжуд бўлиб, шулардан бири Ўзбекистонда фаолиятини йўлга қўйгани иқтисодий салоҳиятимиз юқорилиги, барқарор тараққиётимиз ифодасидир.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган салбий ҳолатларга қарамай, жадал ривожланиш суръатини сақлаб қолган давлатлардан бири ҳисобланади. Айниқса, тўқимачилик саноатида барқарор ўсиш суръатлари кузатиляпти. Бу Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, хорижлик инвесторлар учун кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилгани шарофатидир.

Енгил саноатда ҳар йили ўнлаб ана шундай лойиҳалар амалиётга тадбиқ этилиши ҳисобига ўзлаштирилаётган сармоялар ҳажми ҳам ошиб бораяпти. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами тантаналари арафасида "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси тизимида 17 та янги корхона ишга туширилгани, бунинг учун 101,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилгани бунинг тасдиғидир.

Шулар қаторида вилоятимизнинг Шовот туманида ишга туширилган "Ўзтекс Шовот" саноат корхонаси ҳам бор. Бу корхона йилига 5 минг тонна пахта толасини қайта ишлашга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ана шу истиқболли лойиҳалар шарофати билан минтақаларда минглаб янги иш ўринлари яратилиб, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсади. Натижада минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлиги таъминланиб, инвестициявий жозибадорлиги ошади, ҳалқни моддий фаровонлиги янада юксалади.

Бугунги кунда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берувчи муҳим кучга айланиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда»[43].

**43 Узбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан**

Республикамизда кичик бизнес субъектларига имтиёзли микромолиявий хизматлар курсатишга ихтисослашган алохида кредит муассасаси - Микрокредитбанкнинг ташкил этилганлиги ва унинг фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги мазкур сохани ривожлантириш нукта-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Айни вактда, кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш бевосита уларнинг ишлаб чикариш жараёнини техник ва технологик жиҳатдан кайта куроллантиришга боглик. Бу эса, уз навбатида, уларнинг инвестицион харажатларини молиялаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Жумладан, кичик бизнес субъектлари фойдасининг капиталлашиш даражаси паст булиб, улар фойдасининг аксарият қисми жорий харажатларни молиялаштиришга йуналтирилмоқда. Шунингдек, кичик бизнес субъектларида юкори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида тажрибанинг етарли эмаслиги уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш хажмини оширишга тускинлик килмоқда.

Бундан ташкари, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражаси паст. 2012 йилнинг 1 январь холатига, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан барча мижозларга берилган узок муддатли инвестицион кредитлар умумий хажмида кичик бизнес субъектларига берилган инвестицион кредитларнинг улуши атиги 25,6 фоизни ташкил этди[44]. Хрлбуки, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 54,0 фоизи кичик бизнес сохдеида яратилмоқда, 2012 йилда янги иш уришгарининг 64 фоиздан ортиқ қисми ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасида яратилиши кузда тутилмоқда[45].

А.Вахабовнинг илмий хулосасига кура, кичик бизнес субъектлари балансида юкори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги сабабли,

---

**хисобланди.**

**'Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги боскичга кутарадиган йил булади. -Тошкент.Узбекистон, 2012. Б.-18.**

Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес субъектлари учун ажратилган имтиёзли кредитлар тулик узлаштирилмасдан крлмоқда. Шу сабабли, ишлаб чикаршнан маҳсулотларини экспорт киладиган кичик бизнес субъектларининг экспорт жараёни билан боглик харажатларини молиялаштириш мақсадига бериладиган тижорат банклари кредитлари буйича давлат томонидан кредит кафолатларини жорий қилиш лозим[46].
Фикримизча, А.Вахабовнинг мазкур илмий хулосаси амалий аҳамият касб этади, бу эса, ва тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилаётган экспорт кредитлари хажмининг ошишига олиб келади.

Л.Зойиров кичик бизнес субъектларини инвестициялашнинг долзарб масалаларидан бири бўлган лизинг асосида молиялаштириш масаласини тадкик килган ва катор илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан. Жумладан, унинг кичик бизнес субъектларига банклар томонидан бериладиган лизинг кредитлари хажмини давлат маблағлари хисобидан ошириш хусусидаги таклифи муҳим аҳамиятга эга. Аммо, Л.Зойировнинг кичик бизнес субъектларига банклар ва лизинг компаниялари томонидан бериладиган лизинг кредитлари фоиз ставкаларининг юкори чегарасига лимит белгилаш тугрисидаги таклифини мунозарапи, деб хцеоблаймиз. Чунки, кредитларнинг фоиз ставкаларига лимит белгилаш кредит ресурелари харакатини издан чикариши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи бобида республикамизда кичик бизнесни инвестициялашнинг амалдаги холати таҳлил килинди ва мавжуд тенденциялар аникланди,

1-жадвал

Кичик бизнесни инвестициялашнн тавсифловчи курсаткичлар

| Курсаткичлар | Иилла | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгарипти |
|---|---|---|

**46 Вахабов А.В. Банклар томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиёти: замонавий холати ва ривожлантириш йуналишлари /'/«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш амалиётини такомиллаштириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси матриаллари - Тошкент: Молия. 2011. — Б. 41-42.**

| | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капитал!ажалб килинган инвестициялар микдори, млрд. сум | 893,2 | 1365,3 | 2055,2 | 4745,8 | 5788,4 | 6,5 марта |
| Асосий капитал га жалб килинган инвестицииларда кичик бизнеснинг улуши, % | 16,3 | 15,9 | 16,4 | 30,8 | 31,6 | 15,3 ф.п. |
| Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган бир сумлик инвестициялар! а тугри келадиган маҳсулот микдори, сум | 14,4 | 13,0 | 11,7 | 8,6 | 9,1 | 63,2 % |

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият курсатаётган кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга жалб килинган инвестшшяларнинг микдори 2007 йилга нисбатан юкори даражада усди. Шунингдек, таҳлил килинган давр мобайнида республика буйича асосий капиталга жалб килинган инвестицияларнинг умумий хажмида кичик бизнеснинг улуши сезиларли суръатда (15,3 ф.п.) усди. Мазкур холатлар кичик бизнес субъектларини инвестициялашни ривожлантириш нуктаи-назаридан ижобий холат хисобланади. Аммо, 2011 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган бир сумлик инвестицияларга тугри келадиган маҳсулот микдори 2007 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, кичик бизнес сохасига жалб килинган инвестициялар микдори билан уларнинг самарадорлиги ўртасида маълум номуганосибликнинг мавжудлигидан далолат беради.

Узок муддатли активлар хажмида янги техника ва технологияларга жалб килинган инвестициялар салмогининг юкори эканлиги инвестицион

харажатларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш жиҳатидан ижобий холат хисобланади.

3-жадвал
Кичик бизнесни кредитлаш амалиёти[47]

| Курсаткичлар | Ииллар | | | | | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | |
| Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар, млрд. сум | 743,7 | 1250,8 | 1851,7 | 2690,2 | 4377,0 | 5,9 марта |
| Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар, млрд. сум | 110,0 | 252,0 | 322,1 | 485,0 | 752,3 | 6,8 марта |
| Кичик бизнес субъектларига банклар томонидан ажратилган кредитларнинг умумий хажмида уларга берилган микрокредитларнинг салмоги, % | 14,8 | 20,1 | 17,4 | 18,0 | 17,2 | 2,4 ф.п. |
| Микрокредитбаик томонидан кичик бизнес субъектларига курсатилган имтиёзли микролизинг буйича микромолиявий хизматлар, млрд. сум | 42,6 | 63,5 | 90,8 | 121,4 | 159,7 | 3,7 марта |

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар микдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Ушбу тенденциянинг

**47 Узбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.**

мавжудлиги банклар томонидан кичик бизнесни кредитлаш сиёсати изчиллик билан давом эттирилаётгашшгидан далолат беради.

Шунингдек, 3-жадвал маълумотларидан кичик бизнес субъектларига банклар томонидан ажратилган кредитларнинг умумий хажмида уларга берилган микрокредитларнинг салмоги 2011 йилда 2007 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги кўриниб турибди. Бу эса, фикримизча, Микрокредитбаик томонидан берилаётган кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкасига эга эканлиги ва таҳлил килинган давр мобайнида банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар хажмининг ўсиш суръати брутто кредитлар хажмининг ўсиш суръати юкори бўлганлиги билан изохланади.

- Республикамизда 2012 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга жалб килинган инвестициялар микдори 2007 йилга нисбатан юкори даражада усганлиги, мамлакат буйича асосий капиталга жалб килинган инвестициялар умумий хажмида кичик бизнеснинг улуши сезиларли даражада ошганлиги ушбу субъектларни инвестициялашни ривожлантириш нуктаи-назаридан ижобий холат хисобланади. Лекин, мазкур даврда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган бир сумлик инвестицияларга тугри келадиган маҳсулот микдорининг сезиларли даражада пасайганлиги уларни инвестициялаш микдори билан самарадорлиги ўртасидаги номутаносибликнинг мавжудлигини курсатади.

- Кичик бизнес субъектлари устав капиталининг уз маблағлари хажмидаги салмогини ошириш мақсадида улар фойдасининг капиталлашиш даражасини ошириш лозим.

- Кичик бизнес субъектлари жорий ликвидлилик даражаси пасайишига йул куимаслик мақсадида, биринчидан, жорий активларнинг ўсиш суръатини жорий пассивларнинг ўсиш суръатидан ортда колишига йул куимаслик лозим; иккинчидан, дебитор карздорликнинг айланиш тезлигини ошириш лозим; учинчидан, улар томонидан юкори ликвидли кимматли когозларга инвестиция жалб қилишни амалга ошириш зарур.

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасининг заиф эканлигини хисобга олган холда, уларнинг хиссали иштирок этишидаги инвестициялари хажмини ошириш йули билан кичик бизнес субъектларини инвестициялаш имкониятини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

- Мамлакатимиз ҳудудида кичик бизнес сохасига инвестициялар жалб этиш жозибадорлигини ошириш мақсадида уларнинг пул окими барқарорлигига эришиш, хорижий валютадаги мажбуриятлар буйича туловлар узлуксизлигини таъминлаш ва экспорт операцияларини молиялаштириш буйича кафолатлар бериш лозим.

## 3.2. Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш ва минтақавий кластерлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун давлат бюджети, ҳалқаро молия институтлари, маҳаллий бюджет, тижорат банклари, микромолиялаш ташкилотлари, хусусий инвесторлар ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағларидан самарали фойдаланиш муҳим хисобланади.




Расм. КБХТ субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг кўп даражали молиялаштириш механизми модели

Бундай тарзда қўллаб-қувватланиш уларнинг рақобатбардошлиги оширилишига, техник ва технологик базаси янгиланишига, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини камайтириш ва диверсификация қилинишига, меҳнат унумдорлиги, фойда ва рентабеллик даражаси ошишига эришилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва уларни рағбатлантириш

мақсадида қуйидаги чора - тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– иқтисодий барқарор ўсишнинг узоқ муддатли суръатлари ва иқтисодий мувозанатни таъминлашга хизмат қилувчи маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш;

– иқтисодиётни диверсификациялаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига йўналтирилган соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлашни амалга ошириш;

– қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

– аҳолининг иш билан бандлигини тизимли таъминлаш, тадбиркорлар манфаатидан келиб чиқиб, банклар тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бўш маблағларини тижорат банклардаги депозитларга жалб қилинишини рағбатлантириш;

– рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

– қишлоқларда вужудга келаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари - мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармон субъектлар манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш ва бошқалар.

Бу борада тараққий этган мамлакатлар илғор тажрибаларидан фойдаланиб, аутсорсинг корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Айнан шундай инновацион характерга эга бўлган корхоналарни шакллантириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, самарадорлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ аутсорсинг хизматлари биринчидан, рақобат бозорига чиқиш ва янги информацион технологиялар ривожланиш жараёнида маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг янги турларини яратишга, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни эгилувчанлигини кучайтириб, маҳсулотлар диверсификациясини амалга оширишга, учинчидан, нисбатан кам ҳаражатлар сарфлаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритишга хизмат қилади. Ана шу мақсадда минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, IT-аутсорсинг бозорини шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса, вилоятларнинг иқтисодий технологик қуролланиш даражасини юксалтиришга, молиявий жиҳатдан ресурслари чекланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини IT-технологая ресурсларидан самарали фойдаланишга бўлган этиёжларини тўлиқроқ ҳамда нисбатан арзонроқ қондиришга хизмат қилади.

Минтақаларнинг рақобатбардошлигини ўрганишнинг асосий йўналиши уни миқдорий жиҳатдан баҳолаш ҳисобланади. Баҳолаш турли услубий ёндашувлар асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу услубий ёндашувлар кўп жиҳатдан рақобатбардошликни тармоқлараро баҳолаш билан ўзаро боғлиқдир. Саноатнинг (тармоқлар ва товарлар) рақобатбардошлигини баҳолашнинг энг оммалашган усуллари қуйидаги 3.2.1- чизмада келтирилган.



**Чизма. 3.2.1. Саноатнинг рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари[48]**

Халқаро молия ташкилотлари томонидан мамлакатларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш учун 381 та кўрсаткичдан фойдаланиладиган кўп омилли моделдан фойдаланилади. Бунда кўрсаткичлар саккизта умумлаштирилган омилларга гуруҳлаштирилган (иқтисодий салоҳият, ташқи савдо, давлат томонидан тартибга солиш, молия-кредит тизимлари, инфратузилма, бошқарув тизими, илмий-техникавий салоҳият, меҳнат ресурслари)[49].

Мамлакатлар рейтингини аниқлаш услубини минтақаларнинг рақобат ўрнини аниқлашда ҳам қўллаш мумкин. Унинг моҳияти минтақаларнинг нисбий ўрнини тавсифлайдиган алоҳида кўрсаткичларни умумий кўрсаткичларга умумлаштиришдадир.

Шунинг билан бирга алоҳида тадқиқотчилар ва мутахассислар томонидан рақобатбардошлик кўрсаткичлар тизими турлича танланади ва умумлаштирилади. 3.2.2 – чизмада минтақаларнинг рақобатбардошлигини индекс орқали баҳолаш услубиётлари келтирилган.

Умуман олганда, минтақалар рақобатбардошлигини баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга асосланган турли услублари мавжуд.

Бизнингча, минтақанинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан салоҳиятнинг мавжудлиги ва даражаси билан аниқланади. Айнан салоҳиятни баҳолаш моделларига асосланган ёндашув минтақанинг рақобат устуворликларини аниқ кўрсатиб беради. Бунда минтақанинг рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий турдаги салоҳиятларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Минтақа рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатувчи асосий салоҳиятлар қуйидагилар ҳисобланади: табиий ресурслар салоҳияти, инсон омили, молиявий, экологик ва институционал ўзгаришлар.

---

[48]Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида тузилган.

[49] Проблемы и перспективы конкурентоспособности региональной экономики (материалы республиканского научного семинара). – Ташкент, 2004. – С. 12.

Рақобатбардошлик даражасини оширишнинг бошланғич босқичида географик жойлашув, агроиқлим шароитлари, ер-сув, минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларини ўзида жамловчи табиий ресурслар салоҳияти асосий роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ушбу омилларидан фойдаланиш даражаси жамиятнинг инновацион-ривожланиш моделига ўтилиши муносабати билан нисбатан пасайиши мумкин.




**Чизма. 3.2.2. Минтақалар рақобатбардошлигини индекс орқали баҳолаш**[50]

---

[50] Манба: Ларина Н.И. Кластеризация как путь повышения конкурентоспособности регионов / ЭКО. - 2006. - №10. – 18-19 с.

Кўплаб минтақашунос олимларнинг фикрича, минтақаларнинг рақобатбардошлиги биринчи навбатда уларнинг географик жойлашуви ва ресурсларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Халқаро тажрибалар, шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, географик жойлашув ва ресурсларнинг нисбий афзалликлари аниқлангандан кейин минтақаларнинг ўзаро рақобати вужудга келган[51].

Шунингдек, минтақанинг рақобатбардошлиги аҳолининг турмуш даражаси, инфратузилмаларнинг ривожланиши, экологик ҳолат ва бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Минтақанинг рақобат устуворлигини фақат ундаги табиий салоҳият ва фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги билан боғлаш нотўғри бўлади. Ҳозирги шароитда минтақанинг нисбий рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишнинг мукаммал механизмлари ва дастурларини ишлаб чиқишда, белгиланган мақсадларга эришишда давлатнинг фаол аралашуви зарурдир.

М.Портер ўзининг кенг оммалашган тадқиқотида рақобатбардошликни оширишнинг механизми сифатида “саноат кластерлари” тушунчасини киритади. Шундан сўнг олимлар кластер тушунчасини янада кенгроқ талқин эта бошлашди ва турли таърифлар беришди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий олимларнинг ишланмаларида кластернинг 20 дан ортиқ таърифини кўриш мумкин. Кластернинг моҳияти қуйидаги таърифда нисбатан кенгроқ ёритилган: Кластер бу – ўзида қиймат ҳосил қилувчи ягона занжир доирасида бозор институтларини ва истеъмолчиларни, мустақил ишлаб чиқариш сервис шаклларини, таъминотчиларни, технология ва ноу-хаулар яратувчиларни ўзаро бирлаштирувчи тизимдир[52].

Илмий адабиётларда кластер билан боғлиқ бўлган, уни ишлатиш объектини ҳисобга олган ҳолда турли терминлар ишлатила бошланди.

Шундай қилиб, минтақавий, саноат, ташқи иқтисодий, географик ва бошқа кластерлар пайдо бўлди. Олимлар ўртасида кластерларни ташкил

---

[51] Маергойз И.М. Территориальная структура хозяйства.– Новосибирск: Наука, 2001. - С. 308.

[52] Афанасьев М. Мировая конкуренция и кластеризация экономики // Вопросы экономики. – 2005. - №4. - 75-86 с.

этишда саноат зоналари, тармоқлараро мажмуалар, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари орасида боғлиқлик бор, деган фикр ҳам мавжуддир[53].

Турли фикр ва мулоҳазаларни ўрганган ҳолда биз минтақавий кластерга қуйидагича таъриф бердик: Минтақавий кластер – бу аниқ бир минтақада рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи, ўзаро алоқадор ва бир-бирига географик жиҳатдан яқин жойлашган корхоналар гуруҳидир.

Минтақавий кластер тушунчаси биринчи марта америкалик иқтисодчи М.Эрнейт томонидан киритилди. Унинг фикрича, минтақавий кластер – бу саноат кластери бўлиб, кластердан иштирокчи фирмалар географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган бўлиши лозим[54].

МДҲ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда мамлакат ва минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширишда кластер услубидан фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда. Минтақавий кластер сиёсатининг асосий йўналишлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-минтақаларда кластернинг таркиби ва шаклини аниқлаш, минтақа иқтисодий ўсишига уларнинг таъсирини баҳолаш;

-юқори имкониятли минтақавий кластерлар учун ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш;

-кластерларни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини шакллантириш;

-ташқи бозорларга чиқиш учун кластер корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

-алоҳида минтақаларда кластерларни ривожлантириш истиқболларига бағишланган таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш.

Кластерларда гуруҳлар орқали ўзаро алоқадор компанияларни технологиялар, ахборотлар, хомашёлар, истеъмолчилар ва сотиш каналлари

[53] Малов В.Ю. ТПК и кластеры / ЭКО. – 2006. - №11. - 2-7с.
[54] Ларина Н.И. Кластеризация как путь повышения конкурентоспособности регионов / ЭКО. – 2006. - №10. – 8 с.

каби мавжуд ресурслар бирлаштиради. Бу эса уларга юқори самарадорлик билан фаолият юритишларига имкон беради.

Кластерда иштирок этиш эвазига компаниялар бозор имкониятларини кенгайтириш, маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ бўлган ўсиб бораётган харажатларни пасайтириш, бошқариш ва ижара, молиявий институтлар рейтингини оширишда ва инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш кабилардан манфаатдор бўлишади.

Минтақавий даражадаги кластерларни ташкил этиш тажрибалари Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кластерларни ташкил этишга асосланган минтақавий саноат сиёсати Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Корея Республикаси, Сингапур ва Япония каби мамлакатларда ўз самарасини бермоқда. Ушбу мамлакатларнинг барчасида кластерларнинг муваффақияти асосан қулай меъёрий-ҳуқуқий асоснинг ташкил этилганлиги, шунингдек, инновацион салоҳиятдан кенг кўламда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Минтақавий кластерларнинг самарадорлиги уч асосий иштирокчилар – давлат, хусусий компаниялар ва илмий-тадқиқот марказларининг ўзаро ҳамкорликлари билан изоҳланади.

Кластерлаштиришнинг ижобий томонларини умумлаштирган ҳолда, минтақавий хўжаликлар ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги услубий ёндашувни таклиф этиш мумкин (3.2.3 - чизма).

Минтақада кластерларни шакллантириш бўйича ҳаракат босқичлари аниқ бир корхонанинг рақобатбардошлигини, манфаатдор компания ва фирмаларнинг мақсадли гуруҳни ташкил қилиш имкониятларини баҳолашдан бошланади. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, рақобатбардошликнинг асосий омиллари, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг қувватлари, малакали ишчи кучининг мавжудлиги босқичма-босқич тарзда чуқур таҳлил қилинади.

Минтақа иқтисодиётининг кучли ва кучсиз томонлари, унинг нисбий устуворликлари аниқланади. Минтақа иқтисодиётининг барқарор

ривожланишига таъсир этадиган ташқи омиллар, ташқи бозорлар коньюнктураси алоҳида кўриб чиқилиши лозим.

Минтақани мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясига чамбарчас боғлиқ ҳолда кластернинг рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқиш, минтақавий кластерни ташкил этишнинг аниқ механизми ва мониторинг тизимини аниқлаш асосий босқич ҳисобланади.

Рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими

↓

Маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш

↓

Манфаатдор компания ва фирмалар иштирокидаги мақсадли гуруҳларни ташкил этиш

↓

Корхоналарнинг ихтисослашувини, иқтисодий ва инвестицион ҳолатни таҳлил қилиш

↓

Минтақалардаги инфратузилмаларни ва ижтимоий шарт-шароитларни таҳлил қилиш

↓

Минтақа иқтисодиётининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш

↓

Минтақа иқтисодиётига таъсир кўрсатувчи ташқи омилларни таҳлил қилиш

↓

Рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқиш

↓

Рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқиш

↓

Кластерларни ташкил этиш ва мониторинг қилиш механизмларини ишлаб чиқиш

**Чизма. 3.2.3. Кластерлаштириш асосида минтақаларнинг рақобатбардошлигини ошириш босқичлари**[55]

Умуман олганда, минтақа иқтисодиётини тартибга солишни унинг рақобатбардошлиги тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш янги илмий йўналиш ҳисобланади.

---

[55] Якубов И.А. Конкурентоспособность экономике регионов Т.:"Ўзбекистон, 2006."

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, минтақаларнинг рақобатбардошлиги назариясидан фойдаланиш ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини амалга ошириш, ислоҳ қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш моделларини амалиётда қўллаш, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон шароитида минтақаларга инвестицияларни жалб қилишда ва уларнинг стратегик заҳираларидан фойдаланишда давлат томонидан қўллаб-кувватлаш механизмлари орқали нисбий афзалликлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўплаб услубиётларнинг орасида минтақаларнинг нисбий устуворликларини нисбатан тўлиқ очиб бера оладиган салоҳиятлар орқали уларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш энг оқилона усул ҳисобланади.

Рақобатбардошликнинг асосий элементи кластерлар ҳисобланади. Турли мамлакатларда шаклланган кластер сиёсати ҳозирда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмокда. Кўплаб терминлар ва тушунчаларнинг орасида минтақавий кластер ўзида рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи ўзаро географик яқин жойлашган ва алоқадор корхоналар гуруҳини акс эттиради.

Кластерлар орқали минтақаларнинг рақобатбардошлигини босқичма-босқич ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва аниқ бир минтақанинг нисбий рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мумкин.

Минтақалар рақобатбардошлигини оширишда иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг узоқ келажакка мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий стратегияси минтақалар рақобатбардошлигини хисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим. Унда мамлакатнинг турли минтақаларидаги табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий тафовутлар ҳисобга олиниши

лозим ва улар давлат сиёсатининг барча йўналишларида акс эттирилиши керак. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ва нисбатларини кўп жиҳатдан минтақавий омиллар белгилаб беради.

Умуман олганда, рақобатбардош минтақалар мамлакатда барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларининг бош манбаи ҳисобланади ва янада мутаносиб ривожланишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

## 3.3. Минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари

**Равшанов Абдисалом**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ўзбекистонда 2000-2011 йилларда кичик бизнес жадал ривожланиш тенденциясига эга бўлди. Шу даврда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 238,3 фоизга, жумладан, амалда фаолият юритаётганлари сони 149,3 мингтадан 454,1 мингтагача, яъни 3,1 баробарга, уларда иш билан бандлар сони эса 1,9 баробарга ўсди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Кичик бизнес субъектларининг ривожланиш кўрсаткичлари**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
| Рўйхатга олинган КБХТ субъектлари, мингта | 182,9 | 308,7 | 384,1 | 422,3 | 435,9 | 452,9 | 459,5 | 461,2 |
| Амалда фаолият юритаётган КБХТ субъектлари, мингта | 149,3 | 268,6 | 346,1 | 391,9 | 398,6 | 422,9 | 425,0 | 427,3 |
| КБнинг рўйхатга олинганлар сонидаги улуши, % | 81,6 | 87,0 | 90,1 | 92,8 | 91,4 | 93,4 | 93,6 | 93,9 |
| КБ субъектларида иш билан банд бўлганлар, минг киши | 4467,1 | 6679,0 | 7258,6 | 7682,5 | 8024,1 | 8402,3 | 8639,3 | 8914 |
| КБнинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши, % | 49,7 | 64,5 | 69,3 | 71,9 | 73,1 | 73,9 | 74,3 | 74,8 |
| КБ субъектларининг ЯИМдаги улуши, % | 31,0 | 38,2 | 42,1 | 45,3 | 48,2 | 50,1 | 52,4 | 54,0 |
| Экспортдаги улуши, % | 10,2 | 6,0 | 10,7 | 14,7 | 12,3 | 14,6 | 13,6 | 18,8 |
| Импортдаги улуши | 27,4 | 32,4 | 34,5 | 34,5 | 38,5 | 42,5 | 36,6 | 37,4 |
| 1000 кишига фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари | 5,7 | 10,3 | 13,2 | 14,7 | 14,7 | 15,0 | 15,1 | 15,2 |
| Ажратилган кредитлар ҳажми, млрд. сўм | 102,90 | 419,9 | 547,4 | 743,7 | 1250,8 | 1851,7 | 2690,2 | 3536 |

2000-2011 йиллар мобайнида республикамизда фаолият юритаётган бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтганлар сонидаги улуши 81,6 фоиздан 93,6 фоизга ўсди. Шу йилларда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар умумий сонидаги улуши 47,9 фоиздан 74,8 фоизгача ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миллий иқтисодиёт тармоқлари ялпи маҳсулотидаги улуши ҳам ўсиб бормоқда. Масалан, уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 1999-2011 йилларда 10,5 фоиздан 21,0 фоизгача, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотидаги улуши эса 68 фоиздан 97,9 фоизгача, қурилишда 37 фоиздан 70,4 фоизгача, савдода эса 45,3 фоиздан 47,0 фоизгача ўсди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнеснинг улуши, %**

| Тармоқлар | 2000 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Саноат | 11,3 | 10,7 | 9,8 | 10 | 12,9 | 13,9 | 16,9 | 19,6 | 21,0 |
| Қурилиш | 37 | 48,5 | 49,4 | 51 | 53,7 | 58,5 | 41,6 | 52,3 | 70,4 |
| Чакана савдо | 45,3 | 42,2 | 43,7 | 45,3 | 47,2 | 47,2 | 46,5 | 50,5 | 47,0 |
| Аҳолига пулли хизмат | 37,9 | 47,9 | 52,5 | 50,9 | 50,5 | 49,1 | 48,7 | 47,7 | 46,4 |

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони АҚШда 20,1 та, Японияда 44,7 та, Португалияда 83,5, Францияда 41,4, Германияда 38,7, Буюк Британияда 73,8, Италияда 65,7 тани ташкил этади[56].

Ўзбекистонда эса ҳар 1000 кишига 1999 йилда 5,1 та, 2011 йилда эса 15,2 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тўғри келди. 2000-2010 йилларда ривожланган давлатларда 1000 аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони ўртача йилига олти фоиздан ўсган. Европа ва Марказий Осиё давлатлари ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори кўрсаткичлар (йилига ўртача 15 фоиздан ўсиш)га эришдилар. Бунинг сабаби, ушбу давлатдарда хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилиши ва Шарқий Европа мамлакатларининг Европа Иттифоқига қўшилишидир[57].

Ўзбекистонда кичик бизнес секторини таҳлил қилиш натижалари ушбу секторда барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади. Аммо, эришилган кўрсаткичлар ва ривожланиш суръатлари аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий ривожланиш даражасига мос келмаслиги ҳам мумкин: биринчидан, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 54,0 фоизни ташкил қилишига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, аввalамбор, саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти; иккинчидан, бизнес учун мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш учун етарли даражада эмас, ҳамон меъёрий ва ҳуқуқий соҳаларда кичик бизнес ривожланишига тўсиқлар мавжуд; учинчидан, кичик бизнес ривожланиши кўрсаткичлари ҳудудий жиҳатдан таҳлил қилинганда, вилоятларда номутаносиблик кузатилмоқда; тўртинчидан, миллий иқтисодиёт учун аҳамиятга эга бўлган экспорт-импорт операцияларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини етарли даражада деб бўлмайди.

Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кафолатлари **ҳуқуқий**

---

**[56] Деловая среда в Ўзбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса//Международная финансовая корпорация, 2003. - С.15-16.**

**[57] Khrystyna Kushnir, Melina Laura Mirmulstein, and Rita Ramalho. Micro, Small, and Medium Enterprises Around the World: How Many Are There, and What Affects the Count. ШС / World bank. MSME Country Indicators. 2010. p.4**

асосини, уларни рўйхатга олиш ва тугатиш, солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзли кредитлаш, суғурталаш, моддий-техника таъминоти, давлат ҳаридлари тизими ва бошқаларни ўз ичига олиши керак (1-расм). Бундай хатти-ҳаракатларнинг мажмуи ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий идоралар, шаҳарлар, туманлар ва вилоят хокимликлари ва республика даражасидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.




**1-расм. Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари**

Кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

– молиявий оқимларнинг очиқлиги, ҳуқуқий-норматив базани шакллантиришда ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлайдиган давлат ва нодавлат секторлари ўртасида ташкилий ва информацион тизимларни ривожлантириш;
– бозорга янги корхоналар киришини рағбатлантирадиган ва самарасиз бўлган корхоналар учун ўз вақтида санация ва банкрот, деб эълон

қилиш жараёнлари амал қилишини таъминлайдиган рақобат муҳитини ривожлантириш;

– рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган илғор технологиялар яратиш ва уларнинг трансфер қилиш жараёнларини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Фикримизча, кичик бизнеснинг ҳудудлар ва мамлакатдаги рақобатбардошлигига кластерларни ташкил қилиш орқали ҳам эришиш мумкин. Кластер бу жуғрофий жиҳатдан яқин бўлган, маълум бир соҳада фаолият кўрсатадиган ва фаолиятида бир-бирини тўлдирадиган корхоналар, компаниялар гуруҳидир[58].

Бунинг учун, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар хокимликлари раҳбарлари мавжуд ресурслар ва ҳудуд салохиятидан келиб чиқиб, қайси соҳада кластерларни ташкил қилиш имконияти мавжудлигини аниқлашлари лозим.

Ундан кейин, кичик бизнес кластери ташкил қилиш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимида муҳим механизмлардан яна бири кичик ва йирик бизнес интеграциясидир. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида унинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши илмий-техник ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари субъектларининг ўзаро барқарор алоқалари муҳим аҳамият касб этади. Кичик ва йирик бизнеснинг инновацион интеграциялашув даражаси иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг асосий таъсир этувчи воситаларидан бири бўлиши лозим. Шу сабабли, кичик ва йирик бизнес интеграциясига кўмаклашувчи инфратузилмани яратиш орқали тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий ҳимояланишини, янгиликлар ва маҳаллий ҳамда хорижий тажрибалардан ҳабардор бўлиши, информацион базалардан кенг кўламда фойдаланишни ташкил қилиш, ўзаро ҳамкорлик жараёнида содир бўладиган хавф-хатарни камайтириш каби холатлар кафолатланишини таъминлаш лозим.
Шундагина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни миллий иқтисодиётдан улуши янада ошади, ўрни янада мустаҳкамланади.

Мавзунинг долзарблити. Мамлакатимиз аграр сохасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг х,озирги боскичида фермер хужаликлари барқарор ривожланишини таъминлашда рақобат му\итини шакллантириш оркали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташки бозорда самарали фаолият юритувчи механизмларни жорий қилиш долзарб вазифалардан хисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хужаликлари барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларнинг рақобатбардошлигини оширишдаги мавжуд муаммолар, номутаносибликларни аниклаш ва ҳал этишни мажмуавий шаклда чуқур тадкик этиш муҳим аҳамиятга эга.

---

[58] **Портер М. Конкуренция. М. СПб., Киев: Издательский дом «Вильяме», 2006. - С. 258**

Кишлок хужалигида барқарор иқтисодий ўсишга эришишии таъминлаш устун даражада фермер хужаликларининг рақобатбардошлигига боглик. Жахон амалиёти курсатишича, аграр соха истикболида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда янги фермер хужаликларини ташкил этиш эмас, балки уларнинг эркин рақобат мухитидаги рақобатбардошлигини таъминлаш устувор йуналишлардан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, - «Бугунги кунда куплаб ривожланган ва жахон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сузеиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чикиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислох этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юкори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чикариш тармокларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият курсатаётган ишлаб чикариш қувватларини модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш хисобидан амалга оширилиши мумкин»[59].

Шу нуктаи назардан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хужаликларининг рақобатбардошлигини ошириш учун рақобат мухитини шакллантиришга багишланган таҳлилларни амалга ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан бири хисобланади.

Фермер хужаликларининг рақобатбардошлигини ошириш билан боглик ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, уларнинг ихтисослашувига караб макбул даражада жойлаштириш ва самарадорлигини оширишга багишланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикишнинг зарурлиги тадкикот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг урганилганлик даражаси. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат категориясини кишлок хужалигидаги хусусиятларининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар С.И.Грядова, М.Конаков, П.Конаков, В.Ойкен, М.Портер, С.Н.Сазанов, А.Смит, К.С.Тернов[60], россиялик олимлардан Г.Л.Азоев, В.Д.Гончарев, Э.Н.Крылатых, И.В.Семенова, Р.А. Фатхуддинов, А.Ю.Юданов[61] ларнинг илмий ишларида тадкик килинган.

Мамлакатимизда фермер хужаликларининг ишлаб чикариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг айрим амалий

---

' Каримов И А 2012 йил ватанимиз тараккисгини янги боскнчга кутарадиган йил булади-Тошкент: «Узбекистон», 2012 - Б 36.

**Грядова СИ. Организация и экономические основы фермерского хозяйства- М.: Научно-методический центр профессионального образования, 1992,- 24 с; Конаков М., Конаков П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств.- М.: "ACADRMA", 2004.- 207 с; Ойкен В. Основные принципы экономической политики.- М.: Прогресс. 1999.-143 с; Портер М. Международная конкуренция.- М.: Международные отношения, 1993.- 232 с; Сазанов С.Н. Организационно-экономические и технические проблемы развития крестьянских (фермерских) хозяйств. Воронеж.:-Государственкый аграрный университет им. К .Д. Глинки,** 1997.- **125 с, Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Политическая литература, 1968. -13В с; Тернов** К.С. **Фермерское лредпрннимальство в условиях преодоления кризиса.-Воронеж, 1998,- 32 с.**

[61] **Азоев Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы. - М : Типография. 2000.- 216 с; Крылатых Э.Н., Семенова И.В., Гончаров В.Д. и др. Повышение конкурентоспособности продукции региональных АПК - М.: ВИАПИ. 2005.- N2 с: Фатхутдинов Р.А. "Управление конкурентоспособностью организации".- М.: Эксмо, 2004.- 544 с. Юдапов А.Ю. Конкуренция: Теория и практика: - М : Гром-Пресс, 2002. - 112 с.**

жиҳатлари ватанимиз иқтисодчи олимлари Р.А.Алимов, А.В.Вахабов, Ю.Т.Дадабоев, Ч.Муродов, У.М.Муминов, Ф.Назарова, У.П.Умурзаков, С.Н.Усмонов, А.Улмасов, Т.Х.Фармонов, С.В.Чепелъ, К,АЧориев, РД.Хусанов, Н.С.Хушматов, Р.Х.Эргашев, А.М.Крдировлар томонидан таҳлил килинган[62].

Шунингдек, фермер хужаликлари рақобатбардошлигини оширишга багишланган мустакил илмий тадкикотлар деярли амалга оширилмаган. Шу боисдан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хар бир ҳудудда фермер хужаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан холда, рақобатбардошлик муаммосини яхлит тизим сифатида мажмуавий тарзда урганиш зарурлиги тадкикот мавзусининг танланишига асос булди.

**Диссертациянинг илмий-тадкикот ишлари режалари билан богликлиги.** Илмий иш Карши мухандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадкикот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадкикот мақсади:** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хужаликларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикиш.

**Тадкикот вазифаларн:** Диссертация ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- фермер хужаликлари рақобатбардошлиги шаклланиши ва ривожланиншнинг назарий ва услубий асосларини ёритиш;
- фермер хужаликлари рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни аниклаш, таснифлаш ва улардан окипона фойдаланиш буйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикиш;
- фермер хужаликларини ривожлантиришда мавжуд рақобат мухитининг холатини бахолаш ва таъсириии аниклаш;
- фермер хужаликларида маҳсулот ишлаб чикариш сифати ва рақобатбардошлигини оширишда маркетинг фаолиятидан фойдаланишнинг афзалликларини асослаш;
- давлатнинг фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ошириш ва кулай рақобат мухити яратишдаги иқтисодий ролини очиб бериш;

---

**Алимов Р.А. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии, система показателей, факторы развития- -Т., 2004.- 34 с; Улмасов А., Вахабов А.В. Иктисодиёт назарияен. - Т.: Шарк. 2006.-247 б.; Хуеаиов Р.Х., Додобоев Ю.Т ва бошк. Кишлок хужалиги бозорлари.-Т, 2004.-261 6.; Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т., Худойбердиев. А. Тадбиркорлик асослари. - Фаргона, 2000.-258 б.; Муродов Ч. Кишлок хужалигида эркинлаштиришнинг асосий тамойиллари ва йуналишлари *II* Узбекистон иктисодий ахборотномаси.-Тошкент, 2003. №3. -6.14-16.; Муминов У.М. Кишлок хужалигида ракобат му\игини шакллантириш ва ривожлантириш. и.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефсрати-Т., 2009.,- 20. б.; Назарова Ф. Конкурентоспособность сельского хозяйства Узбекистана при вхождении в ВТО // Международный информационный бюллетень. -2006. -346 с; Хушматов НС. Аграр тармокда ишлаб чикариш ракобатбардошлигини оширишнинг устувор йуналишлари // Жахон молияний-иктисодий инкирози шароитида аграр тармок ракобазбардошлигини оширишнинг устувор йуналишлари илмий-амалий копференцинси.-2010. -Б. 3.; Фармонов Т.Х. «Узбекистон республикасида фермер хужаликларини ташкил этиш ва ривожлантирншниш асосий йуналишлари». автореферат -Т..-2006., 25. б., Умурзоков >*.П., Тошбосва Ж., Тошбоев А.А. Фермер хужалиги иктнсодиёти.-Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2008.-89 б.; ЧснельС.В. Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики. - Т.; 2004. -107 с; Чориев КА, Пахта ва дон етиштмришга ихТМСОСЛИШ ан фермер хужаликлари таъсисчилнгида кишлок хужалик кооператива ташкил этиш буйича услубий тавсиялар. Т :УзЬИИТИ, 2011. -33 б. Эргашсн Р.Х. Устойчивое развитие сельскою хозяйства Кашкадарьннской области *II* Экономика и финансы. М.: 2009.- № 3.- 12-14 с; Кодиров А.М. Ер-хазина, сув олтин *П* Узбекистон кишлок хужалиги.-Тошкент, 2003.-.%4.-Б. 6-7.**

-жахон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида фермер хужаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йуналишларини аниклаш.

**Тадкикот объекти:** Кашкадарё вилоятида фаолият юритаётган фермер хужаликлари.

**Тадкикот** предмети: Фермер хужаликлари рақобатбардошлигини шакллантириш ва ривожлантириш билан боглик хукукий, ташкилий ва иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадкикот** методлари. Тадкикот ишини бажаришда илмий мушохада, тизимли ва киёсий таҳлил, монографик кузатиш, иқтисодий ва статистик гурухдаш усулларидан кенг фойдаланилди.

**Тадкикот** гинотезаси. Тадкикот гипотезаси шундан иборатки, бозор шароитида фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ошириш юзасидан ишлаб чикилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ўрта истикболда мазкур жараённи самарали ва бозор тамойилларита мое ташкил қилиш чора-тадбирларини белгилаш ва татбик қилишга асос сифатида хизмат килади.

Химояга олиб чикилаётган асосий холатлар:

-иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хужаликлари рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар аникланган ва таснифланган;

-фермер хужаликлари рақобатбардошлигини оширишда инфратузилма корхоналари томонидан курсатиладиган хизмат турлари, хажмини купайтириш ва сифатини яхшилашнинг объектив зарурияти асосланган. Унга кура, фермер хужаликларида замонавий агроинновациялардан фойдаланишни йулга қуйиш натижасида фермер хужаликларида ишлаб чикарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги ошади ҳамда ишлаб чикариш рентабеллиги камида 10 фоизга ўсиши хисобига уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланади;

-фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида табиий-иклим шароити ва ер майдонлари хусусиятидан келиб чикиб, фермер хужаликларида экинларни макбул даражада жойлаштиришда мавжуд ер-сув, моддий-техника ва мехнат ресуреларидан самарали фойдаланиш натижасида фермер хужаликлари томонидан етиштирилган маҳсулот харажатлари 5-8 фоизгача камайишига каратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикилган;

-фермер хужаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш буйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайсрланган.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

-фермер хужаликлари рақобатбардошлиги тушунчасининг мохияти, уларнинг ресурс салохиятига мое равишда маҳсулот ишлаб чикариш хажми билан сотиш ўртасидаги онтимал мутаносибликни таъминлашнинг илмий-назарий жиҳатлари асослаб берилган;

бозор муносабатлари шароитида фермер хужаликлари рақобатбардошлигини шакллаптириш ва ошириш жараёнига таъсир этувчи табиий-иклим шарт-шароитлари, ички ва ташки ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таснифий хусусиятлари тизимлаштирилган;

-фермер хужаликларида маҳсулот ишлаб чикариш жараёнига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш буйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикилган;

-фермер хужаликлари билан хизмат курсатувчи инфратузилма субъектлари ўртасида хизмат турлари бахосини мувофиқдаштиришнинг илмий асосланган устувор йуналишлари аникланган;

-иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хужаликлари ўртасида рақобат мухитини шакллантириш ва ривожлантиришни инновацион жараё**!1лар** билан узвий кушиб олиб бориш лозимлиги асосланган;

-фермер хужаликларини барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикиш ва амалга ошириш буйича илмий таклифлар ишлаб чикилган.

**Тадкикот натижаларининг илмий аҳамияти.** Тадкикот жараёнида ишлаб чикилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан фермер хужаликлари фаолиятини самарали юритиш, келажакда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, барқарор ривожланишини таъминлашнинг ўрта муддатли илмий прогнозларини ишлаб чикишда фойдаланиш мумкин.

**Тадкикот натижаларининг амалий аҳамияти.** Тадкикот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар фермер хужаликлари рақобатбардошлигини оширишда, фермер хужалигини барқарор ривожлантиришнинг мақсадли ҳудудий ва минтакавий давлат дастурлари, концептуал асослари ишлаб чиқилишида назарий-услубий асос булади. Тадкикот натижаларидан олий укув юртларида «Кишлок хужалиги иқтисодиёти», «Дсхкон ва фермер хужаликлари иқтисодиёти», «Кишлок хужалиги инфратузилмаси икгисодиёти» ва «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанлари укув дастурларини такомиллаштириш ва укитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий килинганлиги.** Диссертация ишида ишлаб чикилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги (№02/18-976, 10.11.2010 йилдаги маълумотнома), Ўзбекистон Республикаси Фермер хужаликлари уюшмаси (№02/12-394, 13.12.2010 йилдаги маълумотнома), Кашкадарё вилояти кишлок ва сув хужалиги бошқармаси (09.11.2010 йилдаги маълумотнома), Кашкадарё вилояти Миришкор тумани хокимлиги (02.10.2010 йилдаги маълумотнома) томонидан амалиётга татбик этиш учун кабул килинган. Тадкикот иши материалларидан Карши мухандислик-иқтисодиёт иииститутида (15.10.2010 йилдаги маълумотнома) «Кишлок хужалиги иқтисодиёти», «Дсхкон ва фермер хужаликлари иқтисодиёти», «Кишлок хужалиги инфратузилмаси иқтисодиёти» ва «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанлари укув дастурларини такомиллаштириш ва укитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий гоя ва хулосалари «Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хужалиги тармокларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари» (Тошкент, 2003); «Девятнадцатые международные плехановские чтения. Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия. Тезисы докладов» (Москва, 2006); «Аграр сохада иқтисодий ислохотларнинг устувор

йуналишлари» (Тошкент, 2006); «Тармокларда хисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари» (Тошкент, 2007); «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида кишлок аҳолией фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истикболлари» (Карши, 2009); «Жахон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодиётнинг стратегик тизимларини устувор ривожлантириш муаммолари» (Карши, 2010); «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараккиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни ва аҳамияти» (Тошкент, 2011); «Жахон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида аграр тармок рақобатбардошлигини ошириш йуналишлари» (Тошкент, 2011); «Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йуллари» (Тошкент, 2011): «Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва озик-овкат хавфеизлигини таъминлаш муаммолари» (Наманган, 2011); «Мустакиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истикболлари» (Тошкент, 2011) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён килинган ва маъкулланган.

Диссертация иши Карши мухандислик-иқтисодиёт институти «Иқтисодиёт» йуналиши кафедраларининг кенгайтирилган илмий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги Д.005.25.01 ракамли Бирлашгаи ихтисослашган кенгаш кошидаги илмий семинарда мухокама килинган ва химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон килинганлиги.** Диссертация иши натижалари нашр этилган 16 та илмий макола ва маъруза тезисларида уз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши** ва **хажми.** Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руихатидан иборат Тадкикот иши матни 143 бетдан иборат булиб, 17 та жадвал, саккизта раемни уз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Бозор муносабатлари шароитида фермер хужаликлари барқарор ривожланишини рагбатлантирувчи омиллардан бири-уларнинг рақобатбардошлик имкониятларини кенгайтириш ва мустахкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу холат фермер хужаликлари ишлаб чикариш фаолиятида тегишли бозор сегментлари стандарт талабларига жавоб берадиган сифатли рақобатбардош товарлар таклиф қилиш, улар ассортиментини бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар талаблари асосида кснгайтириб боришни такозо этади. Зотан, фермер хужаликлари рақобатбардошлик даражаси улар томонидан таклиф килинаётган товар (маҳсулот) истеъмоли ва киймат (нарх) курсаткичларида мужассамланади.

Фермер хужаликлари рақобатбардошлиги ривожлапишида кишлок хужалигининг ўзига хос хусусиятлари алохида ўрин тутиб, аграр сохада рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат мухитининг шаклланишига бевосита

ва билвосита таъсир курсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат мухити категориялари мазмунан ва мохият жиҳатидан ўзаро якин булиб, бир-бирини тўлдириб туради.

Фермер хужаликлари рақобатбардошлиги категорияси куп киррали, мураккаб тушунча булиб, муайян бир фермер хужалиги ўзининг маҳсулот ишлаб чикариш фаолиятини самарали ташкил қилиш учун бошқа катор тайёрлаш, сотиш, кайта ишлаш, турли агросервис хизматлари курсатиш ва молия-кредитлаш каби инфратузилма субъектлари билан ўзаро муносабатларга киришишга мажбурдир. Айнан шу муносабатлар тизимида бошқа барча фермер хужаликлари иштирок этади ва улар ўртасида рақобат вужудга келиб, ушбу жараён уз навбатида рақобат мухитининг шаклланишига асос булади.

Фикримизча, фермер хужаликлари рақобатбардошлиги-бу, уларнинг кишлок хужалиги маҳсулотларини такрор ишлаб чикариш жараёнида биологик, техник-технологик ва иқтисодий омиллардан фойдаланиш, маҳсулотни йигиштириш, ташиш, саклаш, сотиш ва истеъмол қилиш боскичларида устунликни эгаллашлари учун буладиган рақобатда маҳсулотнинг нархи, сифати ва экологик курсаткичларини яхшилаш оркали харидорлар талаби, истак-хохишларини кондира олиш, курсаткичлари буйича афзалликларини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Шу нуктаи назардан фермер хужалиги рақобатбардошлигини бахолаш учун таклиф килинаётган товарларнинг нархи, рентабеллик даражаси, сифат буйича талабга мослиги ва ишлаб чикариш хажми каби курсаткичларидан фойдаланиш керак булади.

Тадкикот ишида кишлок хужалиги рақобатбардошлиги маҳсулот ишлаб чикарувчи субъектлар, тармоклар, мамлакат даражасида урганилиб, фермер хужаликларида маҳсулот рақобатбардошлигини белгилаб берувчи қуйидаги омиллар аникланди:

а) маҳсулот сифатига:

1.Ташкилий ва ишлаб чикариш тизимининг окилона таркиби.

2.Тизимнинг амалга ошишини асослаш.

**3.**Ходимлар тизимининг рақобатбардошлиги.

4.Ахборот технологиялари ривожланганлиги.

5.Бошқарув тизимининг илмий даражаси.

6.Янги маҳсулотлар яратиш ва улар таркибини яхшилашдаги янгиликлар.

7.Технологик жараёнлар ва ускуналарнинг янгиланиши. **б) маҳсулот нархига:**

1.Маҳсулот истеъмолчилари ва воситачиларни тартибга солиш, мехнат ва ишлаб чикаришни ташкил этиш даражаси.

2.Мамлакатнинг рақобатбардошлик даражаси.

3.Тармокнинг рақобатбардошлик даражаси.

4.Ҳудуднинг рақобатбардошлик даражаси.

5.Талабнинг сотиб олиш кобилияти даражаси.

6.Рақобатчилар ўртасида рақобатбардошлик кучи ва имкониятлари.

7. Жамоат ташкилотлари, истеъмолчилар жамияти, ахборот таркатувчи ташкилотлар билан алоқалар ривожланганлиги.
8.Маҳсулотнинг бўлган янги истеъмолчиларини топиш.
9.Турдош маҳсулотлар ўртасидаги рақобатни кучайтириш.
10. Бутловчи қисмлар, материаллар, хом-ашёлар етказиб берувчилар ўртасида рақобатни кучайтириш.
11. Маҳсулот ишлаб чикарувчи корхона рақобатбардошлиги.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида фермер хужаликларида рақобатбардошлик мухитини шакллантириш ва соғлом рақобатни ривожлантириш аксарият холатларда қуйидаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар тизимини ишлаб чикишни такозо этади:

- тармоклар тузилишидаги номувофиқликлар ва маҳсулот ишлаб чикаришда юкори технологияларнинг етишмаслиги;

- соха ва тармоклар микёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;
- мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти борасида суиистеъмоллик холатларига йул куиилиши;
- нарх белгилашда монопол мавкенинг сакданиб колиши, жумладан, иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фаркланиши;
- фаолият тури ва даромадларни яшириш холатларининг мавжудлиги;
- миллий валютани хорижий валюталарга эркин алмаштириш имконияти чекланганлиги;
- хужалик субъектларининг бозор иқтисодиёти конунларини чуқур тушуниб етмасликлари.

Юкоридаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида Кашкадарё вилоятидаги фермер хужаликлари фаолияти тадкик этилди. Таҳлиллар курсатишича, 2007-2011 йилларда фермер хужаликларида барқарор суръатларда ривожланди (1-жадвал).

Таҳлиллар курсатишича, 2007-2011 йилларда вилоят фермер хужаликлари сони 73,6 фоизга қисқаргани холда, уларнинг ялпи кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чикаришдаги улуши 2007 йилда 39,3 фоизни ташкил этган

**1**-жадвал

Кашкадарё вилоятида фермер хужаликлари ривожланиш курсаткичлари[63]

| Т/Р | Курсаткичлар | Улчов бирлиги | Йиллар: | | | | | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, (пунктга) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | |
| 1. | Кишлок хужалик мах,сулотлари ишлаб чикариш хажмида улуши | % | 39,3 | 38,7 | 38,3 | 40,6 | 41,9 | +2,6 пунктга купайди |
| Жумладан: усимликчиликда | | % | 98,3 | 98,2 | 98,1 | 97,7 | 97,4 | -0,9 пунктга камайди |
| чорвачиликда | | % | 1,7 | 1,8 | 1,9 | 2,3 | 2,6 | +0,9 пунктга купайди |
| 2. | Фермер хужаликлари сони | бирлик | 27057 | 29364 | 29785 | 8599 | 7168 | 3,8 марта қисқарди |
| 3. | Фермер хужалигида ишловчилар сони | киши | 141018 | 155151 | 155949 | 155932 | 155932 | 110,5 купайди |
| 4. | Фермер хужаликла-рига ажратилган ер майдони | га | 612818 | 707200 | 717086 | 717086 | 772099 | 126 купайди |
| 5. | Ўртача бир фермер хужалигига тугри | га | 22,6 | 24,1 | 24,1 | 66,0 | 107,7 | 4,7 марта купайган |

[63] Кашкадарё вилояти иктисодиёт бош бошкармаси маглумотлари асосида муаллиф томопидан хисобланган.

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  | КЕЛАДИГАН ЕР МАЙДОНИ |  |  |  |  |  |  |
| 6. | ЎРТАЧА БИР ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИДА ИШЛОВ-ЧИЛАР СОНИ | КИШИ | 5,2 | 5,3 | 5,2 | 18,1 | 21,7 | 4,2 МАРТА КУПАЙГАН |

2011 йилда 41,9 фоизга тенг булди. Ушбу курсаткич усимликчиликда 2007 йилда 98,3 фоизни ташкил этган булса, 2011 йилга келиб 97,4 фоизга тенг булди, чорвачиликда ушбу курсаткич мутаносиб равишда 1,7 фоиз ва 2,6 фоизни ташкил этди. Шунингдек, республика микёсидаги курсаткичлар билан таккослаганда ҳам, вилоят фермер хужаликларининг барқарор ривожланаётганини кузатиш мумкин (2-жадвал).

Таҳлиллар курсатишича, вилоят фермер хужаликларининг 74,0 фоизи асосан пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган булиб, богдорчилик ва узумчилик-15,2 фоиз, чорвачилик сохасидаги фермер хужаликлари 5,9 фоиз, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган лари 4,3 фоиз ва бошқа йуналишдагилар 0,6 фоизни ташкил этади. Туманлар микёсида эса, Китоб ва Камаши туманларида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хужаликлари мое равишда 22 ва 7,8 фоизни, богдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хужаликлари Китоб туманида ривожланган булиб, яъни жами фермер хужаликлари таркибида 53,2 фоизни ташкил этган
Косон, Муборак, Миришкор, Нишон ва Чирокчи туманларида ташкил

**2-жадвал**

**Республика ва вилоятларда фермер хужаликлари ривожланишининг киёсий курсаткичлари (фоиз хисобида)[64]**

| № | Вилоятлар | Кишлок **хужалиги ялпи маҳсулоти даги улуши** |  | **Экин майдони да-ги улуши** |  | **Пахта етиштиришдаги улуши** |  | **Галла етиштириш-даги улуши** |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  | **Ииллар** |  | **Ииллар** |  | **Ииллар** |  | **Ииллар** |  |
|  |  | **2006** | **2010** | **2006** | **2010** | **2006** | **2010** | **2006** | **2010** |
| 1 | Республика буйича | 31,4 | 35,0 | 74,5 | 84,8 | 86,4 | 99,4 | 71,2 | 81,5 |
| 2 | Кркракалпо- | 40,2 | 40,2 | 75,2 | 86,4 | 95,2 | 99,8 | 64,3 | 69,8 |

64 Узбекистон Республикаси Давлат Статистика кумитаси маълумотлари асосида тузилган.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | гистон Рес-публикаси | | | | | | | | |
| 3 | Андижон | 22,0 | 32,7 | 57,0 | 85,5 | 64,3 | 99,5 | 55,0 | 84,9 |
| 4 | Бухоро | 28,7 | 30,2 | 74,4 | 82,0 | 89,6 | 99,5 | 53,9 | 60,3 |
| 5 | Жиззах | 38,1 | 37,1 | 90,1 | 92,0 | 98,1 | 100 | 94,1 | 93,6 |
| 6 | Кашкадарё | 39,3 | 41,9 | 78,5 | 85,1 | 95,9 | 99,9 | 83,2 | 86,3 |
| 7 | Навоий | 71,2 | 76,7 | 71,2 | 76,7 | 71,2 | 76,7 | 71,2 | 76,7 |
| 8 | Наманган | 72,5 | 81,6 | 72,5 | 81,6 | 72,5 | 81,6 | 72,5 | 81,6 |
| 9 | Самарканд | 70,5 | 79,7 | 70,5 | 79,7 | 70,5 | 79,7 | 70,5 | 79,7 |
| 10 | Сурхондарё | 67,2 | 79,8 | 67,2 | 79,8 | 67,2 | 79,8 | 67,2 | 79,8 |
| 11 | Сирдарё | 90,4 | 88,8 | 90,4 | 88,8 | 90,4 | 88,8 | 90,4 | 88,8 |
| 12 | Тошкент | 69,8 | 92,5 | 69,8 | 92,5 | 69,8 | 92,5 | 69,8 | 92,5 |
| 13 | Фаргона | 71,2 | 80,6 | 71,2 | 80,6 | 71,2 | 80,6 | 71,2 | 80,6 |
| 14 | Хоразм | 64,3 | 68,1 | 64,3 | 68,1 | 64,3 | 68,1 | 64,3 | 68,1 |

этилган фермер хужаликларининг 90 фоизидан купроги бевосита пахта ва галла етиштиришга, Дехконобод туманида эса 77,6 фоизи галла етиштириштa ихтисослашган (3-жадвал).

Фикримизча, фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ошириш ва уларни ривожлантириш учун ташкилий-таркибий такомиллаштириш нуктаи назаридан, тармок ва экинларни илмий асосланган тарзда жойлаштиришда айнан хар бир худуднинг табиий-иклим, ер ва демографик шарт-шароитлари инобатга олиниши лозим.

Фермер хужаликлари фаолиятида рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат мухити тушунчаларига тармокнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро таъсир

3-жадвал

Кашкадарё вилоя гида фермер хужаликлари макбуллаштирилгандан кейинги (**2012** йил **1** январь) холати[65]

| | Туманлар | Жами фермер хужаликлари сони | | Пахтачиликка ихтисослашган | | Когдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган | | Чорвачиликка ихтисослашган | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Фермер хужалик лари сони | I фермер хужали-гига тугри келадиган ўртача ер майдони, гектар | Фермер хужалик-лари сони | 1 фермер хужа-лигига тугри келадиган ўртача ер майдони, гектар | Фермер хужалик-лари сони | 1 фермер хужа-лигата тугри келадиган ўртача ер май-дони, гектар | Фермер хужалик-лари сопи | 1 фермер хужа-лигига тугри келадиган ўртача ер майдони, гектар |
| 1 | Ғуаор | 383 | 136,7 | 350 | 142,0 | 14 | 22,9 | 18 | 124,5 |
| 2 | Дехдонобод | 251 | 105,3 | 195 | 104,0 | 28 | 30,0 | 28 | 189,3 |
| 3 | Камаши | 601 | 160,1 | 471 | 142,2 | 51 | 21,5 | 26 | 1042,3 |
| 4 | Карши | 474 | 99,7 | 384 | 112,9 | 59 | 20,1 | 27 | 98,9 |
| 5 | Косои | 592 | 129,7 | 551 | 134,6 | 9 | 56,0 | 30 | 71,3 |
| 6 | Касби | 510 | 101,1 | 455 | 110,1 | 30 | 17,2 | 12 | 63,3 |
| 7 | Китоб | 821 | 41,0 | 124 | 93,3 | 437 | 19,1 | 67 | 80,1 |
| 8 | Миришкор | 755 | 118,9 | 696 | 115,8 | 39 | 17,8 | 14 | 599,6 |
| 9 | Муборак | 298 | 186,0 | 240 | 116,2 | 23 | 13,9 | 29 | 888,7 |
| 10 | Нишон | 638 | 99,4 | 560 | 105,6 | 40 | 25,1 | 23 | 93,9 |
| 11 | Чирокчи | 855 | 136,2 | 772 | 135,6 | 9 | 12,6 | 71 | 162,3 |
| 12 | Шахрисабз | 255 | 87,9 | 162 | 104,4 | 47 | 35,3 | 29 | 97,1 |
| 13 | Яккабог | 735 | 56,7 | 345 | 85,8 | 300 | 10,8 | 54 | 158,6 |
| Жами | | 7168 | 107,7 | 5305 | 119,7 | 1086 | 18,3 | 428 | 244,8 |

этиш жиҳатларини хисобга олган холда ёндашиш зарур. Шу нуктаи назардан, фикримизча, улар фаолияти билан боглик рақобат ва рақобат мухити тушунчаларига тавсиф беришда қуйидагиларга эътибор каратиш лозим:

- фермер хужалиги уз жойлашувига кура, кулай жойларни танлаш имкониятига эга эмаслиги;

- муайян бир фермер хужалигининг жойлашиши ва шарт-шароитига нисбатан бошқа фермер хужаликларининг кулай мавкега эгалиги;

- фермер хужаликларининг ишлаб чикариш фаолияти билан боглик хужалик субъектларинингбошқа минтакалардагига нисбатан кулай шароит, сифатли ва кам харажат эвазига маҳсулот етиштириш, саклаш ва ташиш харажатларини иқтисод қилиш жиҳатдан локал монополиянинг мавжудлиги.

Шу боис, ушбу жараёнда иштирок этувчи хар бир бозор субъекти ўзининг рақобатбардошлигини бахолаши зарур. Ушбу холат бозор шароитида қуйидаги омиллар билан изохланади:

- кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чикарувчи корхоналар, жумладан, фермер хужаликлари бошқа мулк шаклидаги корхоналар каби маҳсулотларни узларига кулай бўлган шароитларда сотиш учун арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чикариш асосида рақобат мухитида фаолият курсатишлари керак;

- кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чикарувчи уз мулкидан фойдаланишда доимий равишда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдалирок натижаларга эга булиши керак. Акс холда, мулкдан ушбу тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқми, деган савол юзага келиши мумкин. Шу сабабли, кишлок

**65 Кашкадарё вилояти иктисодиёт бош бошкармаси маълумотларн .носила муаллиф томонидан кисобланган.**

хужалик маҳсулотлари ишлаб чикарувчилар юкори даромад олишлари учун мулкдан самарали фойдаланиш ва бошқа мулк шаклидаги корхоналар билан рақобатдош булиши керак;

- кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чикарувчилар уз ижтимоий-иқтисодий вазифаларини бажаришлари учун якин келажакда ишлаб чикаришни кенгайтириши, бунинг учун эса, барқарор молиявий ва моддий-тсхник базага ҳамда улардан самарали фойдаланиш имкониятларига эга булишлари зарур;

-аксарият фермер хужаликлари жойлашган минтаканинг нокулай табиий-иклим шароитлари ишлаб чикариш ихтисослигини ўзгартириш учун имконият бермайди. Бундай холларда кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чикарувчиларнинг куплаб корхоналар билан, жумладан уларга хизмат курсатувчи инфрагузилмалар субъектлари билан буладиган ўзаро муносабатларида тегишли имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ.

Юкрридаги холатларнинг бевосита маҳсулотлар ва хизматлар бозорларининг ўзаро богликликда булишини эътиборга олиб, минтакавий бозорда фермер хужаликлари томонидан ишлаб чикарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини бахолаш учун қуйидаги биз таклиф кияаётган ташкилий чора-тадбирлар моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1-расм).

Таклиф килинаётган ёндашув рақобатбардошлик курсаткичларини аниклаш кишлок хужалигида ишлаб чикарилган озик-овкат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини бахолашда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш, бозор конъюнктурасини урганиш, рақобатбардошлик курсаткичларини таккослаш учун бозорни танлаш ва ракрбатчилар имкониятларини эътиборга олиш каби кенг камровли жараёнларни уз ичига олади.

Фикримизча, ушбу жараёнда қуйидагиларга алохида эътибор каратиш лозим:

-фаолиятни ташкил этишда табиий шарт-шароитларнинг турличалиги;

- молиявий маблағларни жалб этиш ва фойдаланишдаги таъминот даражаси;

-моддий-техника базасининг шаклланиши ва барқарорлигидаги фарклар;

- мутахассислар билан таъминланганлик, уларнинг малака ва тажриба даражаси;

- фермер хужаликларининг харажатларни тежаш тадбирларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш салохияти;

-фермер хужаликларининг ихтисослашув даражаси;

- фермер хужаликлари фаолият юритаётган ҳудуддаги инфратузилма мажмуининг ривожланганлик даражаси;

- давлатнинг фермер хужаликларини тартибга солиш механизми ва дастакларидан фойдаланиш даражаси.

Ўзбекистон шароитида жахон молиявий-иқтисодий инкирозининг кишлок хужалиги тармогига курсатган салбий окибатларини камайтириш ва юмшатишда фермер хужаликларининг инкирозга карши бошқариш стратегияси қуйидаги боскичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

**1** -боскич-инкирозга карши тезкор бошқариш. Ушбу боскичда фермер хужаликларининг молиявий барқарор ривожланишини таъминлаш ва тулов

кобилиятини пасайтиришта таъсир курсатаётган сабабларни бартараф этиш ҳамда олдини олишда инкирозга таалукли йуналишларга жиддий эътибор каратиш лозим;

**2**-боскич-инкирозга карши жорий бошқариш. Ушбу боскичда фермер хужаликларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш буйича иқтисодий тадбирларни жорий этиш энг самарали йуналишлардан бири хисобланади;

3-боскич-инкирозга карши ўрта муддатли бошқариш. Бунда эса 3-5 йил мобайнида молиявий-иқтисодий муносабатларни такомшшаштириш, моддий ва мехнат сарф-харажатларини инновация ишланмалари асосида қисқартириш х,амда замонавий илгор агротехнологияларни жорий этишга устуворлик бериш лозим.

Ўзбекистон шароитида жахон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий окибатларини камайтиришда фермер хужаликлари фаолиятини барқарор ривожлантириш буйича қуйидаги тадбирларга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз:

-бозор конъюнктураси ва бахо сиёсати талабларидан келиб чиккаи холда фермер хужаликларида ишлаб чикарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чикариш харажатларини қисқартириш ва тежашнинг аник тадбирларини жорий этиш;

-фермер хужаликларига хизмат курсатувчи инфратузилма объектлари фаолиятини диверсификациялаш асосида янада ривожлантириш ва кенгайтириш;

-бугунги кунда жахон микёсида кузатилаётган озик-овкат инкирози салбий окибатларининг олдини олиш мақсадида кишлок хужалик экинларини макбул даражада жойлаштириш, ер ва сув ресуреларидан самарали фойдаланиш, жим майдонларини оптималлаштирига, фан ва техника ютукларини тезкор куллаш негизида ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш.

Диссертация ишида фермер хужаликлари рақобатбардошлигини таъминлаш, улар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиригада маркетинг стратегиясидан кенг куламда фойдаланиш устувор вазифалардан бири сифатида тадкик этилган. Фикримизча, фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси унинг асосий элементлари, яъни харакатлар дастури (концепция)=>мақсад ва вазифалар (дастурнинг асосий йуналишлари буйича)=>ривожланишнинг индикатив режалари (муаммолар ва номутаносибликларни атрофлича таҳлил зтиш)=>фермерликни ривожлантириш буйича бозор стратегияси йуналишлари доирасида амалга оширилиши зарур[10].

Рақобатбардошликни ошириш учун, фикримизча, фермер хужаликлари негизида кишлок хужалик хом ашёси ишлаб чикариш, кайта ишлаш ва сотишни маркетинг сиёсатига мое равишда ўзгартириш, ердан фойдаланиш ва техникавий жихозланиш даражасини мунтазам яхшилаш, маҳсулотни жахон бозори талабларига мувофиқ стандартлаштиришнинг мукаммал услубларига ўтиш муҳим вазифалардан хисобланади. Ушбу жараёнда муайян бир фермер хужалигининг рақобатбардошлигини шу х^окалтеда етиштирилаётган маҳсулот тури буйича ихтисослашган бошқа юкори хосилдорлик билан фаолият

курсатаётган фермер хужаликлари курсаткичлари билан таккослаш рақобатбардошлик даражасини бахрлаш имкониятини беради.

Истикболда муайян турдаги кишлок хужалик маҳсулотлари стиштирувчи хужалик юритувчи субъектлар ўртасидг соғлом рақобат мухитини шакллантириш ва уларни химоя қилиш мақсадида давлатнинг тартибга солиш механизмларидан фойдаланиш зарур.

Фикримизча, фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ошириш ва улар ўртасида рақобат мухитини ривожлантиришда давлат томонидан асосий эътибор қуйидагиларга каратилмоги лозим:

- ишлаб чикарувчилар фойдасининг ўсишига ташки ва ички бозор нархларининг салбий таъсирини пасайтириш;

- иқтисодиётнинг аграр ва индустриал тармоклари маҳсулотлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни боскичма-боскич мувофиқлагатириб бориш;
- молия-кредит, солиқ ва сугурталаш тизимларини иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилларига мое равишда такомиллаштириб бориш;
- фермер хужаликлари маҳсулотларини ташиш билан боглик барча жараенларни уз ичига олувчи ягона транспорт сиёсатини юритиш;
- божхона тизимини такомиллаштириш;
- барча йуналишдаги инфратузилмалар таркибига кирувчи субъектлар ўртасида рақобат мухитини яратиш ва уларнинг фаолият турларини кешайтириш;
- маҳсулот етиштириш ва сотиш тизимида соғлом рақобат мухитини шакллантириш.

Шунингдек, бевосита фермер хужаликларида ишлаб чикариш ва даромадлар барқарорлигини таъминлаш учун давлатнинг қўллаб-қувватлаш тизимида қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилиши лозим:

- моддий-техник таъминот тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш оркали фермер хужаликларида маҳсулот ишлаб чикариш жараёнларини механизациялаш даражасини ошириш ва сарф-харажатларни камайтириш;
- фермер хужаликларини кредит, сугурта ва солиқ буйича имтиёзли қўллаб-қувватлаш;
- фермер хужаликларини нарх буйича қўллаб-қувватлаш;
- фермер хужаликларини антидемпинг сиёсати оркали қўллаб-қувватлаш;
- чул ва тог олди ҳудудларида жойлашган фермер хужаликларини турли ташкилий-таркибий ва ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар оркали қўллаб-қувватлаш ва хк.

К,ишлок хужалигида олиб борилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати натижаси уларок фермер хужаликлари уз тасарруфидаги ер майдонларида давлат эхтиёжидан ортиқча ва давлат буюртмаси бекор килинган маҳсулотларни экиш ва етиштирилган хосилни эркин сотиш хукукига эга булдилар. Фикримизча, ўрта истикболда фермер хужаликлари рақобатбардошлигини ошириш биринчидан, маҳсулот етиштириш, сотиш ва бахо белгилаш тизимида, иккинчидан эса, таъминот ва хизмат курсатиш тизимида амалга оширилиши керак.

Таҳлилларимиз курсатишича, пахта ва галла етиштирувчи фермер хужаликларига имтиёзли кредитлар ажратишда муддат нуктаи назаридан агротехник тадбирларни уз вактида олиб бориш назарда тутилмаганлиги учун қуйидагиларни амлга ошириш лозим:

-харид қилиш режасини боскичма-боскич камайтириш асосида маҳсулотларга эркин нарх белгилаш амалиётини жорий қилиш;

-фермер хужалигидаги барча ресурслардан самарали фойдаланиш, экинлар хосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулотларни сотиш каналлари ва ҳудудларини кенгайтириш, кафолатли истеъмолчилар топиш, нарх ва бошқа омиллар буйича доимий мониторинг олиб бориш оркали ресурс тежамкор чора-тадбирларни ишга солиб, иқтисодий самарадорликни ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хгэзирда фермер хужаликлари рақобатбардошлигининг муҳим курсаткичлари хисобланган товар (маҳсулот) ишлаб чикариш, саклаш, кайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ташкилий-таркибий жиҳатдан такомиллаштириш ва ташки муносабатларни амалга оширишни таъминловчи қуйидаги иқтисодий механизмларни кайта куриб чикиш зарур:

-кишлок хужалиги маҳсулотларининг ҳудудий ихтисослашган улгуржи савдо бозорларини (галла, мева-сабзавот, картошка, чорва маҳсулотлари ва бошқалар) ташкил этишни рагбатлантириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий қўллаб-кувватлаш механизмларини жорий қилиш;

-кишлок хужалига маҳсулотлари етиштириш хажми ва сифатини башорат қилиш механизмини такомиллаштириш;

-ишлаб чикарувчилар томонидан мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини эркин сотигани таъминлаш мақсадида савдо уйлари, супермаркетлар, улгуржи савдо-тижорат хусусий корхоналарини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан рагбатлантириш, «харид қилиш-сотиш» тизимидаги сунъий тусикларни бартараф этишга каратилган мавжуд меъёрий-хукукий хужжатларни кайта куриб чикиш ва янгиларини кабул қилиш;

-божхона тизими транзит масалаларида, яъни автомобиль, темир йул, самолёт ва бошқа транспортларда маҳсулот ташишда имтиёзлар бериш, лицензия ва сертификатларни расмийлаштириш билан боглик жараенларни соддалаштириш ва такомиллаштириш;

-кишлок хужалиги экинлари ва хосилини сугурталаш тизимини такомиллаштириш, бу борада ташвикот-таргибот ишларини кучайтириш, сугурта компаниялари фаолиятини рагбатлантириш ва молиявий қўллаб - қувватлаш.

Тадкикотларимиз курсатишича, фермер хужаликларига хизмат курсатувчи инфратузилма объектлари сонининг купаётганлиги, уларга берилаётган турли имтиёзлар ва бошқа енгилликларга карамасдан, улар ўртасидаги рақобат мухитининг жорий холати иқтисодиётни эркинлаштириш талабларига тулик жавоб бсрмайди. Жумладан, таъминот ва хизмат курсатиш тизимида рақобат мухитини ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

-таъминот ва агросервис корхоналарида бошқарувнинг самарали тизимини шакллантириш;

-экологик тоза рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришда биосервис тармогида уругчилик, нав ва селекцияни ривожлантириш учун рақобатчи хусусий уругчилик корхоналарини ташкил этиш;

-минерал упггларнинг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланувчи хусусий шохобчаларни ташкил этиш;

-минерал угит, ЕММ ва бошқа ресурсларни етказиб берувчи транспорт корхоналарига турли имтиёзлар бериш;

-хужаликларни моддий-техника ресурслари батан уз вактида таъмин-лаган, сифатли ва арзон хизмат курсатган корхоналарга хар йили танлов асосида ресурсларни эркин таксимлаш хукукини бериш;

-моддий-техника ресурслари (минерал угит, кимёвий воситалар, эхтиёт қисмлар ва ш.к.)нинг эркин бозорини шакллантириш;

-ММТП ва МТПлари моддий-техника базасини мустахкамлаш учун давлат томонидан ишлаб чикилган аник ҳудудий дастурлар оркали ёрдамлашиш;

- ҳудудларда курсатилаётган хизматлар (нархи, сифати, ишончлиги, шартнома муддатлари ва х.к.) мониторингини юритиш;

- ахборот, бизнес-режа тузиш, бухгалтерия, аудит, хукукий хизматлар курсатишни яхшилаш;

-маҳсулотни кайта ишлаш, кадоклаш, саралаш, сакдаш ва сотиш тизимини ҳудудий микёсда ривожлантириш;

-таъминот ва хизмат курсатиш тизимига кредит ажратишнинг тартиб-коидаларини соддалаштириш ва такомиллаштириш, берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш механизмини куриб чикиш.

Юкорида тавсия этилган илмий-амалий ишланмаларнинг амалиётга жорий килиниши пировардида республика микёсида фермер хужаликлари фаолиятида самарадорлик ва рақобатбардошлик даражаларини юксалтириш, кушимча даромад манбаларини яратиш асосида кишлок аҳолисининг моддий-ижтимоий шарт-шароитларини янада яхшилашга каратшиан чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва амалга оширишда асос булиб хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСА

Тадкикот жараёнида қуйидаги **илмий** хулосалар олинди:

